



UNPRPD MPTF

Partnership on the Rights of Persons with Disabilities

unicef
for every child



United Nations
Human Rights

OFFICE OF THE HIGH COMMISSIONER FOR HUMAN RIGHTS



ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ЖАВОБАН ИНКЛЮЗИВ ХИЗМАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ



АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тиббиёт, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳа мутахассислари учун

**"Ижтимоий хизматлар кўрсатишни ислоҳ қилиш: Ўзбекистонда
ногиронлиги бўлган болалар, ёшлар ва аёллар ҳуқуқларига
асосланган ёндашувни татбиқ этиш" қўшма дастури**

ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ЖАВОБАН ИНКЛЮЗИВ ХИЗМАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

**Тиббиёт, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш
соҳа мутахассислари учун
АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ЖАВОБАН ИНКЛЮЗИВ ХИЗМАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ.
Тиббиёт, ижтимоий, психологик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳа мутахассислари учун
ўқув-услубий қўлланма

Қўлланма ЮНФПанинг миллий маслаҳатчилари томонидан тузилган:

Хасанова Д.А. – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш маркази касб касалликлари курси билан оилавий тиббиёт кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди.

Эрметова В. У. – Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази тренер-маслаҳатчиси.

Рахимова М.А. - "Шароит плюс" ногиронлар жамоат бирлашмаси раҳбари.

Мусаева З. И. – психолог, ЮНФПА маслаҳатчиси.

Ярмухамедов Ш.Р. – ЮНФПА инклюзия ва ногиронлик масалалари бўйича миллий маслаҳатчиси.

Ушбу нашрда билдирилган фикрлар ҳужжатни тузиш бўйича мутахассисларга тегишли бўлиб, ЮНФПА, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таркибига кирадиган ташкилотларнинг фикрларини акс эттирмайди.

Қисқартмалар

БМТ	– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ЖССТ	– Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти
ЮНДП/UNDP/ БМТТД	– БМТнинг тараққиёт дастури
ЮНФПА/UNFPA	– БМТнинг аҳолишунослик жамғармаси
ЮНИСЕФ/UNICEF	– БМТнинг болалар жамғармаси
СИДО/CEDAW	– “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция
БРМ	– Барқарор ривожланиш мақсадлари
ГЗ	– Гендер зўравонлик
НБХ/Қ	– Ногиронлиги бўлган хотин-қизлар
НВИ	– Ногиронлик вазиятидаги инсон
ИИБ	– Ички ишлар бўлими
МФЙ	– Маҳалла фуқаролари йиғини
СОТ	– Стандарт операцион иш тартиблари
ЖКСХ	– Жароҳатдан кейинги стресс ҳолати
БЦФ/ДЦП	– Болалар церебрал фалажи (детский церебральный паралич)

Мундарижа

I. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ ИДОРАЛАРАРО МАЖМУАВИЙ ЖАВОБ ЧОРАЛАРИ СИФАТИДА ХИЗМАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА МИНИМАЛ ЎҚУВ ДАСТУРИ	5
1.1 Ўқув дастурининг яратилишига асос	5
1.2. Ўқув дастури бўйича асосий маълумот	6
1.3. Ўқув дастури режасининг умумий жадвали	8
1.4. Ўқув дастурига кириш қисми	11
II. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИГА ЖАВОБАН ИНКЛЮЗИВ ХИЗМАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ. АСОСИЙ ҚИСМ	14
1. Биринчи модуль: Гендер зўравонлик ва ногиронлик билан боғлиқ асосий тушунчалар.	14
1.1. Мавзу: Гендер зўравонликни белгиловчи асосий тушунчалар.	15
1.1.1. Гендер ва гендерга тегишли тушунчалар	16
1.1.2. Гендер зўравонлик	17
1.2. Мавзу: Ногиронликнинг гендер жиҳатларини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тушуниш	23
1.2.1. Ногиронликни тушуниш ва таърифлаш моделлари	23
1.2.2. Ногиронлик ва гендер, инсон ҳуқуқлари ва гендер зўравонлик	28
1.3. Мавзу: Ногиронликни эътиборга олган ҳолда мулоқот кўникмалари.	30
1.3.1. Ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот тамойиллари	30
1.3.2. ГЗдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар билан мулоқот тамойиллари	31
2. Иккинчи модуль: Гендер зўравонлик жабрланувчиларига сифатли инклюзив хизматлар тақдим этиш	35
2.1. Мавзу: Гендер зўравонлигига мувофиқлаштирилган идоралараро жавоб чоралари	36
2.1.1. ГЗга жавоб чоралари	36
2.1.2. Гендер зўравонлик жабрланувчиларига асосий хизматлар мажмуи	37
2.2. Мавзу: ГЗ жабрланувчиларига СОТлар асосида хизматлар мажмуи	43
2.2.1. Стандарт операцион иш тартиблари	43
2.2.2. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида тиббий хизматлари	46
2.2.3. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ижтимоий-психологик хизматлар ..	52
2.2.4. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хизматлари	63
3. Учинчи модуль: ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш ва ГЗ нинг олдини олиш	69
3.1. ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш	70
3.1.1. Қайта йўналтириш тизими	70
3.1.2. Кейс-менеджмент асослари	74
3.2. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ ҳолатларининг олдини олиш.	75
3.2.1. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ содир этувчи шахслар тавсифи	76
3.2.2. ГЗнинг олдини олиш учун ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ота-оналари ҳамда яқин қариндошлари билан ишлаш	78
III. ҚўЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР	80

IV. ИЛОВАЛАР.....	82
4.1. ГЗ жабрланувчисини сўроқ қилиш ва кўриқдан ўтказиш қоидалари.....	82
4.2.Зўравонлик ҳолати мавжудлигини баҳолаш усули	83
4.3.ГЗ ҳолатларида хавфни баҳолаш юзасидан саволнома	85
4.4.Зўравонлик ҳолати ҳақидаги тахмин қилинган/гумон қилинаётган ҳодисалар ҳақида сигнал варақаси	86
4.5. ЖССТ тавсияларига мувофиқ тиббий кўрикнинг (бошдан оёқ) умумий тамойиллари.....	88
4.6.Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсий хавфсизлик режаси	88
4.7. Атамалар луғати.....	90

I. НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ ИДОРАЛАРАРО МАЖМУАВИЙ ЖАВОБ ЧОРАЛАРИ СИФАТИДА ХИЗМАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА МИНИМАЛ ЎҚУВ ДАСТУРИ

1.1 Ўқув дастурининг яратилишига асос

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ҳаётида иштирок этиши учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш БМТнинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияда белгиланган бўлиб, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири саналади.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, ногиронлиги бўлган шахслар турли тўсиқларга, жумладан, камситиш, ҳуқуқларнинг бузилиши, мустақилликдан маҳрум этиш ҳолатларига дуч келишлари, аксарият ҳолларда уларни ижтимоий ҳаётдан “четда” қолиб, соғлиқни сақлаш, таълим ва иш билан таъминланиш имкониятидан маҳрум бўлиб келмоқдалар. Уларнинг соғломлаштириш ва реабилитацияга бўлган эҳтиёжлари кўп ҳолларда қондирилмайди. Ногиронлиги бўлган шахслар жинсий, жисмоний, психологик зўравонликка уч баробар, ногиронлиги бўлган аёллар эса ўн баробар кўпроқ учрайдилар.

Ривожланган, турмуш даражаси баланд бўлган мамлакатларда ҳам ногиронлиги бўлган хотин-қизлар (давонида - НБХ/Қ)га паст назар билан қараган ҳолда жамиятдан четлатиш эҳтимоли юқори. Бу эса ўз навбатида парвариш хизматларидан фойдаланишнинг энг паст нуқтасига олиб келиши мумкин.

НБХ/Қ икки қарра, яъни, ногирон эканидан ҳамда стереотиплардан келиб чиқиб, аёл сифатида камситилишга рўбарў келади (БМТнинг Аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича махсус маърузачиси. 2012 йил). Рухий ва психиатрик ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, махсус муассасаларда яшовчилар, атрофдагилардан изоляция (четлашиш) қилиниши мумкин (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. 2012 йил).

Гендер стереотиплар туфайли НБХ/Қ нафақат жинсий зўравонликка дучор бўлишлари, балки, уларнинг зўравонлик ҳақидаги даъволарига ишонмаслик, жиноятчининг жазосиз қолишига олиб келади.

НБХ/Қ бошидан кечирадиган зўравонлик турига даволанишга имкон яратмаслик, тўсқинлик қилиш ёки алоқа воситаларини олиб қўйиш ҳам киради. НБХ/Қ жинсий ёки репродуктив функцияларга оид қарорларни мустақил равишда қабул қилиш имкониятига эга бўлмаслиги ҳомиладорликнинг мажбурий тўхтатилишига ҳам олиб келиши мумкин (БМТнинг аёлларга нисбатан зўравонлик бўйича махсус маърузачиси. 2012).

Мазкур ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида тиббий-ижтимоий ва психологик хизматлар тақдим этувчилар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ўртасида ногиронлиги бўлган ГЗдан жабрланган хотин-қизлар билан ишлаш тажрибасини ўрганиш мақсадида ёзма анкета сўрови ўтказилди. Сўровнома жараёнида жами 96 мутахассис иштирок этди. Ўтказилган сўров давомида аксарият НБХ/Қ зўравонликдан жабрланган ҳолатларда ҳеч кимга мурожаат қилмасликлари маълум бўлди. Иштирок этувчиларнинг атиги 4% респондентлар ўз тажрибасида ГЗдан жабрланган НБХ/Қ мурожаатлари билан ишлаганини қайд этиб ўтишди. Мутахассисларнинг фикрича, бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири НБХ/Қ ҳам манан, ҳам моддиян, шунингдек,, жисмоний тарафлама ҳам уларга нисбатан зўравонлик содир этувчи ота-оналарига, васийликка олган яқин қариндошларига қарам ҳисобланиб қолишган. Шунинг учун улар махсус институционал муассасага жойлаштирилишидан қўрққани боис васийларининг зўравонликларига кўп ҳолларда кўз юмиб келишади. ГЗдан жабрланган НБХ/Қ билан ишлашда ушбу фактни доим ёдда тутмоқ лозим.

Шунингдек,, UNFPA томонидан 2022 йилда БМТнинг "Ижтимоий хизматлар кўрсатишни ислоҳ қилиш: Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болалар, ёшлар ва аёллар ҳуқуқларига асосланган ёндашувни татбиқ этиш" қўшма дастурини амалга ошириш доирасида ўтказилган зўравонликдан жабрланган (жисмоний, психологик, иқтисодий, репродуктив, жинсий) НБХ/Қнинг эҳтиёжлари

ҳақидаги фикрларни ўрганишга қаратилган кичик тадқиқот натижаларига кўра қуйидагилар аниқланган:

- НБХ/Қларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг аксарияти оилаларда яқинлари ва қариндошлари томонидан содир этилади.
- Зўравонликдан жабрланган НБХ/Қлар ҳамда зўравонликдан жабрланганларга хизмат тақдим этадиган мутахассислар орасида аксар ҳолларда гендер зўравонлик муаммоси ҳақида хабардорлик паст кўрсаткични ташкил қилмоқда.

Хусусан, зўравонликдан жабрланган НБХ/Қлар ўзларини ҳимоя қилиш ва зўравонлик оқибатларини енгиш учун билим ва кўникмаларга, мутахассислар эса ГЗ муаммоси, ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш ва мулоқот қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Бунинг оқибаотида зўравонликдан жабрланаётган НБХ/Қлар кўпинча ўз вақтида ва юқори сифатли ёрдам олиш имкониятидан чекланиб қолмоқдалар.

- Жойларда зўравонликдан жабрланганларга хизмат тақдим этувчи ташкилотлар ҳақида тўлиқ маълумот йўқ.
- Тазйиқ, таъқиб ва зўравонликдан жабрланган ногиронлиги бўлмаган хотин-қизларга кўрсатиладиган хизматлардан НБХ/Қларнинг фойдаланишига тўсиқ бўлувчи қатор муаммолар мавжуд. Жисмоний тўсиқлар (пандусларнинг йўқлиги, жисмонан бир жойдан иккинчи жойга мустақил ҳаракатланиш учун имкониятларнинг йўқлиги ва ш.к.), қариндошлар томонидан тазйиқ ва тақиқлар, жамиятдан яккалаб қўйилиш, мавжуд хизматлар ҳақида хабардорлик етарли эмаслиги шулар жумласидандир.
- Тазйиқ ва зўравонлик жабрланувчиларига хизмат кўрсатувчи ташкилотларда НХҚнинг махсус эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда вазиятни тўғри талқин эта оладиган малакали кадрлар етишмайди.

Шундай қилиб, келтирилган ўрганишларнинг натижалари шуни кўрсатадики, НБХ/Қнинг эҳтиёжларини ўрганиш, уларга нисбатан зўравонлик содир этилиш омиллари ва сабабларини таҳлил қилиш, шунингдек, ногиронлик билан боғлиқ алоҳида эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда зўравонликдан жабрланганларга хизматлар тақдим этувчи ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари учун махсус ўқув дастурини ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, ишлаб чиқиладиган ўқув дастурининг долзарблиги зўравонликдан жабрланган НБХ/Қнинг асосли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (ЎРҚ–561-сон, 02.09.2019 й.) Қонуни ва 2019 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (ЎРҚ-562-сон), “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” (11.04.2023, ЎРҚ-829-сон) Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини таъминлаш мақсадида амалда стандарт операцион иш тартиблари бўйича тиббий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ижтимоий-психологик хизматлар сифатини ошириш зарур.

1.2. Ўқув дастури бўйича асосий маълумот

Мазкур ўқув-услубий қўлланма юқорида келтирилган муммоларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон қонунчилигида белгиланган хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш ишларини амалга оширувчи ваколатли органлар ва ташкилотларнинг ходимлари малакасини ошириш учун тайёрланди.

Ўқув дастурини ўз ичига олган ўқув-услубий қўлланмада (давомида – қўлланма) ГЗдан жабрланган НБХ/Қга тиббий, ижтимоий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, психологик хизмат кўрсатувчи ҳар қандай муассаса ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш соҳасида фаолият

юритадиган нодавлат ноижорат ташкилотлари ходимларининг иш фаолияти давомида босқичма-босқич амалга ошириладиган вазифалар масъулияти, соҳа мутахассисларини ўқитиш орқали гендер зўравонликнинг олдини олиш бўйича малакасини оширишга доир маълумотлар келтирилган.

Қўлланма ГЗдан жабрланган НБХ/Қ билан ишлашда ёндашув ва усулларни самаралироқ татбиқ этиш мақсадида жабрланганларга идоралараро хизмат тақдим этувчилар: соғлиқни сақлаш муассасалар мутахассислари (масалан, патронаж ҳамширалар, оилавий шифокорлар ва бошқалар), ижтимоий ҳимоя хизматлари тизими ходимлари, психологик қўллаб-қувватлаш бўйича давлат, нодавлат ва хусусий сектор ташкилотларида фаолият юритадиган психологлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари (маҳалла ҳудудий инспекторлари, хотин-қизлар билан ишлаш инспекторлари ва бошқа) томонидан фойдаланиш учун махсус ишлаб чиқилган.

Ҳужжатда келтирилган тавсиялар ГЗдан жабрланган НБХ/Қнинг алоҳида эҳтиёжларига асосланади ва барча ваколатли ташкилотлар ходимларининг ГЗни олдини олиш ҳамда зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни аниқлаш, уларга ёрдам кўрсатиш алгоритми (кетма-кетлиги)ни белгилайди.

Қўлланма НБХ/Қга нисбатан ГЗга қарши идоралараро мажмуавий жавоб чоралари сифатида хизматларни тақдим этиш бўйича тавсия этилган уч модулдан иборат минимал ўқув дастурини ўз ичига олган. Ҳар бир модулда мавзулар мазмуни, модуль якунида мутахассис нималарни билиши лозим эканлиги ҳақида маълумот, ўқитиш давомида қўлланиладиган усуллар ва тренерлар учун зарур изоҳлар келтирилган.

Ўқув дастурининг мақсад ва вазифалари.

Мақсад: Тиббий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ижтимоий ва психологик соҳалардаги мутахассисларнинг сифатли инклюзив хизматларни тақдим этиш учун НБХ/Қ нисбатан ГЗ ҳолатларига жавобан мувофиқлаштирилган идоралараро хизматларни тақдим этиш асослари бўйича малакасини ошириш.

Вазифалар:

- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига асосланган ҳолда ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш, НБХ/Қни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида маълумот бериш.
- НБХ/Қга нисбатан ГЗга қарши жавоб чоралари сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва психологик хизмат тақдим этишнинг стандарт операцион иш тартиблари бўйича билим бериш.
- ГЗдан зарар кўрган НБХ/Қ билан ишлашнинг ўзига хос хусусияти ҳақида маълумот бериш.
- НБХ/Қга нисбатан ГЗ ҳолатлари такрорланишининг олдини олиш чораларини, хусусан, ногиронлиги бўлган фарзандлари бор ота-оналар, НБХ/Қнинг оила аъзолари ижтимоий-психологик муаммоларини муҳокама қилиш ва улар билан ишлаш бўйича вазифа ва усуллар ҳақида маълумот бериш.
- НБХ/Қни ўз ҳуқуқ ва имкониятлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш мотивациясини шакллантириш орқали ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ГЗнинг олдини олиш учун қандай ишлаш зарурлиги ҳақида маълумот ва йўриқлар бериш.
- Ваколатли ташкилотлар томонидан хизмат тақдим этишнинг идоралараро ҳамкорлик механизмлари бўйича маълумот бериш.
- ГЗ ҳолатларини ҳужжатлаштириш ҳамда ГЗдан жабрланган НБХ/Қ ҳақида маълумот базасини шакллантириш ва уни юритиш тартиби билан таништириш.

Таълим олувчилар контингенти:

Мазкур ўқув дастури идоралараро хизмат кўрсатувчи ваколатли давлат органлар, шифокорлар, ўрта тиббиёт ходимлар, ички ишлар, ижтимоий-психологик соҳа мутахассислари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимларига мўлжалланган.

Ўқув дастурини ўзлаштира олиши учун зарур бўлган тингловчилар компетенциясига:

- Ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тажрибасига эга бўлишлик.
- Гендер зўравонликка қарши идоралараро хизмат кўрсатиш СОТлардан хабардор, ушбу стандартларни таҳлил қилиш ва амалиёт жараёнига тадбиқ қила олишлик.
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонун ости ҳужжатлари, клиник протоколлар ва соҳага доир иш стандартлар асосида кўникмаларни қўллай олишлик.
- БМТ нинг “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциядан хабардорлик киради.

Ўқув дастурининг давомийлиги: 21 астрономик соат.

Ўқиш шакллари:

Интерактив усуллар асосида ўтказиладиган тренинг.

- ишдан ажралмаган ҳолда ўқиш;
- online/offline, масофавий - ишдан ажралган/ажралмаган ҳолда ўқиш;
- сайёр ишдан ажралган/ажралмаган ҳолда.

Машғулотларнинг ўтиш шакллари:

- **Offline** (ушбу қўлланмада келтирилган тўлиқ дастур асосида) – 3 кун давомида кунига 7 соатдан, машғулотлар 9.00 да бошланиб 17³⁰ да тугатилади. Тушлик ва танаффуслар жами 1,5 соат (15 дақиқадан иккита танаффус, тушлик – 1 соат).
- **Online**, масофавий – 3 соатдан учта машғулот.
- **Қисқа муддатли** – 4 соатли битта машғулот.

Режалаштирилаётган таълим натижаларидан сўнг янгиланиши лозим бўлган компетенциялар:

Тренинг иштирокчиси мутахассислигидан келиб чиқиб “Гендер зўравонликдан жабр кўрган НБХ/Қга идоралараро (тиббий, ижтимоий-психологик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш) хизмат кўрсатиш кўлами бўйича ўқув дастурини ўзлаштириши натижасида малакавий кўникмаларини шакллантиради, касбий компетенцияси оширилади, хусусан:

- ГЗ муаммосининг долзарблиги, унинг хусусиятлари, келиб чиқиш сабаблари ва ГЗ оқибатлари тўғрисида билимлари такомиллаштирилади.
- ГЗ нисбатан соғлиқни сақлаш тизими ҳодимлари, ички ишлар органлари ҳамда ижтимоий-психологик хизматлар тақдим этадиган ташкилот ва муассасалар томонидан стандарт операцион иш тартиблари асосида хизмат кўрсатиш кўникмаларини ривожлантириш имкониятига эга бўладилар.
- ГЗнинг хавф даражасини аниқлаш кўникмалари шакллантирилади.
- ГЗдан жабрланган шахсларга турли соҳалар бўйича кўрсатиладиган ёрдам ва қўллаб-қувватлаш шакл ва турлари ўзлаштирилади.
- Ногиронлиги бўлган ГЗдан жабрланган хотин-қизларни ҳимоя қилишга қаратилган идоралараро ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмалари ҳосил бўлади.

1.3. Ўқув дастури режасининг умумий жадвали

№	Модулар ва мавзулар	Вақт
---	---------------------	------

1.	Ўқув дастурига кириш қисми	1 соат
2.	Биринчи модуль: Гендер зўравонликни белгиловчи асосий тушунчалар. Ногиронлик билан боғлиқ асосий тушунчалар.	7 соат
3.	1.1. Мавзу: Гендер зўравонликни белгиловчи асосий тушунчалар.	2 соат 45 дақиқа
4.	1.1.1. Гендер ва гендерга тегишли тушунчалар.	30 дақиқа
5.	Танаффус	15 дақиқа
6.	1.1.1. Гендер стереотиплари. (1.1. мавзунинг давоми)	45 дақиқа
7.	1.1.2. Гендер зўравонлик	90 дақиқа
8.	Тушлик	1 соат
9.	1.2. Мавзу: Ногиронлик масаласи ва гендер жиҳатларини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тушуниш	2 соат
10.	1.2.1. Ногиронликни тушуниш ва таърифлаш моделлари.	60 дақиқа
11.	1.2.2. Ногиронлик ва гендер, инсон ҳуқуқлари ва гендер зўравонлик.	30 дақиқа
12.	Танаффус	15 дақиқа
13.	1.3. Мавзу: Ногиронликни эътиборга олган ҳолда мулоқот кўникмалари.	1 соат
14.	1.3.1. Ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот тамойиллари.	30 дақиқа
15.	1.3.2. Гендер зўравонликдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар билан мулоқот тамойиллари.	60 дақиқа
16.	Биринчи модулни якунлаш	15 дақиқа

17.	Иккинчи модуль: Гендер зўравонлик жабрланувчиларига сифатли инклюзив хизматлар тақдим этиш	7 соат
18.	Биринчи модуль бўйича савол-жавоб (блиц-сўров).	15 дақиқа

19.	2.1. Мавзу: Гендер зўравонлигига қарши мувофиқлаштирилган идоралараро жавоб чоралари	1 соат 30 дақиқа
20.	2.1.1. Гендер зўравонлигига қарши жавоб чоралари.	30 дақиқа
21.	2.1.2. Гендер зўравонлик жабрланувчиларига кўрсатиладиган асосий хизматлар мажмуи.	1 соат
22.	Танаффус	15 дақиқа
23.	2.2. Мавзу: Гендер зўравонлик жабрланувчиларига СОТлар асосида хизматлар мажмуи	5 соат
24.	2.2.1. ГЗга жавобан идоралараро чораларининг стандарт операцион иш тартиблари (СОТ)	1 соат
25.	2.2.2. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида соғлиқни сақлаш тизими муассаса ва ходимларининг хизматлари.	1 соат
26.	Тушлик	1 соат
27.	2.2.3. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ижтимоий-психологик хизматлар.	2 соат
28.	Танаффус	15 дақиқа
29.	2.2.4. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари.	1 соат
30.	Иккинчи модулни якунлаш	15 дақиқа

31.	Учинчи модуль: ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш ва ГЗ нинг олдини олиш.	7 соат
32.	Иккинчи модуль бўйича савол-жавоб (блиц-сўров).	15 дақиқа
33.	3.1. ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш	1 соат 30 дақиқа
34.	3.1.1. ГЗ ҳолатларини ҳужжатлаштириш.	30 дақиқа

35.	3.1.2. Қайта йўналтириш.	30 дақиқа
36.	3.1.3. Кейс-менеджмент асослари	30 дақиқа
37.	Танаффус	15 дақиқа
38.	3.2. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ ҳолатларининг олдини олиш.	2 соат
39.	3.2.1. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ содир этувчи шахслар тавсифи.	1 соат
40.	3.2.2. ГЗнинг олдини олиш учун ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ота-оналари ҳамда яқин қариндошлари билан ишлаш.	1 соат
41.	Тушлик	1 соат
42.	3.2.2. ГЗнинг олдини олиш учун ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ота-оналари ҳамда яқин қариндошлари билан ишлаш.(давоми)	1 соат
43.	Танаффус	15 дақиқа
44.	Амалиёт. Кейслар билан ишлаш.	1,5 соат
45.	Ўқув дастурини якунлаш	45 дақиқа

1.4. Ўқув дастурига кириш қисми

Вазифалар:	<ul style="list-style-type: none"> • Ўқув тренинг иштирокчиларини қутлаш. • Иштирокчиларнинг ўзаро танишувини ташкиллаштириш. • Идоралараро ҳамкорликка эътибор қаратган ҳолда тренингнинг мақсад ва вазифалари ҳамда ўқув қўлланмасини тақдим этиш. • Ўқув дастури олди тестини тўлдириш. • Тренинг қоидаларини тақдим қилиш ва иштирокчиларнинг истак ҳамда мақсадларини аниқлаш.
Вақт:	1 соат
Усуллар:	<ul style="list-style-type: none"> • “Ўзини-ўзи таништириш” машқи. • Тренер тақдимоти.

	<ul style="list-style-type: none">• Умумий муҳокама.• Индивидуал тест тўлдириш.
--	--

Ўқув дастури бўйича тест саволномасининг намунаси

Тест саволномаси

Иштирокчилар ҳақида маълумот (иштирокчиларнинг ўзлари тўлдирадилар).

Вилоят/Туман: _____

Соҳа: _____

1. “Гендер” нима дегани?

- A. Эркак ёки аёл деб тоифага ажратиш учун асос бўладиган инсоннинг анатомик ва физиологик хусусиятлари.
- B. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатларда фарқни белгиладиган маданий ва ижтимоий хусусиятлар тўплами.
- C. Инсон биологик хусусиятларининг тавсифи.
- D. Ҳаётнинг барча соҳаларида қизлар ва аёллар учун имтиёзлар бериш.

2. Гендер тенглиги – бу...:

- A. Эркак ва аёллар ўртасида мажбуриятларнинг тенглиги.
- B. Жинс асосида истисноларсиз ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги.
- C. Аёлларнинг эркаклардан устунлигини англатувчи ғоя.

3. Гендер зўравонлик- бу ...:

- A. Оилага аъзоларига нисбатан жисмоний куч ишлатиш оқибатида уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш.
- B. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).
- C. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг тўлиқ амалга оширилишига тўсқинлик қилиш.

4. Одамларнинг қайси тоифаси кўпроқ гендер зўравонликка дучор бўлади?

- A. Барча одамлар гендер зўравонликка тенг даражада дучор бўладилар.
- B. Кекса одамлар ва ногиронлар кўпроқ гендер зўравонлик қурбони бўлишади.
- C. Кўпроқ ногиронлиги бор аёллар ва қизлар гендер зўравонлик хавфи остида қоладилар.
- D. Бошқа _____

5. Ногиронликка ижтимоий ёндашув (ижтимоий модел) нимани англатади? (Бир нечта жавоблар тўғри бўлиши мумкин):

- A. Ногиронлиги бор шахсларнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг ишлаш қобилиятини чеклайдиган касалликлар мавжудлигини тушуниш/англаш.
- B. Ногиронлиги бор шахслар билан боғлиқ ҳолда жамият ва атроф-муҳитни ўзгартириш усулларини аниқлаш.
- C. Ногиронлиги бор шахслар учун ижтимоий ёрдам.
- D. Ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий ҳаётга қўшилишига тўсқинлик қилувчи тўсиқларни аниқлаш.

- 6. Психологик реабилитация – бу ...:**
- A. Омма орасида психологик билимларни тарқатиш ва аҳолининг психологик саводхонлигини ошириш, уларда психологияни ўрганиш ва кундалик ҳаётида қўллаш истакларини яратишга оид фаолият.
 - B. Инсон руҳиятининг тубида ётган муаммо илдизларини аниқлаш мақсадида унинг психикасига таъсир кўрсатиш ва организмга психика орқали таъсир кўрсатиш шаклига оид фаолият.
 - C. Зўравонликдан жабрланганларнинг эмоционал барқарорлигини тиклаш, уларни ҳаётга қайтаришга йўналтирилган тадбирлар мажмуаси.
- 7. Мутахассис эшитиш бўйича ногиронлиги бўлган шахсга ёрдам кўрсатишда у билан қандай мулоқот қилиши керак?**
- A. Сўхбат давомида ногиронлиги бўлган шахс билан сурдо таржимон орқали сўхбат ўтказиш керак.
 - B. Сўхбат давомида сурдо таржимон ёрдамида эмас, балки тўғридан-тўғри ногиронлиги бўлган шахсга қараб гаплашиш керак.
 - C. Бошқа _____
- 8. Ногиронлиги бор шахслар билан мулоқот жараёнида ижтимоий-психологик тўсиқни енгиб ўтиш қўйидагилардан нималарга ёрдам беради (бир нечта жавоб бўлиши мумкин):**
- A. Ногиронлик ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ стереотип/қолипли қарашларни бузишга.
 - B. Ногиронлиги бор шахснинг ҳуқуқлари ва қобилиятларини ҳурмат қилган ҳолда мулоқот қилишга.
 - C. Ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қўрқув ва эҳтиёткорликдан халос бўлишга.
 - D. Юқоридагиларнинг барчаси.
- 9. Зўравонликдан жабрланганларга қандай психологик хизматлар тақдим этилиши керак? Керагини белгиланг.**
- A. Психологик консультация.
 - B. Ҳуқуқий маслаҳат.
 - C. Ўзаро қўллаб-қувватлаш гуруҳлари.
 - D. Вақтинча бошпана.
 - E. Инқироз маслаҳати.
- 10. Гендер зўравонлик жабрланувчисига ижтимоий хизматлар мажмуаси қайси бандда кўрсатилган:**
- A. Ҳимоя ордерини бериш. Зўравонлик аломатлари бўйича тиббий ҳулоса бериш. Психологик консультациялар. Реинтеграция дастурлари.
 - B. Инқироз юзасидан маслаҳатлар. Моддий-молиявий кўмак. Бошпана. Ҳужжатларни тиклаш. Реинтеграция дастурлари.
 - C. Моддий-молиявий кўмак. Психологик ёрдам. Ҳуқуқий ёрдам. Реинтеграция дастурлари. Соғлиқни тиклаш ёрдамларига кўмаклашиш.
- 11. Гендер зўравонликдан жабрланган ногиронлиги бор хотин-қизлар қандай тиббиёт соҳа мутахассислари ва тиббий хизматларга муҳтож бўлишлари мумкин?**
- A. Гинеколог.
 - B. Жарроҳ.
 - C. Терапевт.
 - D. Барчаси.

12. Зўравонлик жабрланувчиси билан ички ишлар ходими ишлаш тартибининг кетма-кетлиги тўғри кўрсатилган бандни белгиланг:

- A. Зўравонлик ҳолатини: Баҳолаш. Аниқлаш. Ҳужжатлаштириш. Хизмат тақдим этиш. Қайта йўналтириш.
B. Зўравонлик ҳолатини: Аниқлаш. Баҳолаш. Хизмат тақдим этиш. Ҳужжатлаштириш. Қайта йўналтириш.
C. Зўравонлик ҳолатини: Қайта йўналтириш. Аниқлаш. Хизмат тақдим этиш. Баҳолаш. Ҳужжатлаштириш.

13. Гендер зўравонлик жабрланувчисини аниқлаш (идентификация қилиш) – бу...:

- A. Хотин-қизда аниқ ва/ёки яширин гендер зўравонлик аломатларини кузатиш, билиш орқали, у зўравонлик қайси турини ва қай даражада бошидан ўтказганлигини тасдиқлаш жараёни.
B. Хотин-қизда жисмоний ва жинсий зўравонлик аломатларини яққол кузатиш оқибатида гендер зўравонлик жабрланувчиси эканлигини тасдиқлаш.
C. Оилавий ёки касбий низода аёл жинсига мансуб бўлган иштирокчини зўравонлик жабрланувчиси сифатида тасдиқлаш жараёни.

14. Қайта йўналтириш тизими – бу...

- A. Жабрланувчини ўз истакларига асосан бошқа ўхшаш хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш.
B. Мурожаатни биринчи бўлиб қабул қилган хизмат кўрсатувчи имкониятлари ва ресурслари етишмаслиги сабабли жабрланувчига бошқа ташкилотлардан ёрдам ёки маслаҳат олиш таклифи.
C. Жабрланувчининг барча эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадида ҳамкорлар томонидан тақдим этилаётган турли хизматларни тўлақонли олиниши учун уларга йўналтириш.

Ўқув дастури бўйича тренинг машғулотларини ўтказиш учун зарур жиҳозлар рўйхати: компьютер, проектор, доска, флипчарт, рангли маркерлар, рагли карточкалар.

Тренер учун изоҳ: Модуллар бўйича тавсия қилинадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тарқатма материаллар тўплами, назорат саволлари, қўшимча адабиётлар, ситуацион масалалар (кейслар), иш жараёнида қўлланиладиган ҳужжат шакллари ўқув дастури асосидаги тренинг якунида электрон нусхада тарқатилиши лозим.

II. ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИГИГА ЖАВОБАН ИНКЛЮЗИВ ХИЗМАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ. АСОСИЙ ҚИСМ

1. Биринчи модуль: Гендер зўравонлик ва ногиронлик билан боғлиқ асосий тушунчалар.

Ўқув модулига ажратилган вақт: 7 соат	
Ўқув модули якунида билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none">• Гендер ва гендер тенглиги тўғрисидаги тушунчалар таърифи.• Жамият тараққиётида ижтимоий жинсга тегишли тушунчалар ва уларнинг аҳамияти.• Гендер зўравонлик ва уни келтириб чиқарадиган омиллар.• Гендер зўравонликнинг турлари ва оқибатлари. Гендер зўравонликни кўрсатадиган белгилар.• Зўравонлик объектлари ва субъектлари. Гендер зўравонлик билан боғлиқ жабрланувчининг хулқ-атвори.

	<ul style="list-style-type: none"> • Гендер тенглигини таъминлаш ва гендер зўравонликка қарши курашиш бўйича миллий ва халқаро ҳуқуқий-меъёрий база: <ul style="list-style-type: none"> - БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция. - “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрь ЎРҚ-561-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - “Хотин-қизлар ва эраклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-562-сон Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2023 йил 11 апрель, ЎРҚ-829-сон. • “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
<p>Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Яқин инсони томонидан содир этилган зўравонлик ҳолатларини аниқлаш. • ГЗ ҳақида хабар берувчи белги ва хулқ-атворни ажрата олиш. • ГЗга учраган ногиронлиги бўлган шахс/жабрланувчи билан мулоқотга кириш кўникмалари.

Биринчи модуль мавзуларининг тавсифи.

<p>1.1. Мавзу: Гендер зўравонликни белгиловчи асосий тушунчалар. Умумий вақт: 2 соат 45 дақиқа</p>	
<p>Вазифалар</p>	<p>1.1.1. Гендер ва гендерга тегишли тушунчалар. 1 соат 15 дақиқа.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Гендер, гендер тенглиги, хотин-қизлар ҳуқуқлари тушунчаларини таҳлил қилиш орқали жинс ва гендер тушунчаларининг фарқларини муҳокама қилиш. • Гендер стереотиплари ҳақида маълумот бериш ва уларнинг зарарини тушунтириш. <p>1.1.2. Гендер зўравонлик (ГЗ). 90 дақиқа.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Зўравонлик таърифлари билан танишиш орқали зўравонлик муаммосини тушуниш. • ГЗдан жабрланган шахс ҳақида маълумот бериш. НБХ/Қга нисбатан зўравонлик турлари бўйича базавий маълумот билан таништириш орқали зўравонлик ҳолати ва турини аниқлаш бўйича амалий машқ бажариш. • ГЗни акс эттириши мумкин бўлган белгиларни ўрганиш. • ГЗ билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари билан танишиш.

Усуллар:	<ul style="list-style-type: none">• Тақдимот.• Кичик гуруҳларда кейс бўйича амалий иш.• Умумий мунозара.• “Ақлий хужум”.• Қўлланма билан ишлаш.
-----------------	---

1.1.1. Гендер ва гендерга тегишли тушунчалар.

“Ақлий хужум”

 *Савол: “Гендер нима? Гендер тенглиги деганда нималарни тушунасиз?” саволларига жавобларни тўплаш ва муҳокама қилиш.*

Тренер тақдимоти

Атамалар

Гендер — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати.

Гендер статистикаси — давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисми.

Гендер-ҳуқуқий экспертиза — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш принципларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил қилиш.

Гендерга оид аудит — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиш ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш. (“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 3-модда. Асосий тушунчалар).

Гендер тенглиги — гендер мансублигидан қатъи назар, икки жинсдаги кишиларнинг тенг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва имкониятларидир. Тенглик - аёл ва эркакларнинг бир хил эканлигини эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари, масъулияти ва имкониятлари, уларнинг аёл ёки эркак жинси вакиллари бўлиб туғилганларига боғлиқ эмаслигини англатади.

Жинс бўйича бевосита камситиш — жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини **тан олмасликка** қаратилган ҳар қандай тарзда **фарқлаш**, **истисно этиш** ёки **чеклаш**, шу жумладан, *оилавий ҳолати*, *ҳомиладорлиги*, *оилавий мажбуриятлари туфайли камситиш*, шунингдек, **шаҳвоний шилқимлик қилиш**, тенг меҳнат ва малака учун **ҳар хил ҳақ тўлаш**;

Жинс бўйича билвосита камситиш — бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан **ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш**, шу жумладан, гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш. (“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар

кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 3 модда. Асосий тушунчалар).

Гендер стереотиплари

Гендер стереотип - муайян жамиятнинг маълум вақт оралиғидаги аёллар ва эркаклар орасидаги фарқлар ҳақидаги қотиб қолган тасаввурлар мажмуи. Бу маълум бир жамият учун айнан шу тарихий даврдаги эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар тўғрисидаги тасаввур. Гендер стереотиплари деганда, “эркакларга хос” ва “аёлларга хос” тушунчаларга мос келувчи хулқ-атвор моделлари ва характер хусусиятлари тўғрисидаги андозалаштирилган тасаввурлар тушунилади. *Шундай қилиб, гендер стереотипларида:*

- биринчидан, эркак ва аёлликни ифодаловчи хусусият ва таърифлар бўлади;
- иккинчидан, эркак ва аёллар жинсига аънавий равишда мос бўлган меъёрий хулқ-атвор намуналари мавжуд бўлади;
- учинчидан, эркаклар ва аёллар бир-бирларидан нима билан фарқланиши тўғрисидаги одамларнинг умумлаштирилган фикри, мулоҳазаси, тушунчаси ўз ифодасини топади;
- тўртинчидан, гендер стереотиплар улар мавжуд бўлган маданий муҳитга боғлиқ.

Гендер стереотипларига мисоллар: «Аёллар иши ёки аёллар иши эмас; Аҳир сен қиз боласан-ку!; Эркаклар йиғламайди; Хотин-қизлар раҳбарликка лойиқ эмаслар; Миянинг махсус тузилиши туфайли хотин-қизларнинг аниқ фанларни ўзлаштириши ёмон; Эркаклар бир вақтнинг ўзида бир нечта ишларни қандай амалга оширишни билишмайди”.

Гендер стереотипларининг зарари:

- Иккала жинс вакилини ҳам ҳар томонлама чеклайди.
- Янгиликка интилиш, ривожланиш ҳамда ўсишни қабул қилишга тўсқинлик қилади.
- Салбий хулқ-атвор намуналарини оқлашга хизмат қилади.
- Руҳий ва ақлий саломатликка салбий таъсир қилади.
- Хотин-қизларнинг малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимига кўтарилиш соҳасида “ойнали шифт” нинг вужудга келиши.
- Оиладаги можаролар сабабчиси.
- Жамиятда сингиб бўлган «одатлар», тамғалар (ёлғиз ёки турмушга чиқмаган хотин-қизлар).
- Касб танлашда чекловлар.
- Тенгсизлик ва камситишларни келтириб чиқаради.

1.1.2. Гендер зўравонлик

Зўравонлик таърифлари

“Ақлий хужум”

 **Савол:** “Зўравонлик нима? Гендер зўравонлик деганда нимани тушунасиз? Зўравонликнинг оилавий низодан қандай фарқлари мавжуд? - саволларига жавобларни тўплаш ва муҳокама қилиш.

Тренер тақдимоти.

Зўравонлик — шахсга/шахслар гуруҳига нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Тазйиқ — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган,

хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик), шилқимлик, таъқиб этиш.

Таъқиб этиш — жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилиқ кўрсатганлигига ёхуд огоҳлантирганлигига қарамай содир этиладиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усулларни қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган ҳаракатлар.

Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик — бу хотин-қизларга жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар/зиён етказадиган ёки азобланишига олиб келадиган, шу жумладан, ҳам жамоат ёки ҳам шахсий ҳаётда бундай ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш ўзбошимчалик билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган гендерга асосланган зўравонлик ҳаракати.

Гендер зўравонлик — хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг асосда ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишини жиддий чекловчи камситиш шакли (БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида” ги Конвенцияси (CEDAW), Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик тўғрисидаги 19-сонли умумий тавсиялар, 1-банд).

Оиладаги зўравонлик — бу оила аъзоси бўлган шахс томонидан уйда ёки жамоат жойида содир этилиши мумкин бўлган жисмоний, руҳий, иқтисодий жинсий, зўравонлик ҳаракатларининг барчаси (Европа Кенгаши, Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция, СЕЦ № 210).

👉 ГЗни аниқлаш учун хизмат тақдим қилувчи мутахассислар ГНни оилавий низодан фарқлашни билишлари лозим.

Гендер зўравонлик уни оилавий низодан фарқловчи қуйидаги алоҳида муҳим белгиларга эга бўлади:

- Шахслараро низолардан фарқли, зўравонлик содир этувчи шахс жабрланувчисига нисбатан ўзининг “назорати” ва “ҳукмронлигини” намойиш қилишга эҳтиёжи бўлганлиги сабабли юзага келади.
- ГЗ жабрланувчиси унга нисбатан зўравонлик содир этилишида доим ўзини айбдор санайди ёки умуман зўравонлик ҳолатида эканлигини англамайди ва хатто жиддий жисмоний жароҳатлар олса ҳам уларнинг аҳамиятини камайтиришга ҳаракат қилади.
- Зўравонликни содир этувчи (объект) ва жабрланувчи (субъект) ўртасида муносабатларнинг ўзига хослиги (эр-хотин, ота-она, яқин қариндошчилик каби муносабатлар).
- Зўравонлик ҳаракатлари такрорланиши билан бирга ушбу ҳаракатлар зўравонликнинг бир неча тури содир этилади этилишига сабаб бўлади (масалан, руҳий-жисмоний, жисмоний-жинсий ёки ҳаммаси биргаликда).
- Зўравонлик ходисасидан жабрланувчининг яқин инсонлари (болалари, ота-онаси, қариндоши) ҳам жабр кўради. Бу “иккиламчи виктимизация” деб аталади.
- Зўравонлик мунтазам цикл бўлиб содир этилади ва унинг охири йўқ, низода эса боши ва охири бор.
- Зўравонлик циклининг даври қисқариб бориши билан зўравонлик ҳаракатлари ёвузлашади.

ГЗ/тазйиқдан жабрланувчи (ГЗни бошидан кечирган жабрланувчи) — ўзига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилиши таҳдиди остида бўлган ёки тазйиқ ва зўравонлик натижасида жабрланган, шу жумладан, 18 ёшга тўлмаган аёл жинсидаги шахс. Хозирги кунда халқаро миқёсда зўравонликка дуч келган, уни бошидан ўтказган хотин-қизларни “зўравонликдан омон

қолганлар” деб юритилади, миллий қонунчиликда эса “зўравонликдан жабрланганлар” деб юритилади.

Зўравонликни содир этувчи шахс — бошқа шахсга нисбатан зўравонлик хатти-ҳаракатини тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлайдиган ёки унинг иродасига қарши бошқача тарзда суиистеъмолликлар содир этувчи шахс, гуруҳ ёхуд ташкилот.

Зўравонлик турлари

 *Савол: Зўравонликнинг қандай турларини биласиз ва улар қандай намоён бўлади?*

Жисмоний зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш. —хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик. Такрор олиб ташлаш керак.

Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Рухий зўравонлик — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тўхмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек,, уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан, репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Жинсий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек,, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш.

Жинсий таҳқирлаш/шилқимлик — гендер зўравонликка учраган шахс билан қандай муносабатда эканлигидан қатъи назар ҳар қандай шахс томонидан ҳар қандай ҳолатда, шу жумладан, уйдан ташқарида ва иш жойида мажбурлаб содир этилган ҳар қандай шаҳвоний ҳаракат, жинсий алоқага киришишга уриниш, номақбул шаҳвоний муомалада ёки хушомадгўйлик қилиш ёхуд трафик ҳаракатлари ёки бошқача тарздаги шаҳвоний ҳаракатлар (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, 2002, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида Бутунжаҳон маърузаси).

Зўрлаш/зўрлашга уриниш — жисмоний куч ёки бошқа йўллар билан мажбурлаш орқали эркак жинсий олатини, шунингдек,, тананинг бошқа қисмлари ёки буюм билан ҳатто бироз бўлса ҳам қинга ёки анусга киритиш. Бундай ҳаракатлар жинсий зўрлашга уриниш ҳисобланади (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ), 2002 йил, Зўравонлик ва саломатлик ҳақида Бутунжаҳон маърузаси).

Г3 оқибатлари

 *Савол: Нима учун гендер зўравонлик муаммо деб саналади?*

 *Зўравонликнинг қандай оқибатларини биласиз?*

 **Кичик гуруҳларда “Ақлий ҳужум”**

Иштирокчиларни 4та кичик гуруҳга бирлаштиринг ва ҳар бир гуруҳга алоҳида топшириқ беринг: 5 дақиқа давомида гуруҳда муҳокамасиз барча фикрларни флип-плакатга ёзинг.

1-гуруҳ: ГЗнинг инсон саломатлигига таъсири, оқибатлари.

2-гуруҳ: ГЗнинг психологик оқибатлари.

3-гуруҳ: ГЗнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.

4-гуруҳ: ГЗнинг ҳуқуқий оқибатлари.

Гуруҳлар тақдимоти

Тақдимот давомида бошқа иштирокчиларнинг ГЗ оқибатлари ҳақидаги фикрлари флип-плакатларга ёзилади. Зарурат бўлса тренер тақдимоти асосида қўшимча қилинади.

Тренер хулосаси: ГЗнинг хотин-қизлар учун, фарзандлар ва хатто зўравонлик содир этувчи шахснинг ўзи учун ҳам ҳар томонлама салбий оқибатларга олиб келиши илмий асосланган. ГЗ жиддий оқибатларга олиб келадиган жароҳатли тажрибадир. Зўравонлик қанчалик узоқ ва шавқатсиз бўлса, жароҳат (ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам маънавий) чуқурроқ бўлади. Энг ёмон ҳолатда, психологик жароҳат сурункали ҳолга келади, бу эса инсоннинг ўзлигини йўқотишига олиб келади. ГЗнинг оқибатлари узоқ муддат таъсир этиши билан хавфли.

Тренер тақдимоти

Гендер зўравонликдан жабрланган шахс. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан зўравонлик турлари бўйича базавий маълумот.

Шахснинг ногиронлиги унинг гендер зўравонликка нисбатан заифлигини оширади. НБХ/Қнинг кўпчилиги зўравонликни ҳаётини меъёр сифатида идрок қиладилар ва ўзларининг яқинлари бўлиши мумкин бўлган зўравонлар/тажовузкорларнинг хатти-ҳаракатларини оқлайдилар.

НБХ/Қ гендер ва оилавий зўравонликнинг барча турларига дуч келиши мумкин. Қўйида ҳар бир зўравонлик турини белгиловчи хатти-ҳаракатлар келтирилган. Ушбу хатти-ҳаракатларнинг таърифи зўравонликни аниқлашда ёрдам беради.

Жисмоний зўравонлик: оғриқ ёки шикаст етказиш; калтаклаш; бўғиш; жисмоний куч ишлатиш ёки ҳаракат эркинлигини чеклаш; туртиш; зарбалар; соч юлиш; ўйда мажбурий ушлаб туриш; “ўта ғамхўрлик”.

Психологик зўравонлик: руҳий азоб бериш; саломатлик ва жисмоний қобилиятларга оид камситувчи ва ҳақоратли сўзлар ва жумлалар. Қарашда, имо-ишораларда, шарҳларда намоён бўладиган салбий муносабат. Институционал муассасага жойлаштириш билан қўрқитиш.

Оила аъзолари томонидан қўйидагиларга нисбатан шахсий мустақиллик ва автономияни чеклаш: бошқа одамлар билан мулоқот қилиш; ўйдан чиқиш; оилавий тадбирларда иштирок этиш (тўйлар, байрамлар ва бошқалар); бошқа одамлар билан учрашиш; қарама-қарши жинсдаги шахслар билан учрашиш.

Иқтисодий зўравонлик: ҳаётини зарур бўлган асосий нарсаларни (масалан, озиқ-овқат, асосий кийим-кечак, пойабзал, гигиена ва санитария воситалари, дори-дармонлар) сотиб олиш учун маблағ ажратишни рад этиш; ногиронлик нафақасини бошқа шахс томонидан олиниши ва ушбу нафақани олиш ҳуқуқига эга бўлган ногиронлиги бўлган аёл ва қизнинг эҳтиёжи ва розилигини ҳисобга олмасдан тасарруф этиш; ногиронлиги бўлган аёл ва қизнинг шахсий мулкни ўзлаштириш; моддий ёрдам кўрсатишни рад этиш ёки рад этиш таҳдиди.

Жинсий зўравонлик: ногиронлиги бўлган шахснинг иродасига қарши жинсий алоқа қилиш ёки жинсий характердаги бошқа ҳаракатлар; ногиронлиги бўлган аёл ва қизнинг ночор ҳолатидан қўрқитиш ва фойдаланиш билан жинсий ҳаракатларга мажбурлаш.

Кейслар билан амалий машқ.

Кейс (инглизча case – воқеа, вазият/ҳолат) - бу ҳаётдаги муайян муаммоли вазиятнинг тавсифи. Шу билан бирга кейсда келтирилган муаммо ечимининг тавсифи ҳам бўлиши мумкин. **Кейс-стади** (Case study) таълим усули - бу ечими/жавоби аниқ ёки ечими аниқ бўлмаган мураккаб муаммоларни ҳал қилиш усули. Ушбу технология тайёр кўрсатмалар бўлмаган вазиятларда ҳаракат қилишга ёрдам беради ва инсон/мутахассис ўз хоҳишига кўра қарор қабул қилиши керак бўлади. Case study усули бугунги кунда кўпинча мураккаб иш масалаларини ҳал қилиш усули, шунингдек, ўқув технологияси сифатида қўлланилади. Унинг моҳияти муайян муаммоли вазиятни ўрганиш ва тўғри келадиган ечимни топишдир.

 **Топшириқ:** Кичик гуруҳларда қуйида келтирилган вазиятларни таҳлил қилинг ва зўравонлик турларини аниқланг.

Биринчи гуруҳ учун топшириқ:

 **1-кейс** (исмлар шартли равишда ўзгартирилган)

42 ёшли Малоҳат туғма болалар церебрал фалажи (ДЦП) ногиронлиги бор аёл. Малоҳат туғилган вақтида онаси талаба бўлганлиги сабабли у бувисини қўлида катта бўлди. Оилада бошқа фарзандлар туғилгани сабабли Малоҳат бувиси қарамоғида қолди. Бувиси қариб кучдан қолгач у онаси билан яшашни бошлади.

Онасидан болалигидан меҳр кўрмаганигами, узоқ йиллар бир-бирлари билан бирга яшамаганиданми Малоҳат онаси билан чиқишолмади. Малоҳатнинг айтишича, онаси унинг ҳар ойги нафақа пулларини олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлашга бермас, хатто, у билан бир дастурхонда ўтириш, овқатланишга ҳам ор қилар экан. Малоҳат бирор жойга бориш учун рухсат сўраса онаси рухсат бермас экан. Малоҳат баъзан онасидан калтак ер, баъзан руҳий зарбалар олиб турар экан. Малоҳат МФЙга ёрдам сўраб мурожаат қилганида маҳалла томонидан ҳеч қандай ёрдам бўлмади.

Иккинчи гуруҳ учун топшириқ:

 **2-кейс.** (исмлар шартли равишда ўзгартирилган)

Нодиранинг жисмоний ривожланишида жиддий нуқсонлари бўлиб, бу унинг мулоқот қилишини ва мустақил ҳаракатланишини қийинлаштиради. Нодира энагаси томонидан жинсий зўравонликка учраган, эътиборсиз қолиб кетган, овқат ва сув ҳам берилмаган.

Учинчи гуруҳ учун топшириқ:

 **3-кейс.** (исмлар шартли равишда ўзгартирилган)

Мурод олти ёшда, кузда мактабга бориши керак. Бироқ Муроднинг когнитив ва энгил жисмоний нуқсонлари бўлгани сабабли ота-онаси унинг мактабга боришидан маъно йўқ деб ҳисоблашади. Ногиронлиги сабаб таълим жараёнини ўзлаштира олишига ишонмаганлиги боис, уни уйда қолдириш яхшироқ деб ўйлашади. Уйда у ота-онасига ферма ишларида ёрдам бериши, бу билан уни мактабга юборишдаги муаммолардан ҳалос бўладилар. Бериши уни мактабга юборишдаги муаммолардан ҳалос бўлишга ёрдам беради.

 **Кичик гуруҳлар ишланмаларининг тақдимотлари ва уларнинг муҳокамалари.**

 **Тренер хулосалари ва тақдимоти.**

 **ГЗни акс эттириши мумкин бўлган белгилар ва хатти-ҳаракатлар.**

ГЗнинг психологик оқибатлари аксарият ҳолларда мураккаб тўпландир, травматик (жароҳатли) таъсири ўткир бўлиши, аммо зўравонликнинг қайтарилиши ва мунтазам давом этиши оқибатида сурункали ва чуқурлашган бўлади, ҳатто баъзи ҳолларда фожиали оқибатлар ёки жиддий психопатологияга ҳам олиб келиши мумкин.

ГЗни акс эттириши мумкин бўлган белгилар.

ГЗда жабрланувчиларнинг энг кенг тарқалган психологик ва психосоматик оқибатлари бўлган белгилар:

- айбдорлик ҳисси, уят, ғазаб, қайғу, умидсизлик, чорасизлик, бўшлиқ, ҳолсизлик, бўғилиш ҳисси;
- доимий хавф ҳисси (жабрланувчи доим ҳушёр бўлиб туради);
- ҳамма нарсадан қўрқиш;
- ўзи ва ўзгаларга ғамхўрлик қила олмаслик;
- диққатни жамлашдаги қийинчиликлар;
- ёлғизлик (бегоналашув);
- режалар тузиш қобилиятини йўқотиш;
- ташаббуснинг йўқлиги, ёлғиз яшашдан қўрқиш, ҳаётга нисбатан маъно ва қизиқишни йўқотиш;
- ўзига нисбатан ишончсизлик;
- ташвишларга тўла ҳаяжон, асабийлик;
- тахикардия;
- ошқозон-ичак касалликлари;
- уйқунинг бузилиши;
- овқатланишнинг бузилиши;
- бош оғриқлари;
- мушаклардаги оғриқ;
- ноодатий безовталаниш;
- мулоқотга киришишдан бош тортиш;
- мустақил қарорлар қабул қила олмаслик;
- зўравонлик ҳолатларига одатланиб қолиш;
- рўй берган ҳодиса бўйича бир-бирини инкор этувчи фикрлар билдириш;
- ўз жонига қасд қилиш кайфияти.

ГЗ билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар.

- одамлар, жойлар, фаолиятлар, хатти-ҳаракатлар ва зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахсни ёқтирмайдиган ҳаётини позициялардан (зўравонликнинг кучайишига қарши ҳимоя сифатида) ўзини яқкалаб қўйиш;
- иш жойини тез-тез алмаштириб туриш;
- бўш вақтларда ижтимоий фаолият ва фаолликнинг пасайиши;
- гендер зўравонлик жабрланувчиларини эслатиш, зўравонлик ҳолатлари ёки уларни аниқлаш мумкин бўлган одамлар, жойлар ёки вазиятлардан қочиш;
- ўзи ва вояга етмаган фарзандларини ҳимоя қилиш қобилиятини йўқотиш;
- журъатсизлик;
- воқеа кўлами ва унинг оқибатларини инкор этиш ҳамда камайтириш;
- ўз жонига қасд қилишга уриниш (аутоагрессия);
- қасддан ўзига ва фарзандларига тан жароҳати етказиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш.

 **Мавзуни яқунлаш. Умумий муҳокама.**

☞ *Иштирокчиларга савол: Ўтилган мавзу фойдали бўлдими? Нима учун? Кундалик фаолиятингизда ушбу маълумотлардан қандай фойдаланасиз?*

1.2. Мавзу: Ногиронликнинг гендер жиҳатларини инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан тушуниш Умумий вақт: 2 соат	
Вазифалар	<p>1.2.1. Ногиронликни тушуниш ва таърифлаш моделлари. 60 дақиқа</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ногиронлиги бор шахсларга тегишли атамалар, уларга нисбатан муносабат ва мулоқот одоби (этикаси) билан таништириш. • Тиббий ва ижтимоий модел тушунчалари, уларнинг фарқлари билан танишиш. Ижтимоий модел аҳамиятини тушунтириш. • Ногиронлик бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар: БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ҳақида маълумот бериш. • Инклюзивлик тушунчаси ва аҳамияти ҳақида маълумот бериш. <hr/> <p>1.2.2. Ногиронлик ва гендер. 30 дақиқа</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ногиронликнинг гендер жиҳатлари ва муаммолари билан таништириш. • Ногиронлик ва ГЗ тушунчаларининг боғлиқлигини тушунтириш.
Усуллар	<ul style="list-style-type: none"> • “Ақлий ҳужум”. • Умумий мунозара. • Тақдимот. • Мини-маъруза. • Қўлланма билан ишлаш.

1.2.1. Ногиронликни тушуниш ва таърифлаш моделлари

🔔 “Ақлий ҳужум”

☞ *Савол: Ногирон деганда ҳаёлингизга нималар, қандай тасаввурлар келади?*

Савол бўйича фикрлар тўплаш ва муҳокама қилиш.

👉 **Тренер диққатига!** *Иштирокчиларга 3 тадан рангли карточка тарқатилади ва ушбу карточкаларга “ногирон”, “ногиронлик” деганда ҳаёлда ва тасаввурда ҳосил бўладиган биринчи учта сўз ёки тушунча ёзиш сўралади (битта карточкага фақат битта сўз ёзилиши керак). Карточкалар тренерга топширилади. Карточкаларни тўплаб, мазмунан боғлиқ гуруҳларга бирлаштириб, жойлаштириш ва кўпчиликда ногиронлик ҳақидаги тасаввурлари бўйича хулосалар ясанг. Яъни одамлар орасида кўпроқ ногиронлик билан “касал”, “бечора”, “имконияти чекланган” ва шу каби тушунчалар мавжудлиги ногиронликка нотўғри, камситувчи муносабатга сабаб эканлигига тўхталиб ўтинг. Ногиронликни тушунишнинг*

ижтимоий ва тиббий модели ҳақида тақдимот давомида ушбу “ақлий ҳужум” натижасида тўпланган нотўғри фикрларни мисол қилиб айтиб ўтишингиз мумкин бўлади.

Тренер тақдимоти.

Ногиронлик билан боғлиқ бўлган тушунчалар.

НБХ/Қларга нисбатан ГЗга қарши идоралараро жавоб чоралари ҳақида гап кетганда қуйида келтирилган асосий атамалар ва таърифлар қўлланилади.

Ногиронлиги бўлган болалар (бола) — барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар.

Ногиронлиги бўлган шахс — ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс.

Шахс ҳаёти фаолиятининг чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, шунингдек,, ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўлиқ ёхуд қисман йўқотганлиги.

Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ҳаёти фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан қафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими.

Ногиронлик белгисига кўра камситиш — мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий соҳада ёки бошқа соҳада ўзгалар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этишни ёки рўёбга чиқаришни инкор қилишдан иборат бўлган, ногиронлик сабабли ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари — ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг равишда иштирок этиш имкониятларини таъминлаш мақсадида тузилган нодавлат нотижорат ташкилотлари.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун алоҳида мослама ва воситалар.

Протез-ортопедия мосламалари — қўл-оёқлар ёки тананинг бошқа қисмлари ўрнини босиш учун мўлжалланган, организмнинг бузилган ёки йўқолган функцияларини компенсация қилувчи мосламалар.

Сурдотаржима — бирор-бир тилдан дактил алифбоси ёрдамида ва (ёки) имо-ишора тилида таржима қилиш усули.

Сурдотехника воситалари — эшитишдаги нуқсонларни тузатиш ва компенсация қилиш учун техник воситалар, шу жумладан, алоқани ва ахборот узатишни кучайтирувчи воситалар.

Тиббий-ижтимоий экспертиза — текширувдан ўтказилаётган шахснинг клиник-функционал, ижтимоий, касбий-меҳнат ва психологик маълумотларини комплекс баҳолаш асосида унинг соғлиғи йўқолганлиги даражасини ҳамда организмнинг функциялари турғун бузилганлиги сабабли ҳаёт фаолияти чекланганлиги даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг бошланиши сабаби ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек,, шахс учун соғлигининг ҳолатига кўра мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва зарур меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжи тўғрисида тавсиялар бериш.

Тифлотехника воситалари — ногиронлиги бўлган шахсларнинг кўришидаги нуқсонни натижасида йўқолган имкониятларини тиклаш ва компенсация қилишга қаратилган воситалар.

Шахс ҳаёт фаолиятининг чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хулқ-атворини назорат қилиш, шунингдек,, ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини тўлиқ ёхуд қисман йўқотганлиги.

Ассистив/Ёрдамчи технологиялар (инглизча "assistive technology" дан - ёрдамчи технология, инглизча "assist" - ёрдам- ёрдам бериш, ёрдам бериш, ёрдам бериш), яъни ногиронлиги бўлган ва шахсий хусусиятларга эга бўлган одамлар учун ёрдам / ёрдамчи технологиялар.

“Ёрдамчи технологиялар”га қурилмалар, маҳсулотлар, аппаратлар, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг функционаллигини яхшилаш учун мўлжалланган дастурий таъминот ёки хизматлар киради.

Ногиронлиги бўлган шахсларга муносабатда ижтимоий ва тиббий моделлари

Ногиронликка муносабатнинг иккита модели мавжуд.

Ногиронликни тушунишнинг тиббий модели – ногиронлиги бўлган шахсда бўлган соғлиқ бузилишлари мавжудлиги орқали белгилайди. белгиланади.

Тиббий моделдаги асосий фаолият тиббий аралашув ва терапия орқали бузилишларни минималлаштиришдир. Бундай ёндашув билан ногирон бўлган одам муаммодир, уни албатта "даволаш" керак ва бунинг учун уни махсус муассасага жойлаштириш керак, бу кўпинча одамни жамиятнинг қолган қисмидан ажралиб қолишига олиб келади.

Ногиронликнинг ижтимоий модели - бу ногиронликнинг сабаби касалликда эмас, балки жамиятда мавжуд бўлган жисмоний ва ташкилий тўсиқларда, ногиронларга нисбатан стереотиплар ва нотўғри қарашларда эканлигини кўрсатадиган концептуал ёндашув.

Шундай қилиб, **ногиронлик ижтимоий тенгсизликнинг шаклларида бири** бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий заиф гуруҳ саналади. Ногиронликни тушунишнинг ижтимоий модели тарафдорлари ногиронлар билан мулоқот қилиш, таълим ва тарбияда **тўсиқсиз муҳит яратиш**га интилишади.

Умумий мунозара.

 Савол: *Ижтимоий модел ва тиббий моделларнинг фарқи нимада экан? Ижтимоий моделнинг афзалликлари ҳақида нима дея оласиз?*

Мини-маъруза.

Ногиронликнинг тиббий ва ижтимоий моделлари ўртасидаги фарқлар

	Тиббий модел	Ижтимоий модел
Келиб чиқиши	Бузилишлар натижаси	Жамиятнинг муносабати натижаси
Касаллик ёки бошқа одамлар билан алоқа	Бошқа одамлардан фарқланади	Жамиятда камситиш (Ижтимоий дискриминация) натижаси
Ногиронлик хусусий (индивидуал) ёки жамият муаммоси сифатида	Жамият тасаввуридаги нормага тўғри келмайдиган (анормал) гуруҳ	Эзилган гуруҳ
Ўзгариш	Реабилитация	Интеграция (жамият ҳаётига)

		аралашувини таъминлаш, жамиятга қўшиш)
Қарорни ким қабул қилади	Кўпчилик (ўзидан ташқари)	Ўзи қабул қилади
Ногиронларни ўқитиш	Махсус таълим	Инклюзив таълим

Ногиронликнинг тиббий модели ногиронликни тиббий ҳодиса сифатида белгилайди ("касал одам", "оғир жисмоний имконияти чекланган одам", "интеллектуал ривожланиши етарли бўлмаган одам" ва бошқалар). Ушбу моделга асосланиб, ногиронлик - касаллик, патология деб ҳисобланади. Тиббий модел ногиронлар билан ишлаш методологиясини белгилайди, бу патерналистик характерга эга (яъни жамиятнинг чекловчи ва ҳомийлик позицияси) даволаниш, касбий терапия, одамнинг омон қолишига ёрдам берадиган махсус хизматларни яратишни ўз ичига олади (масалан, турар-жой муассасаларида таълим олган бола ёки ногироннинг тиббий муассасада мажбурий узоқ вақт қолиши). Таълим, иқтисодий ҳаётда иштирок этиш, дам олиш ногиронлар амри маҳол. Ихтисослаштирилган таълим муассасалари, ихтисослаштирилган корхоналар ва санаторийлар ногиронларни умумий жамиятдан ажратиб, уларни ҳуқуқлари поймол қилинади.

Ногиронликнинг ижтимоий модели ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини жамиятнинг алоҳида эҳтиёжманд қатлами сифатида кўриб чиқади. Ижтимоий моделга кўра, ногиронлик ижтимоий муаммодир. Шу билан бирга ногиронлик "инсоннинг бир қисми" эмас. Ногиронликка эътибор бериш ўрнига, ногиронликнинг ижтимоий модели тарафдорлари уларнинг жамиятдаги дуч келадиган муносабат/тўсиқларга эътибор қаратадилар.

Мисол. Инсонни қулоқлари эшитмайди – бу нуқсон. У семинарда қатнаша олмади, (маъруза тинглаш учун) чунки унга имо-ишора тили (сурдо) таржимони тақдим этилмади. Шундай қилиб, бу инсон ижтимоий тузилманинг мослаштирилмаганлиги туфайли ногирон сифатида ажралиб қолади.

Ногиронликнинг ижтимоий модели **“нуқсон”** ва **“ногиронлик”**ни фарқлайди. Юқоридаги қулоқлари эшитмайдиган инсон вазияти бунинг ёрқин мисолидир. Ногиронликнинг ижтимоий моделининг иккита асосий таърифи мажуд:

- **Нуқсон** - умумий қабул қилинган стандартлардан фарқ қиладиган шахс танасининг функционал чекловлари пайдо бўлишига олиб келадиган ёки потенциал таъсир кўрсатадиган шикастланиш, касаллик ёки туғма патология.
- **Ногиронлик** - ижтимоий тўсиқлар, шунингдек, атроф муҳитдаги тўсиқлар туфайли жамиятда бошқалар билан тенг равишда иштирок этиш имкониятларидан чекланиш ёки умуман йўқотиш.

Ижтимоий моделда ногиронлик нуқсонли одамларни ҳисобга олмайдиган "тўсиқлар" ёки ижтимоий тузилиш элементлари туфайли юзага келадиган ҳолат сифатида кўрсатилади.

Жамият ногиронлиги бўлган шахсларни нуқсонли бор воқелик сифатида қабул қилади, чунки унинг тартибга солиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг оддий, кундалик ҳаётда иштирок этишига имкон бермайди. Бундан келиб чиқадикки, агар ногиронлиги бўлган шахс жамиятнинг нормал фаолиятида иштирок эта олмаса, унда жамиятни ташкил этиш усулини ўзгартириш керак. Жамиятдан нуқсонли одамни истисно қиладиган тўсиқлар олиб ташланса керакли ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

📖 Ногиронлик бўйича халқаро ва миллий ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

🔔 Умумий муҳокама.

Иштирокчилар билан қуйидаги саволлар муҳокамаси:

- 👉 Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қайси халқаро меъёрий ҳужжат билан танишсиз?

👉 *Ўзбекистон Республикасида ушбу ҳужжатлар қандай кучга эга ва нима учун?*

🔔 Тақдимот

👉 **Тренер диққатига.** Тақдимот (маъруза) давомида имкон қадар иштирокчилар билан саволлар ва жавоблар асосида интерактив шаклда маъумотларни тақдим этиш тавсия этилади.

📖 Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро асос

Ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ҳуқуқлари – бу инсон ҳуқуқлари бўлиб, кўплаб халқаро шартномалар, шу жумладан, БМТнинг “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция ва “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясининг ҳар бири инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатни ратификация қилган давлатларга маълум қонуний мажбуриятларни юклайди. Ушбу шартномалардан бирини ёки бир нечасини ратификация қилган давлатлар учун инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномада ҳимояланган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва бажариш бўйича аниқ қонуний мажбуриятларга эга.

БМТ томонидан 2006 йилда қабул қилинган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни Ўзбекистон Республикаси 2021 йилда ратификация қилган.

Ушбу ҳужжатга кўра давлат ногиронлиги бўлган шахслар учун тенгликни, атроф-муҳит, таълим ва ишлаш имкониятини, маданий ҳаётда иштирок этишни ва индивидуал ҳаракат қилиш имкониятини таъминлаши белгиланган. Бундан ташқари, Конвенцияда мустаҳкамланган ҳуқуқларни таъминлаш ва, агар мавжуд бўлса, камситувчи қонунлар, қоидалар, ўрф-одатларни бекор қилиш учун сиёсат, қонунлар ва маъмурий чораларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

📖 Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий асос.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг “Инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари” бўйича Х бобида қуйидаги модда келтирилган:

57-модда.

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, **ногиронлиги бўлган шахслар** ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг **ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.**

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун **шарт-шароитлар** яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни **тўсқинликсиз** олиш имкониятини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонунда қуйидаги асосий жиҳатлар тартибга солинган:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг қадр-қимматини уларнинг мустақиллигини, танлаш эркинлигини ҳурмат қилиш; ногиронлик белгисига кўра камситилишга йўл қўймаслик; инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишдаги имкониятлар тенглиги; ногиронлиги бўлган болаларнинг ривожланаётган қобилиятини ва ўз индивидуаллигини сақлаб қолиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш; объектлар ва хизматларнинг қулайлиги;
- соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва ваколатли органларнинг ваколатлари: Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари,

Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш, шунингдек, уларга кўмак кўрсатувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТлар;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг базавий ҳуқуқлари: шахсий ҳаёт дахлсизлиги; оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқ; фуқаролик ва эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи; уй-жойга бўлган ҳуқуқ; давлат органларига, ташкилотларига ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ҳуқуқи. Ногиронлиги бўлган шахсларни таълим олиши, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, меҳнат қилиши ва бандлиги масалалари алоҳида қайд этилади;
- давлат томонидан бериладиган кафолатлар: ижтимоий инфратузилма объектларини ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжларига риоя этган ҳолда лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш; транспорт воситаларининг ва йўл инфратузилмасининг қулайлиги, меҳмонхона хоналарининг қулайлиги, ахборотдан фойдаланиш;
- фуқарони ногиронлиги бўлган шахс деб топиш тартиби, уни яқка тартибда реабилитация қилиш ҳамда абилитация қилиш (жамиятда ҳаёт кечиришга мослашиш учун организмнинг мавжуд бўлмаган ёки йўқотилган функцияларини шакллантириш бўйича тузатиш чора-тадбирлари комплекси);
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини сақлаш, уларга ижтимоий ёрдам ва ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар. Бунда ижтимоий ёрдам ҳокимиятлар, соғлиқни сақлаш, халқ таълими органлари, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг – соғлиқ сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, хайрия ва бошқа органларнинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва ННТлар, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмалари иштирокидаги ҳулосалари асосида кўрсатилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий ёрдам

- пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);
- реабилитация қилишнинг техник воситалари, сурдотехника, тифлотехника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия мосламалари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтирувчи аппаратлар ва сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдотаржимали видеоматериаллар, шунингдек, автомобиллар билан таъминлаш;
- тиббий, ижтимоий, касбий, жисмоний реабилитация қилиш бўйича хизматлар ва маиший хизматлар;
- транспорт хизматлари;
- дори воситалари билан таъминлаш ва бошқа ижтимоий ёрдам турлари.

1.2.2. Ногиронлик ва гендер, инсон ҳуқуқлари ва гендер зўравонлик

Ногиронликнинг гендер жиҳатлари ва гендер зўравонлик муаммоси

Умумий муҳокама

 *Савол: Сизнинг-ча, нима учун айнан **ногиронлиги бўлган хотин-қизлар** (НБХ/Қ)га алоҳида хизмат тақдим этиш дастурлари ишлаб чиқилмоқда ва илгари сурилмоқда? Бунинг сабаби нимада? Фикрингизни тажрибангиздан мисоллар билан асослаб беринг.*

Тренер тақдими.

Бугунги кунда дунёда 1 миллиарддан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар яшайди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва Жаҳон банкининг Жаҳон ногиронлик ҳисоботида кўра, дунё бўйлаб аёллар орасида ногиронликнинг тарқалиши 19,2% ни ташкил қилади. Дунё бўйлаб асосан ривожланаётган мамлакатларда 180 дан 220 миллионгача ногиронлиги бўлган қизлар ташкил қилади.

Юқорида таъкидланганидек, НБХ/Қ ногиронлиги бўлмаган хотин-қизларга нисбатан кўпроқ зўравонликдан жабр кўрадилар. Жинсий тажовуз қилиш эҳтимоли эса 10 баравар кўп. Агар аёл-қизнинг мулоқот қилиш (эшитиш, гапириш) билан боғлиқ ногиронлиги бўлса, зўравонлик хавфи янада юқори бўлиши мумкин, чунки зўравонлик содир этувчи шахслар уларнинг зўравонлик ҳақидаги маълумотларни ошкор қила олмаслигидан фойдаланишлари мумкин.

НБХ/Қлар қашшоқлик ва ижтимоий ҳаётдан четлаштирилишига кўпроқ дуч келганлиги учун иқтисодий зўравонликка нисбатан заифлиги ошади ва зўравонлик ҳолатларини бартараф этиш ва хизматлардан фойдаланиш учун молиявий тўсиқларни кучайтириши мумкин.

Ногиронлик ёки жинсга қараб камситиш

Ногиронлик асосида камситиш камситилиш (дискриминация) турли шаклларда бўлиши мумкин, лекин умуман олганда, бунини **ногиронлиги бўлганлиги учун инсонни фарқлаш, истисно қилиш ёки чеклаш, ва бундай фарқлаш, истисно қилиш ёки чеклашнинг мақсади ёки натижаси инсоннинг** сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки бошқа соҳаларда **барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини чеклаш ёки рад этиш** деб тушуниш мумкин. Ногиронлиги бўлган одамлар, шунингдек, жинси, ёши, иқтисодий ҳолати, миллати ва ирқи каби бир ёки бир-бирига ўхшаш омиллар тўғрисида камситилиши мумкин.

ГЗдан жабрланганлар учун миллий ва маҳаллий даражада мувофиқлаштирилган қатор хизматлар тақдим этилиши лозим, буларга: тиббий хизматлар (масалан, биринчи тез ёрдам, жинсий зўравонлик ҳолатида текширув (скрининг) ва бошқа зарур ёрдам кўрсатиш (руҳий ҳолатини ва саломатлигини баҳолаш ва керакли тиббий муолажаларни бажариш), ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари (масалан, вазиятни баҳолаш ва тергов қилиш, зарур бўлса жавобгарликка тортиш ва тузатиш ишларига тортиш, хавфсизликни таъминлаш ва ҳимоя қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа хизматларни мувофиқлаштириш), ижтимоий-психологик хизматлар (масалан, инқироз бўйича маслаҳат, ишонч телефонлари, юридик ва ҳуқуқий маълумотлар, маслаҳат ва вакиллик қилиш, психологик ёрдам ва психологик маслаҳат). НБХ/Қ кўпинча ушбу муҳим хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ГЗнинг олдини олишга йўналтирилган дастурларни лойиҳалаш ва амалга оширишда НБХ/Қлар учун алоҳида ёндашув бўлиши кўзда тутилиши керак. Акс ҳолда зўравонлик ҳолатлари давом этади, ҳуқуқбузарлар жазосиз қолишга имкон беради ва муаммо янада кучаяди. ГЗдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш уларнинг халқаро меъёрий ҳужжатларда акс эттирилган **инсон ҳуқуқларини** таъминлайди.

Нуқсонлар ва ногиронликнинг оқибатлари аёлларга айниқса жиддий таъсир кўрсатади. Кўпгина мамлакатларда аёллар ижтимоий, маданий ва иқтисодий жиҳатдан ночор, бу уларнинг ногиронлик билан боғлиқ қийинчиликларни енгил қобилятини чеклайди ва уларнинг жамиятдаги иштирокини янада мураккаблаштиради.

Ногиронлиги бор аёлларнинг вазияти ва муаммолари.

- Ҳаётларининг барча соҳаларида икки томонлама камситишларга дуч келадилар.
- НБХ/Қлар аҳолининг энг камбағал гуруҳлари қаторига кирадилар.
- Ногиронлиги бўлган эркакларга қараганда турмуш даражаси пастроқ, кўпроқ қашшоқлик ва изоляцияни бошдан кечиришади ва, қоида тариқасида, кам иш ҳақи олишади.
- НБХ/Қлар орасида кўп қисми бандлиги таъминланмаган.
- Дунё миқёсида, ногиронлиги бор аёллар орасида саводхонлик даражаси атиги 1% ни ташкил қилади (БМТТД тадқиқотида кўра).
- Соғлиқни сақлаш, таълим ва бандлик хизматларидан фойдаланиш имкониятига кўпинча эга эмаслар.

Юқорида санаб ўтилган ҳолат натижасида НБХ/Қларга нисбатан ГЗ содир этилади.

 **Мавзу бўйича якуний хулосалар.**

 *Мавзу фойдали бўлдими? Олинган билимларни амалиётда қандай қўллаш мумкин?*

1.3. Мавзу: Ногиронликни эътиборга олган ҳолда мулоқот кўникмалари. Умумий вақт: 1 соат 30 дақиқа	
Вазифалар:	1.3.1. Ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот тамойиллари. 30 дақиқа <ul style="list-style-type: none">• Коммуникация турларини муҳокама қилиш.• Коммуникация тўсиқлари ҳақида маълумот бериш. 1.3.2. ГЗдан жабрланган НБХ/Қ билан мулоқот тамойиллари. 60 дақиқа <ul style="list-style-type: none">• Ногиронлик туридан келиб чиқиб мулоқот қилиш тамойиллари билан таништириш.• Шерик маслаҳати усули билан таништириш ва амалий машқ бажариш
Усуллар	<ul style="list-style-type: none">• Умумий муҳокама• “Кўзи ожиз ва унинг йўлбошловчиси” машқи.• Тақдимот.• “Аквариум” машқи.

1.3.1. Ногиронлиги бўлган шахслар билан мулоқот тамойиллари

 *Иштирокчиларга мавзу эълон қилинади ва иккита ўйинда қатнашиш таклиф қилинади.*

 **Экспериментал машқ “Кўзи ожиз ва унинг йўлбошловчиси” - 10 дақиқа.**

Ушбу машқ - сўзсиз мулоқот қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган коммуникатив машқ бўлиб, иштирокчиларга кимгадир қарам бўлиш нимани англатишини бевосита ҳис қилиш имконини беради.

Машқ жуфтликда амалга оширилади. Ҳар бир жуфтликда "кўр" ва "йўлбошловчи" танланади.

"Йўлбошловчи"ларга йўриқнома: *"Сизнинг шеригингизни кўзлари ёпиқ (кўзи кўрмайди деб фараз қилинг). Сиз уни ўзингиз билан олиб юриб атроф билан таништиришингиз керак"*.

Иштирокчилар жуфт бўлиб хона бўйлаб тарқаладилар. "Йўлбошчи" "кўр" ни ёнида юриб олиб боради, уни хона ичидаги объектлар ва одамлар билан таништиради.

Икки дақиқадан сўнг иштирокчилар ролларни ўзгартирадилар/алмашадилар. Иккинчи жуфтлик сифатида "сайр" ҳам 2 дақиқа давом этади.

Машқ тугагандан сўнг, ўйиннинг умумий муҳокамаси ўтказилади. Иштирокчилар "йўлбошчи" ва "кўр" ролида ўзларини қандай ҳис қилганликларини, бу ролда қулай бўлган/бўлмаганини, шеригига ишонган/ишонмаганликлари ҳақида бўлишиш имконини яратинг.

 **Тренер диққатига!** *Муҳокама давомида иштирокчиларни НБХ/Қлар хизмат тақдим этувчилари билан илк мулоқотда ўзларини қандай ҳис қилишлари мумкин эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш орқали мулоқот ўрнатиш тамойилларини билиш зарурати тўғрисида хулосалар ясанг.*

 “Очиқ муҳокама”. – 10 дақиқа.

“Қўзи ожиз ва йўлбошловчи” ўйининг муҳокамасидан келиб чиқиб иштирокчиларга қуйидаги саволлар билан муурожаат қилинг:

 *Мулоқот ўзи нима? Унинг асосий вазифалари нимадан иборат? Коммуникация деганда нимани тушунасиш? Унинг асосий вазифалари нимадан иборат? Мулоқот тўсиқлари деганда нимани тушунасиш?*

 **Тренер диққатига.** Саволлар бўйича иштирокчиларнинг фикрлари тўпланади ва зўравонликдан жабрланган НБХ/Қ лар билан мулоқот ўрнатишда нималарга эътибор бериш лозимлиги бўйича қисқа муддатли очиқ мунозара ўтказиш ва слайдлар асосида коммуникация бўйича хулосалар келтиринг.

 Тренер тақдимоти.

 **ГЗдан жабрланган НБХ/Қлар билан мулоқот давомида вужудга келадиган мулоқот тўсиқлари**

- Жисмоний тўсиқлар.
- Тил тўсиқлари.
- Маданий тўсиқлар.
- Ахборотни идрок этиш ёки тушуниш билан боғлиқ тўсиқлар.
- Ҳиссий (эмоционал) тўсиқлар.

Жисмоний тўсиқлар: Муҳит шовқини. Атроф-муҳит ҳарорати, мулоқот жойида ёмон ёруғлик, ҳаво етишмаслиги. Мавжуд вақт / вақт етишмаслиги. Ногиронликнинг мавжудлиги. Мулоқот жойидаги бошқа одамлар ва уларнинг муносабати. Тўсатдан пайдо бўлган товушлар.

Тил тўсиқлари: Касбий, мураккаб, техник атамалар ("тушунарсизлик индекс" ни оширади). Амалдаги тил касбий ёки ҳаётий тажрибани ифодалайди. Сўзларни ноўрин танлаш. Таржимон шахс каби воситачининг йўқлиги.

Маданий тўсиқлар: Стереотип дунё қарашлар. Сохта афсоналар. Жинс. Менталитет. Кутилган истак ва талаблар.

Идрок ёки тушуниш билан боғлиқ тўсиқлар: Психологик омиллар. Танглик ҳолати. Стресс. Бир фикрни турли хил талқин қилиш. Бир-бирига қизиқиш ва ҳамкорликнинг етишмаслиги.

Ҳиссий / эмоционал тўсиқлар: Хизмат тақдим этувчи ташкилот/муасасса ходимининг ёки жабрланувчининг ҳиссиётлари. Жабрланувчининг ғазаби, қўрқуви, ишонмаслиги, шубҳаланиши ёки умидсизлиги. Хизмат тақдим этувчи ташкилот/муасасса ходимининг умидсизлиги, унинг ҳимоя, бефарқ ёки ҳатто тажовузкор хатти-ҳаракатлари. Жабрланувчининг ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари ва истакларини эътиборсиз қолдириш.

1.3.2. ГЗдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин кизлар билан мулоқот тамойиллари

 “Очиқ муҳокама”

 Саволлар: *Ногиронлиги бўлган хотин-қизлар билан мулоқот қилганда нималарга эътибор бериш керак? Масалан, кўриш нуқсонлари бўлган НБХ/Қ билан, ёки эшитишда нуқсонлари бўлган НБХ/Қ лар билан қандай гаплашиш керак?*

 **Гендер зўравонликдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар билан ишлайдиган ходимлар учун ўзаро мулоқот бўйича тавсиялар**

 Тренер тақдимоти

Сенсор (эшитиш) нуқсонлари бўлган инсонлар билан ўзаро мулоқот бўйича тавсиялар:

- Гапиришдан олдин бошқа одамнинг эътиборини қаратганингизга ишонч ҳосил қилиш керак.
- Эшитиш нуқсони бўлган инсон билан суҳбатни бошлашдан аввал, унга қўлни аста силкитиб ёки унинг елкасига тегиш орқали эътиборини жалб қилиш мумкин.
- Бақариб гапириш мумкин эмас, нутқингизга ортиқча урғу берманг.
- Эшитиш нуқсони бўлган инсонга тўғри қаранг ва оғзингизни қўлингиз билан беркитманг.
- Иложи борича имкон қадар ушбу инсон учун афзал алоқа усулини топинг ва ҳужжатлаштиринг.
- Шошмасдан (дона-дона) ва аниқ гапиринг, шунда эшитишда нуқсони бор суҳбатдошингиз гапларингизни лабингиздан “ўқий” (англай) олади.
- Қўнғироқ бўйича ёки олдиндан тайинланган САРТ (реал вақтда таржимон) ёки имо-ишора тили таржимонини ташкил қилинг.

Кўриш қобилиятида нуқсонлари бўлган шахслар билан мулоқот қилиш бўйича тавсиялар:

- Кўриш қобилиятида нуқсонлари бўлган жабрланувчига хонада борлигингиз ҳақида огоҳлантириб яқинлашингиз мумкин.
- Хизматни қабул қилувчи (ГЗдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар) сизни умуман кўрмайди деб ўйламанг.
- Оддий овоз билан гапиринг.
- Ҳеч қачон ГЗдан жабрланган кўриш қобилиятида нуқсонлари бўлган хотин-қизларнинг ҳасса ёки бошқа техник воситаларини уларнинг руҳсатисиз олманг.
- Кетиш пайтида ёки кетишдан олдин, албатта, хайрлашинг.
- Керак бўлса, катта ҳажмдаги маълумотлар ҳақида гапирмоқчи бўлсангиз, аудио ёки Брайл алифбосида ёзилган маълумотлар ёнингизда бўлсин.
- Маълумотни олдиндан рақамли форматда тақдим этиш мақсадга мувофиқ, шунда хизматдан фойдаланишдан олдин, НБХ/Қ бу маълумотни экрани ёрдамида ўқий олади.
- Кўзи ожиз одамга яқинлашганда, ўзингизни ва ёнингизда ёки хонада бўлган барча шахсларни таништиринг (исми фамилияси, иш жойи ва лавозимини айтинг). Агар суҳбатни тугатиш зарур бўлса, ёки кўзи ожиз шахсдан ўзоклашингиз керак бўлса, уни бу ҳақда огоҳлантириш керак.
- Агар кўзи ожиз аёл-қиз сизни ёрдамнингизни қабул қилишга тайёр эканлигини ва унга ҳамроҳлик қилишингизга розилик билдирса, унга ҳамроҳлик қилмоқчи бўлган шахс шу одамнинг тирсаги ва билак қисмидан қўли билан аста ушлаб, кўзи ожиз аёл-қиз ҳамроҳлик қилаётган одамнинг бироз орқасида ҳаракатланиши керак.
- Агар кўзи ожиз ногироналиги бор шахсни ҳужжат ёки қарор билан таништириш, ёки ушбу ҳужжатга уни имзоси керак бўлса, бу ҳолатда сиз унга ҳужжатнинг матнини тўлиқ, сўзма-сўз қисқартирилмаган ва такрорламаган ҳолда ўқиб таништиринг ва керак бўлса имзо қўйиш жойини бармоғингиз билан кўрсатинг.
- Ҳар қандай ҳужжатларни кўзи ожиз одамга топшириш (шахсий ҳужжатларини қайтариш), берилаётган ҳужжатларни тўлиқ номи ва сонини овоз билан таништириш мақсадга мувофиқ.

Сенсор (нутқ бузилиши) нуқсонлари бўлган жабрланувчи билан ўзаро муносабатлар бўйича тавсиялар

- Агар НБХ/Қ нутқининг тезлиги суст бўлса, яъни етарли даражада тез бўлмаса, ёки унинг нутқини тушуниш қийин бўлса, уни маълумотларни тушуниш ёки ўзлаштиришда қийиналади деб ўйламанг.
- Ундан тушунмаганларини такрорлашини илтимос қилинг ёки такроран сўранг.
- У “ҳа” ёки “йўқ” деб жавоб бериши мумкин бўлган саволларни беринг.
- Муаммони сизга изоҳлаб/тушунтириб айтиб бериши учун етарлича вақт беринг.

Когнитив (ақлий) бузилишлари бўлган жабрланувчи билан ўзаро мулоқот бўйича кўрсатмалар:

- Оддий сўзлар ва қисқа жумлалар қўлланг.
- Зўравонликдан жабрланган аёл-қизлар биз бераётган маълумотларни тўлиқ тушунишига ёрдам берадиган турли воситалардан имкон қадар фойдаланинг.
- Кўрсатмалар ва муҳим маълумотларни турли усулларда намойиш қилинг ва зарур бўлса такрорланг (масалан, анатомик жиҳатдан тўғри моделлар ёки қўғирчоқлар, ролли ўйинлар).
- Зўравонликдан жабрланган аёл-қизларнинг кўриб чиқиши ва маълумот олиши учун ўзлари билан олиб юриш мумкин бўлган оддий кўрсатмалар ва маълумот берувчи қўлланмаларни/ маълумот берувчи воситаларни тақдим этинг (масалан, тушунарли/оддий тил, ўқиш осон, визуал/ тасвирли қўлланмалар, видео кўрсатмалар).
- Зўравонликдан жабрланган когнитив (ақлий) бузилишлари бўлган аёл-қизларга ёш боладек муносабатда бўлмаг.
- Зўравонликдан жабрланган когнитив (ақлий) бузилишлари бўлган аёл-қизларга турли хизмат тақдим этувчи ходимлар билан кейинги савол ва муаммолари бўйича мурожаат қилишлари учун хизмат тақдим этувчи мутахассисларнинг телефон рақамларини беринг ёки бошқа усулларини тақдим этинг.

Психиатрик касалликлари бўлган жабрланувчи билан ўзаро муносабатлар бўйича тавсиялар:

- Зўравонликдан жабрланган психиатрик касаллиги бўлган аёл-қизлар билан ўзаро ишонч муҳитини мустақамлаш ва ривожлантиришга урғу беринг ва чоралар кўринг.
- Барча хизмат тақдим этувчи ходимлар ва оила аъзоларига ушбу касалликни қабул қилиш даражасини ошириш, муносабатни ўзгартириш ва ишончни мустақамлаш учун ўқув дастурларини таклиф қилинг.
- Гендер зўравонликдан жабрланганларга турли хизматлар тақдим этувчиларнинг руҳий саломатлик муммолари билан шуғулланувчи муассасалар ўртасида алоқани яхшиланг.
- Мавжуд бўлса, ўзаро ёрдам гуруҳи хизматларини таклиф қилинг.
- Барча хизмат тақдим этувчи ходимлар жабрланувчига ҳар доим ҳурмат муносабатида бўлишларига ва уларнинг кучли томонларини тан олишларига ишонч ҳосил қилинг.
- Агар мавжуд бўлса, соғлиқни сақлаш соҳасида қўллаб-қувватладиган қарорларни қабул қилиш механизмлари ва ишончномалари тўғрисида маълумот ва кўрсатмалар беринг. Жабрланувчи, ўзи қарор қабул қила олмаса, соғлиқни сақлаш соҳасида ишончли шахсни тайинлайди ва шу ишончли шахс у учун тиббий қарорлар қабул қилади; бу инсоннинг хоҳиш-истакларининг бажарилишини таъминлайдиган механизм.

Мавзу бўйича хулосалар ва савол-жавоблар.

 *Берилган маълумот фойдали бўлдими? Ушбу маълумотни амалиётда қандай қўллайсиз?*

“Шерик маслаҳати”

Тренер тақдимоти

“Шерик” сўзи “ҳамкор” ёки “бир кишини ёнида турган иккинчи инсон” деган маънони билдиради. Бирор бир ногиронлик вазиятига тушган инсонга (НВИ) маслаҳат берадиган бошқа бир ногиронлиги бор шахслар маслаҳатчи ҳисобланади. Бундай маслаҳат шакли “Шерик маслаҳати” деб аталади. “Шерик маслаҳати” тушунчаси 1970 йилларда АКШда жамиятда мустақил яшаётган ногиронлиги бор шахслар орасида кенг тарқалган.

“Шерик маслаҳати” қуйидаги натижаларга эришишга ёрдам беради:

- НБХ/Қ ўз хоҳишларини ва эҳтиёжларини англашга.
- Хоҳишларини ва эҳтиёжларини қондирилишига тўсқинлик қиладиган нарсаларни англашга.
- Ўз хиссиётларини тўлалигича баён қилишга (хис-хаяжонларни ошкор қилган ҳолда).

- Ўз хиссиётларни тўлиқ баён қилгандан сўнг, НБХ/Қ ўзини қайта баҳолайди. Масалан, “Мен биринчи вазирамни ўзгартиришим керакми? Бошқа яна имкониятим борми?”.

“Шерик маслаҳати” қоидалари:

- Вақтни тенг тақсимлаш.
- Конфиденциалликни, шахсий маълумотларни сир сақланишини таъминлаш.
- Рад этиш, танқид қилиш мумкин эмас.
- Йўриқнома ва маслаҳат бериш мумкин эмас.
- Ижтимоий ҳимоя тизими ва шунга ўхшаш бошқа маълумотларни тўғри бериш керак. Агар етакчи Маслаҳатчи-Шерик маълум бир масала ҳақида маълумотга эга бўлмаса, унда ушбу масала ҳақида кўшимча маълумот тўплаши кераклигини очиқ айтиши керак ёки шу масала бўйича маълумотга эга бошқа Маслаҳатчи-Шерикларни таништириши керак.

🔔 Умумий муҳокама.

“Шерик малаҳати” ҳақида маълумот берилгандан сўнг, иштирокчиларга қуйидаги саволлар билан муурожаат қилинг:

- 👉 *“Шерик маслаҳати” шаклининг гендер зўравонликдан жабрланган НБХ/Қлар билан ишлашда қандай афзалликлари мавжуд?*
- 👉 *Гендер зўравонликдан жабрланган НБХ/Қлар билан “шерик маслаҳати” ўтказиш орқали қайта зўравонлик ҳолатига дуч келмаслиги учун хизмат тақдим этувчи ташкилотлар нима қилишлари зарур?*

Хулоса: ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этувчи ваколатли ташкилот ва муассасалари НБХ/Қ билан ишлашда, албатта, ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлайдиган ННТлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, ишлаш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаш зарур. Яъни жабрланувчи зўравонлик ҳолатидан чиқиши учун, ўз муаммосини англаши орқали, зўравонликнинг қайта содир этилишини олдини олиш учун давлат ва нодавлат ташкилотлар ижтимоий шериклик асосида бирга ҳаракат қилишлари лозим. Чунки “шерик маслаҳати”ни ногиронлиги бўлган шахслар жабрланувчи билан ишончли муҳит яратиб самарали ўтказиш оладилар.

🔔 Шерик маслаҳати бўйича “Аквариум” машқи.

Аудиториянинг ўртасига иккита курси қўйилади. Иштирокчилардан битта кўнгилли чиқиши сўралади ва унга у ногиронлиги бўлган жабрланувчини ролини ижро этиш илтимос қилинади. Тренер 10 дақиқа давомида “шерик маслаҳатчи” ролини ижро этиш орқали маслаҳат жараёнини намойиш қилади.

👉 Тренер диққатига! Қолган иштирокчилардан кузатувчи ролини бажариш ва “шерик маслаҳати” бўйича ўзлари учун муҳим кузатувларини ёзиб боришлари сўралади.

🔔 Ўтказилган жараён бўйича умумий муҳокама.

- 👉 *“Шерик маслаҳатчи” ўзини қандай тутди? Саволларни қандай берди? (овоз оханги, қаддини ушлаши ва х.к).*
- 👉 *Бундай маслаҳат давомида нималарга эътибор бериш лозим? Нима учун?*

Хулосалар:

- Аниқ маслаҳат беришдан йироқ бўлиш, маслаҳат олувчининг ўз хиссиётларини тўла-тўқис эркин ошкора қилишга ундаб унга руҳий мадад бериш зарур.

- Мақсадларни белгилаш.

 **Биринчи модулни якунлаш.**

Ҳар бир иштирокчи биринчи модуль бўйича асосий хулосаларини айтиш таклиф қилинади.



2. Иккинчи модуль: Гендер зўравонлик жабрланувчиларига сифатли инклюзив хизматлар тақдим этиш.

Ўқув модулига ажратилган вақт: 7 соат	
Ўқув модули якунида билиш лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Идоралараро жавоб чораларининг мақсадлари ва асосий тамойиллари. • ГЗга жавобан стандарт операцион иш тартибларининг мақсад ва вазифалари. СОТларнинг тузилиши ва улардан фойдаланиш тартиби. • Хизмат тақдим этувчилар, ваколатли ташкилотлар тушунчалари. • СОТ: ГЗ жабрланувчисини аниқлаш (идентификация); ГЗ ҳодисасини баҳолаш; хизматлар тақдим этиш (соҳа СОТлари асосида); бошқа хизмат тақдим қилувчиларга (қайта) йўналтириш; ҳужжатлаштириш жараёнлари. • ГЗга жавобан ногиронликни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган асосий тиббий, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий хизматлар бўйича СОТ талаблари ва йўриқлари.
Ўқув модули якунида бажара олиш лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • Жабрланувчи/ГЗдан жабрланган ногиронлиги бўлган шахс билан мулоқот қилиш. • ГЗни идентификация қилиш учун мавжуд усуллардан фойдаланиш. • НБХ/Қнинг ҳолатига ва зўравонликнинг хавф даражасига баҳо бериш ва мутахассислик хулоса яшаш. • Ҳар бир соҳа мутахассиси ўз ваколати доирасида хизматларни тақдим этиш • ГЗдан жабрланган НБХ/Қчун яқка тартибдаги хавфсизлик режасини тузиш. • НБХ/Қларга нисбатан зўравонлик ҳолатини ҳужжатлаштириш.

Иккинчи модуль мавзуларининг тавсифи

 **Тренер диққатига.** Янги модульга ўтишдан аввал, албатта, биринчи модуль ўз ичига олган мавзулар бўйича савол-жавоб ўтказиш тавсия этилади.

Биринчи модуль бўйича савол-жавоб (блиц-сўров). 15 дақиқа

2.1. Мавзу: Гендер зўравонлигига мувофиқлаштирилган идоралараро жавоб чоралари Умумий вақт: 1 соат 30 дақиқа	
Вазифалар:	<p>2.1.1. ГЗга жавоб чоралари. 30 дақиқа</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ГЗга жавобан хизматлар тақдим этувчи ташкилотлар ва уларнинг ваколат доирасини муҳокама қилиш. • Идоралараро жавоб чораларининг мақсадлари ва асосий тамойиллари билан таништириш ва уларга амал қилишнинг аҳамияти бўйича зарур хулосалар яшаш. <p>2.1.2. ГЗ жабрланувчиларига асосий хизматлар мажмуи. 1 соат</p> <ul style="list-style-type: none"> • ГЗ жабрланувчилари билан ногиронликни ҳисобга олган ҳолда ишлаш тамойилларини таҳлил қилиш. • ГЗ жабрланувчилари учун хизмат тақдим этувчилари тушунчаси билан таништириш. • ГЗдан жабрланган ногиронлиги бор хотин-қизларга хизмат тақдим этувчи ташкилотлар рўйхати/маълумотлар базасини шакллантириш.
Усуллар:	<ul style="list-style-type: none"> • Кичик гуруҳларда иш. • Тақдимот. • Умумий мунозара. • “Ақлий хужум”. • Қўлланма билан ишлаш.
Зарур ресурслар	<ul style="list-style-type: none"> • Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг матни.

2.1.1. ГЗга жавоб чоралари

Кичик гуруҳларда иш

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ГЗга жавобан хизматлар тақдим этувчи ташкилотлар ва уларнинг ваколат доирасини муҳокама қилиш.

 **Тренер диққатига.** Тренинг иштирокчилари 4 та кичик гуруҳга бирлаштирилади: тиббий хизматлар бўйича гуруҳ, ижтимоий, психологик хизматлар бўйича гуруҳ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича хизматлар гуруҳи. Ҳар бир гуруҳ ўзини соҳасига асосан топшириқни бажаради.

 **Топшириқ:** 10 дақиқа давомида фаолиятингиз йўналишига мувофиқ ташкилотнинг вазифаларини аниқланг ва улар бўйича қисқача тақдимот тайёрланг. Тиббий хизмат вакиллари соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Ички ишлар вазирлиги ва ш.к. Ташкилотларнинг номларини ва вазифаларини флип-плакатга ёзинг.

 **Ҳар бир соҳа ташкилотларининг ваколатлари бўйича гуруҳлар тақдимоти.**

 *Тақдимотлардан сўнг иштирокчилар билан турли ваколатли органларнинг вазифаларидан келиб чиқиб тақдим этиши мумкин бўлган хизмат турларини санаб ўтишларини сўранг.*

 **Идоралараро жавоб чораларининг мақсадлари ва асосий тамойиллари**

 **Тренер тақдимоти.**

ГЗга идоралараро жавоб чораларининг мақсадлари

ГЗга идоралараро жавоб чоралари ҳамкорликка асосланган бўлиб, у ГЗга қарши курашиш учун умумий ёндашув бўлишини ҳамда жалб қилинган ҳамкорлар томонидан белгиланадиган тамойиллар ва стандартларга риоя қилишни талаб қилади.

Идоралараро мувофиқлаштирилган жавоб чоралари ва қайта йўналтириш ГЗга мажмуавий эътибор қаратишни ўзида ифодалайди ва қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- ГЗдан жабрланганлар учун қўллаб-қувватлаш хизматларидан фойдаланишни таъминлаш ва улардан фойдаланиш йўлларини соддалаштириш.
- Ўзаро мувофиқлаштирилган идоралараро иш қоидалари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда барча дастурлар доирасида интеграциялашган ва турли йўналишларда ёрдам/хизмат тақдим этилишини таъминлаш.
- Барча даражаларда ва барча иштирокчи ташкилот/муассасалар томонидан ҳисобот юритилишини таъминлаш. ГЗга барҳам бериш ва унинг олдини олиш учун мувофиқлаштирилган ҳаракатларни таъминлаш.
- ГЗ ҳақида аниқроқ маълумотлар билан таъминлаш, тақдим этилган хизматлар ва берилган йўлланмалар бўйича маълумотларни доимий тўплаш ва таҳлил қилиш.

ГЗга идоралараро жавоб чораларининг функциялари

Ушбу функциялар барча томонлар учун ягона асос ҳисобланган аниқ методология асосида аралашув ва ҳамкорликнинг мажмуавий механизмини ифодалайди. Яъни:

- мувофиқлаштириш;
- ГЗ жабрланувчиларига ёрдам/хизмат кўрсатиш;
- ГЗ ҳолатлари бўйича ҳисобдорлик ва қайта йўналтириш тизими;
- ГЗ ҳолатлари бўйича маълумотларни йиғиш, юбориш ва таҳлил қилиш;
- таълим дастурлари орқали хизмат кўрсатувчиларнинг салоҳиятини ошириш;
- ГЗ ҳолатларининг олдини олиш ва хабардорликни ошириш тадбирлари.

2.1.2. Гендер зўравонлик жабрланувчиларига асосий хизматлар мажмуи

 **Савол-жавоб:** *Сизнинг-ча жабрланувчиларга хизматлар тақдим этишда қандай тамойилларга асосланиб иш олиб бориш керак?*

 **Тренер тақдимоти.**

 **ГЗ жабрланувчилари билан, ногиронликни ҳисобга олган ҳолда, ишлаш тамойиллари**

Хизмат тақдим этувчилар ва ёрдамчи ходимлар ногиронлиги бўлган инсонга ҳамроҳлик қилаётган оила аъзоси ёки тарбиячиси билан эмас, балки НБХ/Қ билан бевосита гаплашиши керак. Хизмат тақдим этувчилар бундай ёрдамга муҳтож бўлган НБХ/Қ қарор қабул қилишида ёрдам беришлари керак. Қарор қабул қилишда васийларга таянишнинг ўрнига амалда НБХ/Қларнинг бевосита ўзларига мурожаат қилиш ва қуйида келтирилган тамойилларга риоя қилиш керак.

- **Хавфсизлик тамойили.** ГЗ ҳаёт учун хавфлидир. ГЗ ҳолатларида ўлимга олиб келадиган (қотиллик) ва ўз жонига қасд қилиш (суиқасд) эҳтимоли юқори. Шунинг учун ҳар қандай соҳа хизмат тақдим

этувчилари зўравонликка учраган ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг хавфсизлиги тамойилига асосланиб иш юритиши керак. Ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчиларини қабул қилиш учун зўравонлик содир этган шахс бўлмаган хавфсиз жой бўлиши керак.

- **Маҳфийлик (конфиденциаллик) тамойили.** Маҳфийликка риоя қилиш ГЗ жабрланувчисининг хавфсизлигини таъминлаш учун муҳим чора ҳисобланади. ГЗ жабрланувчиси тўғрисидаги ахборотнинг Маҳфийлиги фақат зарур ахборотни унинг розилиги билангина алмашишни ўз ичига олади. Маҳфийликнинг сақланиши ГЗ жабрланувчиси ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги натижасида ўзига таҳдид қилмаслигини, зўравонлик такрорланмаслигини кафолатлайди.

Ҳавфсизлик ва Маҳфийлик тамойили бўйича хизмат тақдим этувчиларга тавсиялар:

- Хизмат тақдим этувчилар НХҚларнинг Маҳфийлигини сақлашлари ва кафолатлашлари керак. Агар ногиронлиги бўлган шахс ҳамроҳ ёки васий билан келган бўлса, хизмат тақдим этувчилар ундан шахсий тарзда бевосита ўзи билан суҳбат қилиш/қилмаслик бўйича истагини сўрашлари керак.
- Маҳфийликни сақламасдан, хизматларни қабул қилиш пайтида ўз ҳамроҳини қўшилишини таклиф қилиши мумкин (ҳатто у 18 ёшдан каттароқ бўлса ҳам).
- Хизмат тақдим этувчилар ногиронлиги бўлган жабрланувчи учун таржима (масалан, сурдотаржима) қилиш зарурати туғилганда ҳам ҳамроҳларига таянмасликлари керак.
- Хизмат тақдим этувчилар жараёни ўта сезгирлик билан амалга оширишлари керак.
- НБХ/Қ хизмат жараёнини бошқариш имкониятига эга бўлиши керак.
- Васий ёки ҳамроҳидан ажралиш ҳолати НБХ/Қни хаяжон вазиятига солдириб қўйиши мумкинлигини ҳам ёдда сақлаш керак.
- Хизмат тақдим этувчилар, жабрланувчига ёрдам бериш жараёнида унинг шахсий маълумотларини маҳфийлигини тушунтиришлари лозим. Шу жумладан, керак бўлган вазиятларда, бошқа хизматларга қайта йўналтиришга мурожаат қилиш учун ногиронлиги бўлган жабрланувчидан қайси шахсий маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги бўйича рухсат олишлари керак.

Англанилган танлов/розилик тамойили бўйича хизмат тақдим этувчиларга тавсиялар

Ҳар қандай хатти-ҳаракат ГЗ жабрланувчисининг розилиги билангина ва онгли ёзма розилик олинганидан кейин амалга оширилиши керак.

Агар жабрланувчи инсон ақлий заифликдан азият чекса, ёки оғзаки мулоқот қилишда қийналса ҳам, бу унинг ўз розилигини бера олмаслигини англалмайди. Англанилган розиликни олиш жараёни мураккаб ва узоқ давом этиши мумкин бўлса-да, айниқса эшитишда нуқсонлари бўлган инсонларда, бу хизмат тақдим этувчиларни англанилган розиликни олиш мажбуриятдан озод қилмайди. Бундан ташқари, оила аъзолари ёки уни ҳимоя қилувчи ходимнинг фикридан қатъи назар, хизматни қабул қилувчи инсон/жабрланувчи ўзи англанилган розилигини бериши мумкин. Розилик исталган вақтда қайтариб олиниши мумкин.

Барча хизмат тақдим этувчилар, айниқса, тиббиёт ходимлари ҳар доим жабрланувчидан англанилган розилигини олишлари керак Агар шахс англанилган розилик беришга қодир эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинса, хизмат тақдим этувчилар англанилган келишувини олишга ҳаракат қилишлари керак, бу жабрланувчининг таклиф қилинган хизматлар ёки фаолиятда иштирок этишга тайёрлигини билдиради.

☞ Юқорида таърифланган ҳолларда (ақли заифлик ва бошқа) келтирилган тавсиялар асосида ишлаш лозим

☞ *Расмлар ва қўл имо-ишоралари ёки белгилар одам бирон бир фаолиятда иштирок этишни ёки хизмат қабул қилишини хошишини билиш учун ишлатилиши мумкин. Шунингдек, хизмат тақдим этувчилар қўзғалиш, ғазаб ёки қайғу белгиларини кузатишлари керак. Одатда улар одамнинг ҳозир муҳокама қилинаётган ёки содир бўлаётган нарсадан норози эканлигини кўрсатиши мумкин.*

- **ГЗ жабрланувчи эҳтиёжларининг устуворлиги.** ГЗ ҳодисаларга жавобан ҳаракатларни амалга оширишда ГЗ жабрланувчисининг хоҳиш-истаклари, ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳисобга олган ҳолда, жабрланувчининг ўз эҳтиёжларини аниқлай оладиган ва қарор қабул қила оладиган шарт-шароит яратишга йўналтирилган ёндашув жуда муҳим ҳисобланади. Хизматлар тақдим этувчилар ГЗ жабрланувчиларининг хавф остида эканлиги ва бошидан кечирган ҳодисанинг оқибатида заифлигини ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилишда уларни қўллаб-қувватлашлари керак бўлади.
- **Ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойили.** Хизмат тақдим этувчи ўзаро ишонч ва ҳурмат муносабатларини ўрнатиши зарур. Кўришда нуқсонлари бўлган НБХ/Қ сўхбатдош оҳанги орқали муносабатга ўта сезгир. Эшитиш нуқсонлари бўлган аёл-қизлар эса имо-ишора, қўз қараш ва қўл ҳаракатларига ўта эътиборли. Шунинг учун ички эмпатия билан ёндашган ҳолда самимий ҳурматни намойиш қилиш зарур. Ушбу талаб зўравонликдан жабрланган НБХ/Қларнинг махсус эҳтиёжлари ва ўзига хос вазияти билан боғлиқ бўлиб Маҳфийлик каби жиҳатларини ўз ичига олади, жабрланган аёлни/қизни ўзгартириш истагидан воз кечиш керак.
- **Баҳоламаслик тамойили.** Хизмат тақдим этувчилар зўравонликдан жабрланган НБХ/Қнинг ҳикоясини тўлиқ қабул қилиш, ҳаракатларни баҳоламаслик, ҳаракатларни танқид қилмаслик керак. Зўравонлик содир этувчи шахс билан қандай курашиш ҳақида тўғридан-тўғри маслаҳат бериш эмас, балки ёрдам таклиф қилиш керак.
- **Комплекс таҳлил ва комплекс ёрдам тамойили.** Хизмат тақдим этувчи муаммони аниқлаш ва идоралараро ўзаро алоқада ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқиш учун ГЗ жабрланувчисидан олинган барча маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиши керак.
- **Таълим фаолияти тамойили.** Таълим фаолияти зўравонликдан жабрланган НБХ/Қларга, уларни парваришлайдиган яқинларига ва умуман жамиятга қаратилган бўлиши керак. Бу таълим фаолияти НБХ/Қнинг шахсий ривожланишга, яқинларининг эса зўравонлик оқибатларини тушунишларига, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим.
- **ГЗ жабранувчиси томонидан мустақил қарор қабул қилиш тамойили** барча хизмат тақдим этувчиларнинг асосий ёндашувига айланиши керак. Зўравонликдан жабрланган НБХ/Қга муайян ҳаракатларни амалга оширишларига мажбурлаш эмас, балки мавжуд турли хил ҳаракатлар вариантлари ва хатти-ҳаракатларнинг имкониятларини аниқлаши, танланган усулларни амалга оширишда ёрдам бериш мумкин, масалан, ички ишларга мурожаат қилиш ёки судларга ҳамроҳлик қилиш. Танлов ва қарор қабул қилиш зўравонликдан жабрланган НБХ/Қларнинг ўзларига топширилади.
- **Камситмаслик тамойили.** Ёши, ирқи, миллати, келиб чиқиши, дини, жинси, яшаш жойи, лаёқатсизлиги, оилавий ҳолати, таълим ва ижтимоий-иқтисодий мақомидан қатъи назар, ГЗни бошдан кечирган барча жабрланувчилар тенгдирлар, уларга тенг муносабат кўрсатилишига ва ижтимоий хизматлардан тенг фойдаланиш имкониятига эгалар.

Тақдимот бўйичак савол-жавоб

- ☞ Савол: *Юқорида келтирилган тамойилларга риоя қилмаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?*

ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этувчилар тушунчаси

Тренер тақдимоти.

ГЗ ва таъйиқ жабрланувчисига қонунда белгиланган ёки касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган аниқ мақсадли ёрдам кўрсатувчи давлат ва нодавлат, жамоат ташкилотлари ҳамда махсус малакага эга бўлган мутахассислардир. Уларнинг хизматлари жабрланувчига гендер зўравонликдан жабрланганлиги натижасида юзага келган эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилади. Хизматлар

беғараз (давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан) ва пулли шаклларда (нодавлат, хусусий ташкилотлар томонидан) кўрсатилиб, жабрланувчининг ўз ихтиёрига асосан таклиф қилиниши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчилар

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчилар – гендер зўравонлик жабрланувчиларига ҳуқуқий хизмат тақдим қилувчи давлат/ҳукумат хизматчиси, прокуратура, ички ишлар органларининг ходими, ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчи, суд маъмурияти, адвокат, адвокат ёрдамчиси, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқшунослари.

Тиббий хизмат тақдим этувчилар

Мунтазам равишда тиббий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахс. Индивидуал тиббий хизмат кўрсатувчи тиббиёт, тиббий-санитар ходими ёки бошқа соғлиқни сақлаш бўйича мутахассис ёки соғлиқни сақлаш масалалари борасида малакага эга бирон бир ўқитилган шахс бўлиши мумкин. Тиббий хизматлар тақдим этувчи муассасаларга шифохоналар, клиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, Репродуктив саломатлик маркази, перинатал марказлар, акушерлик ва гинекология, травматология, шошилинич тиббий ёрдам марказлари ва бошқа хизмат кўрсатиш пунктларидан киради. Бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатувчилар таркибига тиббиёт ҳамширалари, акушер аёллар, умумий амалиёт врачлари ва бошқа мутахассислар киради. [ЖССТнинг клиник ва сиёсий тавсиялари глоссарийидаги таърифлар].

Ижтимоий хизмат тақдим этувчилар

Аёлларга ва қизларга нисбатан зўравонликка жавоб чораларни таъминловчи ижтимоий хизмат тақдим этувчилар хизматлари зўравонликдан жабрланган шахсга йўналтирилган ўзига хос характерга эга. Бундай хизматлар аёллар ва қизларни зўравонликдан тикланиши учун, уларни имкониятларни кенгайтириш, зўравонликни қайта содир этилмаслиги, ва, айрим ҳолларда, зўравонликка нисбатан муносабатни ва зўравонликни идрок қилишни ўзгартириш мақсадида жамият ёки ҳамжамиятнинг маълум гуруҳларнинг хабардорлигини оширилиши учун маъул ташкилот ва муассасалар.

Психологик хизмат тақдим этувчилар

Амалий психология соҳасида махсус тайёргарлик (ихтисослик)ка эга бўлган ва мунтазам равишда психологик хизматлар тақдим этувчи жисмоний шахс ёки муассаса. Психолог-маслаҳатчи, психотерапевт ёки инқирозли вазиятларда хотин-қизларга ёрдам бериш масалаларида малакага эга бўлган бирон бир махсус ўқитилган шахс яқка тартибдаги психологик хизмат тақдим этувчи бўлиши мумкин.

Зўравонликдан жабрланган аёллар учун реабилитация маркази

Реабилитация ёки Инқироз марказлари - оғир ҳаётий вазиятда бўлган хотин-қизларга (ва уларнинг фарзандларига), шу жумладан, ГЗнинг турли шакллардан жабрланганлар ёки зўравонлик таҳдиди остида хавфи юқори бўлган шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга мўлжалланган давлат, нодавлат ноижорат ташкилотлари ёки хусусий муассасалар.

Шелтер/бошпана – ГЗнинг барча кўринишларидан қутулмоқчи бўлган хотин-қизларнинг (уларнинг фарзандларини) ҳимоялаш мақсадида кўпинча давлат муассасалари ёки ННТ негизида ташкил этилган вақтинчалик яшаш жойи.

ГЗдан жабрланган НХҚларга хизмат тақдим этувчи ташкилотлар рўйхати/маълумотлар базасини шакллантириш

Кичик гуруҳларда ишлаш

Иштирокчиларни тўртта кичик гуруҳга бирлаштиринг ва 4 йўналиш бўйича топшириқ беринг.

Топшириқ: Ўз йўналишингиз бўйича ташкилотларнинг номларини, ҳуқуқий шаклини ва ушбу ташкилот/муассаса тақдим этиши мумкин бўлган хизматларини жадвалга киритинг.

№	Хизмат тақдим этувчининг йўналиши	Ҳуқуқий шакли	Хизматлар тури
---	-----------------------------------	---------------	----------------

Тренер диққатига. Иштирокчиларга маълумотлар базаси тўлиқ бўлиши учун яна қандай маълумотларни киритиш лозим эканлиги ҳақида сўранг ва қуйидаги жадвал шаклини маълумотлар базаси сифатида қўллашларини тавсия қилинг.

№	Хизмат тақдим этувчининг йўналиши	Ҳуқуқий шакли	Хизматлар тури	Манзил, алоқа
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари				
1.1	Ички ишлар органлари	Давлат органи	Ҳимоя ордерини бериш, тергов ишларини олиб бориш, профилактика ишлари	
1.2	Прокуратура	Давлат органи	Жиноий ишларни кўриб чиқиш, судда ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, суд қарорларини ижросини назорати	
1.3	Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар	Суд тизими	Қонуний ҳуқуқларни таъминлаш, ҳуқуқларни таъминлашга оид қарорлар чиқариш.	
1.4	Адвокатлар/юристарлар	Хусусий	Судда ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маслаҳат, ҳужжатларни тиклаш	
Тиббиёт хизматлари				
2.1	Оилавий поликлиника/ Қишлоқ врачлик пункти	Давлат органи	Маслаҳат ва даволаш хизматлари, патронаж кузатув, акушер-гинекологик, травматологик, хирургик ёрдам	
2.2	Тиббиёт бирлашмалари	Давлат органи	Тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан акушер-гинекологик, травматологик, хирургик ёрдам	
2.3	Суд-тиббиёт экспертизаси	Давлат органи	Зўравонлик ҳодисаси аломатлари бўйича тиббий хулосалар бериш.	
2.4	Тез ёрдам хизматлари	Давлат органи	Жабрланувчига биринчи тиббий ёрдам, акушер-гинекологик, травматологик, хирургик ёрдам кўрсатиш.	
2.5	Хусусий тиббиёт клиникалар /лабораториялар	Хусусий	Биринчи тиббий хизмат кўрсатиш, даволаш, акушер-гинекологик, травматологик, хирургик ёрдам, лаборатор таҳлиллар ўтказиш.	
Ижтимоий хизмат				
3.1	Ижтимоий ҳимоя Агентлиги	Давлат органи	Моддий-молиявий ёрдам олишга ҳужжат расмийлаштириш ва олишга кўмаклашиш, ҳужжатларни тиклаш, болаларга таалуқли	

			хизматлар, кайта йўналтириш, иш билан таъминланиши бўйича чоралар кўриш.	
3.2	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар қўмитаси	Давлат органи	Касбга ва кайта касбга тайёрлаш, иш ўринлар тақлиф қилиш, ишга жойлашишга кўмаклашиш. Жабрланувчининг оиласи билан зўравоник ҳолатларини олдини олиш бўйича ишлаш.	
3.3	Ҳокимликлар (шаҳар/туман)	Давлат органи	Худудда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг эҳтиёжманд гуруҳларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш.	
3.4	Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари (МФЙ)	ННТ	Ижтимоий хизматлар ҳақида маълумотлар, оилавий низоларда медиация, моддий ёрдам, қайта йўналтириш, болалар учун хизматлар, вакиллик қилиш.	
3.5	Давлат ва нодавлат ташкилотлар негизида реабилитация, инқироз марказлари	Давлат органи/ ННТ	Инқирознинг юқори даражадаги вазиятларга тушган инсонларга бошпана, моддий ёрдам, мутахассисларнинг хизматлари.	
3.6	ННТ ва улар негизида Инқироз марказлар (бошпаналар)	Жамоат бирлашм алари	Реинтеграция дастурлар (ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий, психологик консультациялар), ташкилотларда вакиллик қилиш, маълумот тақдим этиш, қайта йўналтириш, вақтинчалик бошпана хизматлари, болалар учун хизматлар.	
Психологик хизмат				
4.1	Давлат ташкилотлар негизида (реабилитация марказлари)	Давлат органи/ ННТ	Психологик консультациялар, психологик диагностика, ишонч телефонлари, он-лайн консультатив хизматлар, ўзаро ёрдам гуруҳлари.	
4.2	ННТ ва улар негизида Инқироз марказлар (бошпаналар)	Жамоат бирлашм алари	Психологик консультациялар, психологик диагностика, ишонч телефонлари, он-лайн хизматлар, медиация хизматлари	
4.3	Хусусий психологик марказлар/хизматлар	Хусусий	Психологик консультациялар, психологик диагностика, ишонч телефонлари, он-лайн психологик хизматлар, психологнинг терапевтик сессиялари (психотерапия), қўллаб-қувватлаш гуруҳлари, гуруҳий терапия, психологик тренинглари.	
4.4	Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи мутахассислар	Якка тартиб. Тадбирк.		

Савол: *Мавзу фойдали бўлдими? Олинган маълумот сизнинг фаолиятингизда қандай ёрдам беради?*

2.2. Мавзу: ГЗ жабрланувчиларига СОТлар асосида хизматлар мажмуи	
Умумий вақт: 4 соат	
Вазифалар	<p>2.2.1. ГЗга жавобан идоралараро чораларининг стандарт операцион иш тартиблари (СОТ)</p> <ul style="list-style-type: none"> • СОТларнинг жорий қилиниши муҳимлигини муҳокама қилиш. • СОТ мақсадлари билан таништириш. • ГЗ ҳолатига жавобан идоралараро мувофиқлаштирилган хизматлар тақдим этиш бўйича амалий машқ бажариш. <p>2.2.2. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида соғлиқни сақлаш хизматлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Зўравонликдан жабрланган ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари ва тиббий хизматлар тақдим этишда ҳаракатлар кетма-кетлигини ўрганиш. • ГЗ га жавобан амалга ошириладиган асосий тиббий хизматлар бўйича СОТ қоидалари ва талаблари билан танишиш. • Тезликда қўллаб-қувватлаш/шошилиш ёрдам бўйича тавсиялар бериш. <p>2.2.3. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ижтимоий-психологик хизматлар.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ногиронлик нуқтаи назаридан ГЗ ҳолатларига жавобан ижтимоий-психологик хизмат тақдим этувчиларнинг ҳаракатлари кетма-кетлиги билан танишиш. • ГЗдан жабрланган ногиронлиги бўлган хотин-қизлар учун асосий ижтимоий-психологик хизматлар тавсифини ўрганиш. <p>2.2.4. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хизматлари.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ногиронлик нуқтаи назаридан ГЗ ҳолатларига жавобан ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчиларнинг ҳаракатлар кетма-кетлигини ўрганиш. • ГЗдан жабрланган НБХ/Қлар учун асосий ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари тавсифини ўрганиш. • ГЗдан жабрланган НБХ/Қлар билан мулоқот давомида вужудга келадиган мулоқот тўсиқларни бартараф этиш. Коммуникация тўсиқларини аниқлаш бўйича машқ бажариш.
Усуллар	<ul style="list-style-type: none"> • Кичик гуруҳларда иш. • Мини-маъруза. • Умумий мунозара. • “Ақлий хужум”. • Кейс билан ишлаш.
Зарур ресурслар	<ul style="list-style-type: none"> • Соҳалар бўйича СОТлар. • Мулоқот тўсиқларини таҳлил қилиш учун кейс.

2.2.1. Стандарт операцион иш тартиблари

Мини-маъруза

ГЗга идоралараро жавобан чоралар сифатида хизматларнинг миллий стандарт операцион иш тартиблари ишлаб чиқилган. “Стандарт операцион иш тартиблари” (СОТ) - барча хизмат тақдим этувчиларни стандартлашган ҳаракатлар алгоритмини ўз ичига олган ҳужжат ҳисобланади.

СОТ гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчиларга хизмат тақдим этувчиларнинг ўзаро боғлиқ ва изчил ҳаракатларининг аниқ ва батафсил тавсифини беради.

COT – у ёки бу ишни бажаришда ходимлар қатъи риоя қилиши лозим бўлган босқичма-босқич кўрсатмалардан иборат ҳужжат бўлиб, жабрланувчиларга турли соҳа хизматларининг келишилганлигини, аниқлигини ва сифатини таъминлаб беради.

COTларни жорий этишнинг муҳимлиги

- Ходимлар ўз вазифаларини аниқ билиши ва бажариши, натижадорлик (SMART-management)ни таъминланишида.
- Хизматлар эҳтиёжларга асосланишида.
- Зарур чора-тадбирлар бўйича қарор қабул қилишга асос бўлувчи ягона маълумотлар базасининг шаклланишида.
- Сифатли, малакали ва мажмуавий хизмат тақдим этилишида.
- Барча маблағлар ва ресурсларни мақсадли ва манзилли сарфланишида.
- Идоралараро интеграция (турли хизматлар умумий хизматлар мажмуасига киритилиши)
- Жабрланувчининг реинтеграцияси самарали яқунланишида.
- Заиф гуруҳларда сурункали вазиятдаги шахслар сонининг камайиши таъминланишида.

Стандарт операцион иш тартибларининг мақсади ва жараёнлари

COTларнинг мақсади: ГЗдан жабрланганларга хизмат тақдим этувчиларнинг *ўзаро боғлиқ ва изчил ҳаракатларининг аниқ ва батафсил тавсифини* бериш.

Стандарт операцион иш тартиблари қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

Идентификация (Аниқлаш). Хотин-қизда аниқ ва/ёки яширин гендер зўравонлик аломатларини кузатиш, билиш орқали, унинг зўравонлик қайси турини ва қай даражада бошидан ўтказганлигини тасдиқлаш жараёни.

Баҳолаш. ГЗ жабрланувчиси вазиятига таъсир кўрсатадиган ижтимоий, оилавий ёки шахсий ҳолатни тушуниш учун потенциал/*мавжуд хавф омилларини*, эҳтиёжлар ва ресурсларни баҳолаш. Зўравонлик турлари, ГЗ жабрланувчиси оила аъзолари билан муносабатлар, уни жамиятга интеграциялаш, ГЗ жабрланувчиси томонидан муаммоларини тушуниши ва ҳал қилиш механизми, иқтисодий оқибатлар баҳолаши керак. Бу қадам, агар зарур бўлса, ҳолатни бошқариш бўйича хизматларга ёки бошқа хизмат кўрсатувчиларга жўнатишга хабардор этиб розилик олишни ўз ичига олиши керак.

Хизматлар тақдим этиш/ёрдам кўрсатиш. Зўравонликдан жабрланган НБХ/Қни ушбу ҳолатдан чиқиб кетиши учун режа асосида ёрдам бериш. Режада - натижалар, ҳаракатлар режаси, усуллар ва муддатлар келтирилади, шунингдек, қўйилган мақсадларга ёки кутилаётган натижаларга эришиш учун зарур хизмат турлари ва ресурслар белгиланади. Айнан шу вақтда қайта йўналтириш ҳам режалаштирилади.

Ҳужжатлаштириш. ГЗга идоралараро жавоб қайтариш тизимидаги ҳужжатлаштириш функцияси зўравонлик ҳолатини рўйхатга олиш жараёнининг ўзигина эмас, балки бу ГЗ ҳолатини таҳлил қилишга, жамиятдаги мавжуд ГЗ тенденциялари ва шаклларини аниқлашга ва сиёсий қарорларни ишончли маълумотлар билан таъминлашга ёрдам берадиган барча мавжуд маълумотларни ўз ичига олган батафсил тузилган тўпламдир. Ҳар бир ГЗ ҳолати барча хизмат кўрсатувчилар томонидан ҳужжатлаштирилган бўлиши шарт. Ҳужжатлар, агар ГЗ ҳодисаси тарихи ҳужжатлаштирилмаган бўлса, ҳеч бўлмаганда ГЗ ҳодисаси ҳақидаги энг сўнгги маълумотларнинг тўлиқ шарҳини тақдим этиши керак.

ГЗ ҳолатларининг ҳужжатлаштирилиши стандарт шакллар, қўлда ёзилган эслатмалар, жадваллар, фотосуратлар, қоғоз регистрлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Ҳар бир ГЗ ҳолати ҳақидаги керакли маълумотларни тўплаш ва уларни маълумотлар базасига киритиш қуйидагича амалга оширилади: а) ГЗ ҳолатларини назорат қилиш ва баҳолаш учун маълумотлар

яратиш; б) маълум бир соҳа бўйича ошкор қилинган ҳолатлар тўғрисида аниқ тушунча бериш; с) ГЗга идоралараро жавоб қайтаришнинг ишлашини баҳолашга ёрдам бериш. ГЗ ҳолатини ҳужжатлаштириш, барча хизмат кўрсатувчилар ўртасида, умумий маълумотларнинг ишончилиги боғлиқ бўлган маълумотлар тўплами воситаларнинг келишилган ягона методологиясига мувофиқ амалга оширилади.

Қайта йўналтириш. Ушбу функция ГЗга учраган жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича хизматларни пухта ўйланган ҳолда ташкил этиш/мувофиқлаштиришдан иборат, бунда хизматлардан фойдаланишни енгиллаштириш учун икки ёки ундан кўп хизмат кўрсатувчилар томонидан кўрсатилади (ГЗга учраган жабрланувчини қарор қабул қилиш жараёнига жалб қилган ҳолда). Ёрдам кўрсатиш мақсадида хизмат кўрсатишнинг мувофиқлаштирилиши мутахассисларни ва чораларининг барча тегишли ҳаракатларини бажариш учун зарур бошқа ресурсларни пухта ўйлаб жалб қилишга кўмаклашади. Бу жабрланувчининг зўравонлик вазиятидан чиқиш режасини амалга оширишда иштирок этувчи хизмат кўрсатувчилар ўртасида мунтазам ахборот алмашиш орқали таъминланиши мумкин.

ГЗ ҳолатига жавобан идоралараро мувофиқлаштирилган хизматлар тақдим этиш бўйича амалий машқ

 **Кичик гуруҳларда ишлаш.**

1-2-гуруҳлар “Насиба” кейси бўйича.

3-4-гуруҳлар “Умида” кейси бўйича.

 **Топшириқ:** Кейсни ўрганиб Насиба/Умидага қайси ташкилотлар/идоралар хизмат тақдим қилиши керак эканлигини аниқланг СОТларга мувофиқ ҳаракатлар кетма-кетлигини, ташкилот ва муассасаларнинг ваколати доирасидаги хизматлар мажмуини ёзинг.

Насиба

Насиба 38 ёш. Болалиқдан туғма ногиронлиги бор. Ёшлигидан отасиз ёлғиз она қўлида катта бўлган. Насиба ҳамма қизлар қатори севиш ва севилишни, оила қуриб фарзандли бўлишни орзу қиларди. Шундай кунларнинг бирида Насиба бўлажак турмуш ўртоғи билан танишиб қолди. Улар бир неча йил бир-бирини синаб, учрашиб юришди ва оила қуришга қарор қилишди. Аммо бўлажак турмуш ўртоғи, Насибанинг ногиронлиги бўлганлиги сабабли, аввал ота-онасини хизматларини қилиш учун бошқа қиз билан оила қуришини, кейин эса Насибани никоҳига олишини айтди. Насиба бу шартга рози бўлди. Улар келишилгандек оила қуришди. Вақт ўтиб турмуш ўртоғининг биринчи аёли фарзандли бўлди, аммо Насиба ҳали-ҳамон ҳомиладор бўлолмади. Бу ҳолат уни руҳан эзилишга олиб келарди. Кунлар ўтиб Насиба ҳам ҳомиладор бўлди. Бу уни жудаям хурсанд ва бахтли қилди, аммо кўп вақт ўтмасдан бўлажак фарзанди нобуд бўлди. Бу ҳодисадан Насиба яна тушкун ҳолатга тушиб қолди, лекин умид қилишдан тўхтамади.

Бир мунча вақт ўтиб Насиба яна ҳомиладор бўлди ва у бундан жуда хурсанд эди, аммо яна хурсандчилиги узоққа бормади, у яна фарзандини йўқотди. Насиба умидини узмай фарзандлик бўлишга ҳаракат қиларди, лекин барча ҳаракатлари бесамак бўлаверди. Охир-оқибат тажрибали шифокор топиб ўзини кўрсатганида шифокор унга қон таҳлилларида ҳомиладор бўлмаслик учун ичиладиган дори воситаси чиққанини айтади, Насиба ҳайрон қолади ва шифокорга фақат витамин дори ичишини маълум қилади. Шифокор ўша дорини олиб келишини сўрайди Насиба олиб келиб шифокорга кўрсатади, дори текширилганда шифокор айтганидек, ҳомиладор бўлмаслик учун ичиладиган дори бўлиб чиқади. Шифокор ким тавсия қилганини сўраганда Насиба эри тавсия қилганини, шу витамин ҳомиладор бўлиши учун ёрдам беришини айтган. Дорини бир мунча муддат қабул қилиш натижасида Насиба ҳомиладор бўлолмади ҳолатига келган.

Умида

Умида 41 ёш. Болалиқдан туғма ногиронлиги бор. Оилада уч фарзанд - 2 ўғил ва 1 қиз. Оилавий муҳити носоғлом, чунки Умидани ногирон туғилганини билган отаси спиртли ичимликлар ичишга ружу қўйди. Ичкилик оқибатиданми Умида саккиз ёшга тўлгандан кейин отаси уни ҳақоратли сўзлар билан камситиш орқали руҳий ва жинсий зўравонлик содир этадиган бўлди. Онаси уйда бўлган кунлари доим онасини ёнида юриб, қарамоғида бўлар, лекин онаси ишда кунлари жинсий зўравонлик тез-тез такрорланиб турарди. Бу ҳолатни гувоҳи бўлган акаси ҳам Умида балоғат ёшига етганда онаси уйда йўқлигида зўрлаган. Баъзи ҳолларда Умидани кийимсиз ҳолатда ховлидаги сўрига боғлаб зўрлаган. Бу жараёнга Умидани укаси ҳам қўшилган ва бу ҳолат тез-тез такрорланиб келган. Оиладаги носоғлом муҳитга кўникиб қолганиданми мактабда синфдошлари тегажоглик қилишса ҳам қаршилиқ қилмасди.

Умида юқоридаги ҳодисалар ҳақида ҳеч кимга мурожаат қилмаган, лекин кўнгли вайрон, дили ўксиган ҳолда кўп йиллар давомида яшагани учун умумий жисмоний ва руҳий ҳолати ҳам ёмонлашиб бормоқда. Баъзида хотиралари уни руҳини чўқтиргани оқибатида, Умида ҳаммасини батамом унутиш, ўз жонига қасд қилишни ҳам ўйлаб қолади.



Кичик гуруҳлардаги иш натижаларининг тақдими ва муҳокамаси.



Тренер диққатига. Тақдиротларда СОТлар асосида ҳаракатлар кетма-кетлиги қўлланилган ёки қўлланилмаганига, турли ваколатли ташкилот ва муассасаларнинг қандай хизматлари кўрсатилганига эътибор қаратган ҳолда кейинги мавзуларга ўтинг.

2.2.2. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида тиббий хизматлари



Умумий муҳокама.

Савол: Сизнинг-ча, тиббий хизматлар кетма-кетлиги қандай бўлиши керак ва нима учун?



Тренер тақдими



Иштирокчиларнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда ҳаракатлар алгоритмини тақдим этинг

Ҳаракатлар алгоритми

Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ ҳолатларида тиббий хизматлар кўрсатишда ҳаракатлар алгоритми қуйидагилардан иборат.

1) Аниқлаш

Тиббиёт ходимлари НБХ/Қга нисбатан ГЗ ҳолатларини аниқлашлари мумкин:

- ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий патронаж қилиш орқали;
- скрининг пайтида;
- профилактик тиббий кўрикдан ўтказиш вақтида;
- ГЗ жабрланувчиси дастлабки ёки такрорий текширув вақтида бевосита тиббий ташкилотга мурожаат қилганда;
- мурожаат пайтида ҳиссий, жисмоний шикоятларга дарҳол жавоб бериш орқали;
- НБХ/Қда психосоматик касалликларнинг ривожланиш сабабларини таҳлил қилиш орқали.

2) Баҳолаш

ГЗ ҳолати аниқлагандан сўнг, тиббиёт ходими баҳолаш саволномасига (4.2. ва 4.3. илова) мувофиқ зўравонлик ҳолати мавжудлигини ва ГЗнинг хавф даражасини аниқлайди. Зўравонлик ҳолатини баҳолаш мутахассислар билан биргаликда амалга оширилади: шифокорлар, ижтимоий ходим, психолог (эктиёж бўлганда жабрланувчига бириктирилган) ва сурдо таржимон ёрдамида.

3) Хизмат тақдим этиш

Тиббий хизматлар тақдим этишда ҳаракатлар алгоритми қуйидагича?

1. Зўравонлик ҳолати мавжудлигини баҳолагандан сўнг, тиббиёт ходими беморга нисбатан зўравонликнинг тахмин қилинган / гумон қилинган ҳолатлари учун сигнал варақасини (4.4.-илова) тўлдиради.
2. Сигнал варақаси психологга, реабилитация марказининг ижтимоий ходимига ва/ёки МФЙ аёллар фаолига жабрланувчига ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш учун топширилади.
3. Зўравонликка учраган ногиронлиги бўлган қиз/аёлнинг аҳволини ҳолатни тиббий баҳолашдан сўнг, қоидаларга мувофиқ суҳбат ўтказилиши керак (4.1. илова).
4. Тиббиёт ходими 4.5. иловага мувофиқ, айниқса жинсий зўравонлик ҳолатларида ЖССТ тавсияларининг умумий тамойилларига (2013 йил) риоя қилган ҳолда, тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказди ("бошдан оёқ").
5. Мурожаат қилувчининг розилиги билан ёки розилигисиз, ногиронлиги бўлган гендер зўравонликдан жабрланувчининг соғлиғи ва ҳаётига таҳдид мавжуд бўлса, тиббиёт ходими ушбу ҳолат бўйича 102 хизматига хабар беради.
6. Тиббий кўрик ва тезкор/шошилиш тиббий ёрдам кўрсатилгандан сўнг, тиббиёт ходими даволаш тактикасини амбулатор ёки стационар тарзда, зўравонликни бошдан кечирган ногиронлиги бўлган шахснинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, белгилайди. Шۇ билан бирга тиббиёт ходими ГЗ ҳолати ҳақида:
 - тиббиёт муассасаси раҳбари;
 - поликлиника психологи ва ижтимоий ходими;
 - мутасадди ташкилотлар ходимларини хабардор қилади.
7. Амбулатор шароитда тўлиқ тиббий кўрик қуйидаги мақсадларда ўтказилади:
 - тиббий ёрдам талаб қиладиган жисмоний шикастланишларни аниқлаш, жароҳатларни даволаш ва шошилиш тиббий масалаларни ҳал қилиш;
 - жинсий зўравонликдан азият чикан НБХ/Қларга ғамхўрлик қилиш (шу жумладан, муурожаат қилган шахснинг анланган розилиги билан исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун шошилиш контрацепция воситаларидан фойдаланиш, ОИВ ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган касалликлар бўйича алоқадан кейинги профилактика ва тиббий аборт хизматлари
 - ногиронлиги бўлган жабрланувчининг психо-эмоционал ҳолатни баҳолаш ва кейинги шошилиш, инқирозли психотерапия ва ижтимоий ёрдам учун психологлар ва ижтимоий ходимларга юбориш;
 - зўравонлик фактини суд-тиббий экспертиза учун ҳужжатлаштириш.
8. ГЗ дучор бўлган НБХ/Қларга ижтимоий-тиббий ва ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш бўйича индивидуал чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.
9. Соғлиқни сақлаш хизматлари НБХ/Қларнинг ўзига хос эҳтиёжларига мослаштирилиши керак. Ҳар бир НБХ/Қнинг мобил телефонида "Даму Мед" ("Менинг кўзим бўл", "Менинг қулоғим бўл") иловаси ва геолокацияга эга QR -код – бу тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини оширади ва зўравонликни ўз вақтида аниқлаш имконини беради.

ГЗни бошдан кечирган НБХ/Қларга тиббий хизмат кўрсатиш қоидалари

1. Ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари ва тиббиёт ходимлари зўравонлик ҳаракатларининг жисмоний, психологик-руҳий ва эмоционал оқибатларини бартараф этиш учун ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчиларини кўриқдан ўтказиш ва парвариш қилиш учун тегишли асбоб жиҳозлар билан таъминланиши керак. Тиббиёт ходимлари ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчиларини аниқлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, ГЗнинг жароҳатлари ва соғлиққа зарарли оқибатлари юзасидан тегишли

тиббий ёрдамга, шу жумладан, жинсий зўравонликдан кейин жинсий йўл билан юқадиган инфекцияларнинг олдини олиш ва шошилиш контрацепцияни ўтказиш бўйича малакалари бўлиши керак.

2. НБХ/Қларни эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш жадваллари қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:
 - ўзоқроқ қабул қилиш вақти;
 - иш вақтидан ташқари қабул қилиш;
 - қабул қилишнинг махсус вақти;
 - бир нечта мутахассислар томонидан биргаликда қабул қилиш.
3. НБХ/Қларнинг танлови ва эҳтиёжлари ҳурмат қилиниши керак. Мурожаат қилган шахснинг розилиги билан оила аъзоси ёки уни парваришлайдиган шахс билан эмас, балки тўғридан-тўғри ГЗ жабрланувчиси билан гаплашиш лозим.
4. Жисмоний НБХ/Қ тиббий кўриқдан ўтиши керак бўлганда, кўриқдан ўтиш вақтида уларга танани текшириш ўриндиғида тўғри жойлашишга ёрдам бериш керак.
5. Хизмат олувчи НБХ/Қнинг Маҳфийлиги кафолатланиши керак. Инқироз марказининг манзилини ошкор этмаслик керак, агар мурожаат қилган шахс у ерга юбориладиган бўлса, унинг розилиги олинган ҳолда бўлса, уй манзили ва телефон рақамига хабар юбормаслиги керак.
6. НБХ/Қдан бошқа хизматларни олиш учун шахсий маълумотларни ўзатиш учун керак бўлганда рухсат олиш керак.
7. Жабрланган НБХ/Қларига, агар уларда бирон бир савол, зўравонлик билан боғлиқ асоратлар ёки бошқа тиббий муаммолар бўлса, ногиронлиги билан боғлиқ чекловларини ҳисобга олган ҳолда хабар қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда (масалан, эшитиш ва гапиришда нуқсонлари бўлган НБХ/Қларга СМС орқали ёки ижтимоий тармоқлар орқали ёзма мурожаат қилишлари ва ш.к.), исталган вақтда қўнғироқ қилишлари, соғлиқни сақлаш муассасасига, келиш имконияти бўлса, келишлари мумкинлиги ҳақида хабар бериш керак.
8. Маслаҳат учун алоҳида хонани таклиф қилиш керак. Алоҳида хона бўлмаса, хонанинг қисмлари изоляция қилинган ҳолда ишлатилиши керак.
9. Самарали мулоқот ва хизматларни тақдим этиш учун тегишли равишда қўйидаги мавжуд шакллардан фойдаланиш керак:
 - Брайл ёзуви;
 - катта ҳажмдаги нашр;
 - товуш баландлиги, аниқлиги;
 - мнемокарталар;
 - афзал қилинган жинсдаги таржимон ёрдамида имо-ишора тили;
 - соддалаштирилган шакллар (масалан, оддий тил, кўргазмали кўлланмалар);
10. ГЗ жабрланган НБХ/Қнинг розилигисиз, оила аъзоси ёки васийдан таржимон сифатида фойдаланмаслик керак.
11. Ўқитилган тиббиёт ходимлари қўйидаги ресурсларга эга бўлиши керак:
 - кўрик учун стол мавжуд бўлмаганда кўриқдан ўтиш имкониятини таъминлаш бўйича воситалар;
 - кўрик пайтида сурдо таржимонлар учун асосий саволлар ва кўрсатмалар рўйхати, жинсий зўравонликнинг мумкин бўлган суд-тиббий экспертизаси;
 - тушунарли тил ва мулоқот шаклида (жинсий зўравонликдан азият чиккан ногиронлиги бор шахсни текширишда) тушунтиришга оид кўргазмали воситалар.
 - кўришда нуқсонли бўлган ГЗ жабрланувчиларини текшириш хонасига киришда қандай йўналтириш бўйича кўрсатмалар.

Ақлий ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчисини тиббий баҳолаш бўйича ҳаракатлар алгоритми (Вандербильт университети)

1. Ногиронлиги бор шахс лаёқатлилигини аниқланг, уларнинг мулоқот услубини яхшироқ тушуниш учун оила аъзоларини ёки ишончли дўстларини, ёки парваришловчиларни жалб қилинг; амалдаги барча қонуний ва ахлоқий тартиб ва стандартларга риоя қилинг.
2. **Эсда тутинг!** Маълумотга асосланган розиликни тўлдиришда: розилик ихтиёрий равишда берилиши, таклиф қилинаётган даволаш ёки парвариш билан боғлиқ ва анланган бўлиши керак.
3. Агар жабрланган НБХ/Қ ўз розилигини бера олмаса ва қарор қабул қила олмаса, қарор қабул қилиши мумкин бўлган шахсни аниқланг турмуш ўртоғига (агар қонуний равишда ажрашмаган бўлса), вояга етган фарзандига, ота-онасига, вояга етган ака-укасига/опа-синглисига/руҳий ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчисига алоҳида ғамхўрлик ва парвариш кўрсатадиган қариндошларига устуворлик берилади. Бироқ, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари биринчи навбатда тегишли юрисдикциядаги ҳуқуқий ва ахлоқий талаблар билан танишиб чиқишлари керак.
4. Ақлий ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчиси ўзининг анланган розилигини бера олмаса ҳам, соғлиқни сақлаш ходимлари ГЗ жабрланувчиси қарор қабул қилиш жараёнида максимал даражада иштирок этишини ва унинг манфаатлари ҳамда афзалликларига устувор аҳамият берилишини таъминлаши керак.

4) Далилларни йиғиш

ГЗ жабрланувчиси бўлган ногиронлиги бўлган шахсларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, клиник ва эксперт намуналари далил сифатида фақат тиббиёт ходими томонидан тўпланиши керак. Тиббиёт ходимлари стандарт ва протоколларга мувофиқ далилларни тўплаш усуллари бўйича махсус ўқитилган, бундай тартиб-тамоийилларни бажариш ваколатига эга бўлиши керак.

Далилларни тўплаш учун зарур маълумотлар

Зўравонлик ҳодисаси ҳақида маълумот:

- тажовузнинг санаси, вақти ва жойи, шу жумладан, ҳужум содир бўлган сирт турининг тавсифи;
- тажовузкор/зўравоннинг исми, шахси;
- зўравонликнинг табиати ва зўравонлик фактининг батафсил тавсифи;
- қурол ва ҳаракатни чекловчи воситалардан фойдаланиш;
- доривор моддалар/гиёҳванд моддалар/алкогол/ингалянтлардан фойдаланиш;
- кийимлар қандай ечиб ташланган (жинсий зўравонлик ҳодисасида).

Кўрик давомидаги тартиб-тамоийилар:

- жабрланганга ҳар қандай савол бериш имкониятини беринг;
- агар зўравонлик жабрланувчиси хоҳласа, кўрик вақтида оила аъзоси ёки дўстининг ҳозир бўлишига рухсат беринг;
- беморни кўригини ўтказиш пайтида гувоҳ ҳамиша ҳозир бўлиши керак;
- кўрик вақтида беморга келгусида нима қилишни режалаштираётганингиз ҳақида хабар беринг ва рухсат сўранг;
- кўрик ёруғ, иссиқ, тоза ва алоҳида хонада ўтказилиши керак;
- агар ечилган кийим ҳужум вақтида жабрланувчининг устида бўлган бўлса ва суд-тиббий далиллар тўпланиши керак бўлса, бемор катта оқ варақ устида ёки очиқ рангли катта қоғоз устида ечиниши керак. Агар бемор кийимни йиғишга рози бўлса, кўрик ўтказувчи шифокор қўлқоп кийиши ва ҳар бир кийимни қоғоз қопга солиши керак. Агар кийим-кечак суд экспертизасига олинса, алмаштириш учун кийим таъминлаш керак;
- кўрик давомида ҳам тиббий, ҳам суд-тиббиёт намуналари олинishi керак;

- суд-тиббий далилларни тўплашда тиббиёт ходимлари суд ва суд жараёнларида қатнашиш муҳимлигини, шу жумладан, гувоҳлик ва баёнотларни тўғри қайд этиш нақадар муҳимлигини тушунишлари ва қуйидагиларга ўргатилган бўлишлари керак:
 - суд-тиббий далилларни тўғри қайд этиш ва ҳисобот бериш;
 - суд-тиббиёт экспертизаси учун намуналар олиш;
 - ёзма далилларни тақдим этиш.

Далилларни тўплашда шахснинг ногиронлиги билан боғлиқ муаммолар зарур далилларни тўпламаслик учун етарли сабаблар эмас.

Жисмоний шикастланиш белгиларининг тавсифи

- **Жойлашуви.** Яралар, кўкаришлар, тирнашлар, гематомалар, синишлар ва бошқаларнинг анатомик жойлашуви тавсифи.
- **Ҳажми.** Танадаги шикастларнинг ҳажмини ўлчаш керак.
- **Кўриниш.** Шикастланиш турининг тавсифи (чизиқли, эгри, тартибсиз).
- **Атрофдаги тўқималар.** Атрофдаги ёки яқин атрофдаги тўқималарнинг ҳолати (кўкарган, шишган ва бошқалар).
- **Ранг.** Кўкаришларни тасвирлашда рангни ўрганиш айниқса муҳимдир.
- **Сабаблари.** Ишлатилган кучнинг визуал йўналиши бўйича шарҳлар (тирналган жойлар бўлса).
- **Таркиб.** Ярада бегона жисмнинг мавжудлиги (кир, шиша ва бошқалар).
- **Қачон пайдо бўлганлиги.** Битиб кетишининг ҳар қандай белгилари бўйича шарҳлар. Шунинг эса тутинги, қачон пайдо бўлганлигини аниқлиги тахминийдир ва бу жиҳатни шарҳлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак.
- **Қирралари/четлари.** Яраларнинг қирраларининг тавсифи ишлатилган қурол турига ишора бўлиши мумкин.
- **Чуқурлик.** Ўлчаш керак.

Хатарларни баҳолаш ва уларни бошқариш

Агар зўравонлик факти тасдиқланса, беморнинг зўравон билан бирга бўлиш хавфи даражаси баҳоланади. Хавф даражасини қуйидаги саволларни бериш орқали баҳолаш мумкин:

- Зўравонлик қанчалик тез-тез содир бўлади?
- Тажовузкор спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қиладими?
- Зўрловчи қандай таҳдид турларини (ўлдириш, калтаклаш, қурол ишлатиш ва ҳ.к.) қўллайди?
- Уйингизда бирор бир қурол борми?
- Уйга қайтишга қўрқасизми?

Зўравонлик содир этган шахснинг ногиронлиги бўлган зўравонлик жабрланувчиси билан бирга бўлишини хавfli деб аниқланганда хавфсизлик режаси ишлаб чиқилади. Қайта ҳужумнинг олдини олиш стратегияси муҳокама қилинади. Агар уйга қайтиш жабрланувчи учун хавfli бўлса, реабилитация/инқироз марказига мурожаат қилинади. Бунинг иложиси бўлмаса, масалан, ГЗ жабрланувчиси рад этса ёки қишлоқда яшаса, вақтинчалик яшаш учун хавфсиз жой белгиланади.

Тиббиёт муассасаларида НБХ/Қга нисбатан ГЗга қарши кураш бўйича хизматлар

Тиббиёт муассасаларида яшовчи НБХ/Қ муассасалардан ташқарида яшовчи ногиронлиги бўлган ва бўлмаган шахслар сингари ГЗдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Бироқ, ихтисослашган муассасаларда яшовчи НБХ/Қлар кўпинча изоляция қилинади, бу уларнинг зўравонликка нисбатан заифлигини оширади. Айниқса, ақли заиф аёллар ва ёшлар хавф остида. Институционал муҳитдаги ноёб кучлар мувозанати ва алоҳида шароитларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу институтларнинг мустақил ва самарали мониторингини таъминлаш учун инсон ҳуқуқлари бўйича қўшимча мажбуриятлар мавжуд.

Хизмат кўрсатувчи тиббиёт ва ёрдамчи ходимлар даволаш муассасаларида бўлган кўплаб НБХ/Қларга эътибор бермайдилар ва улар НБХ/Қларни ГЗ жабрланувчилари билан боғламайдилар ва оқибатда, улар аёлни ГЗ жабрланувчилари деб тан олмасликлари мумкин. Масалан, ихтисослашган муассасага жойлаштирилган аёл ўзи бошдан кечираётган зўравонлик натижасида ўзини тажовузкор тутиши мумкин, аммо бу травма кўрсаткичи сифатида эмас, балки муассасага жойлашиш сабаби сифатида нотўғри талқин қилинади. Бинобарин, зўравонлик эътиборга олинмаслиги мумкин ва ихтисослашган муассасага жойлаштирилган НБХ/Қ соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ГЗдан кейин ҳимоя ва реабилитация соҳасидаги асосий хизматлардан маҳрум бўлади. Аксарият ҳолларда муассасаларда зўравонлик ички тарбиячилар томонидан содир этилганлигини ҳисобга олсак, ташқи мустақил кузатувнинг етарли эмаслиги жазосизлик ва ҳаракатсизликка олиб келиши мумкин. Муассасаларда тенгдошларнинг зўравонлиги ҳам содир бўлиши мумкин, айниқса улар гавжум бўлса ёки ходимлар ногиронликни енгиш учун кам ўқитилган бўлса. Муассаса ходимлари кўпинча муассасаларда НБХ/Қларга нисбатан ГЗ тўғрисида маълумот бериш, тан олиш ёки хизмат кўрсатиш ёки маълумот бериш учун вақт ёки имкониятга эга эмаслар.

Тиббиёт муассасаларида яшовчи НБХ/Қ учун устивор тамойилларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар алгоритми:

Тамойиллар	Ҳаракатлар
Мавжудлиги	<ul style="list-style-type: none"> НБХ/Қнинг оилалари ва тарбиячиларига махсус муассасаларга жойлаштиришга боғлиқликни камайтириш мақсадида уларга жамоат типигаги уйларда ёки ўз уйларида ғамхўрлик қилиш имкониятини бериш учун ўқув ва қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиш. Жамият даражасида муносабатлар, дўстлик ва қўллаб-қувватлаш тармоқларини қуриш учун НБХ/Қни қўллаб-қувватлайдиган дастурларни яратиш.
Қулайлик	<ul style="list-style-type: none"> Махсус муассасаларда (ногиронлик уйлари/интернатларда) яшовчи НБХ/Қлар учун бепул ишонч телефонларини тақдим этиш. Махсус муассасаларда хотин-қизлар зўравонлик ва хизматлардан фойдаланиш тўғрисида қандай хабар беришлари мумкинлигини тушуниш учун институционализация қилинган ёки илгари институционализация қилинган НБХ/Қлар билан бошқа стратегияларни ишлаб чиқиш. Агар иложи бўлса, транспорт билан боғлиқ ташқи хизматларни эмас, балки муассасаларнинг ўзида НБХ/Қларга кўрсатиладиган ГЗга қарши кураш бўйича хизматларни таклиф этиш.
Мақбуллик	<ul style="list-style-type: none"> Турли хил алоқа усуллари бўйича ўқитилган хизмат кўрсатувчи ваколатли ходимлар билан муассасаларга мунтазам равишда юзма-юз ташриф буюришни режалаштириш. ГЗга қарши кураш дастурларига мажбурий жарроҳлик контрацепциянинг олдини олиш бўйича хизматларни қўшинг. НБХ/Қ ва ёшларга ва уларнинг оила аъзоларига/ҳимоячиларига муассасага жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда тўлиқ иштирок этишга ёрдам берадиган механизмларни яратиш. Ихтисослашган муассасалардаги НБХ/Қлар муассасаларда ГЗ холати бўйича шикоятларини рўйхатдан ўтказишга имкон берадиган мустақил, Маҳфий ва очиқ шикоят механизмини қўллаб-қувватлаш.
Сифат	<ul style="list-style-type: none"> Ихтисослашган муассасаларда парваришланаётган аёллар ва ёшлар тўғрисида маълумот тўпланг. Хизмат кўрсатувчи тиббиёт ва ёрдамчи ходимларнинг муассасаларда

	<p>НБХ/Қлар учун ёрдам сифатини ошириш ва ГЗ хавфини камайтиришга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.</p> <ul style="list-style-type: none">• Омбудсмен, ихтисослаштирилган назорат агентлиги ёки ташкилот каби мустақил мониторинг органларининг муассасалардаги НБХ/Қлар ўртасида ГЗни аниқлаш ва ГЗ жабрланувчилари/ногиронлиги бўлган зўравонликдан омон қолганларга хизмат ёки йўлланма бериш имкониятларини ошириш.• Рухий касалликка чалинган одамлар учун судлар ва бошқа ихтисослашган судлар мавжудлигини ҳимоя қилиш. Адлия тизимига жалб қилинган мансабдор шахсларни НБХ/Қларни институционализация қилиш ва қамоққа олишнинг алтернативалари билан таништириш мақсадида ўқитишни таклиф этиш.• Тиббий муассасаларга жойлаштирилган одамларнинг оила аъзоларини жалб қилиш (истисно сифатида-ногиронлиги бўлган шахс унинг оила аъзоларини жалб қилиш учун эътироз билдириши). Хизмат кўрсатувчи тиббиёт ва ёрдамчи ходимлар НБХ/Қнинг оила аъзоларига керак бўлганда ва сўров бўйича ГЗ қарши туриш тизимини бошқаришда ёрдам бериш учун хизматларни таклиф қилиши ёки юбориши керак.• Институционализацияни қўллаб-қувватловчи қонунлар ва сиёсатни баҳолаш, ҳуқуқий ва сиёсий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш стратегиясини ишлаб чиқиш, шу жумладан, агар керак бўлса, мажбурий институционализацияга қарши курашиш.
--	--

2.2.3. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ижтимоий-психологик хизматлар

Умумий муҳокама.

 *Савол: ГЗдан жабрланганларга ногиронлигини ҳисобга олган ҳолда қандай ижтимоий-психологик хизматлар тақдим этилиши керак? Уларнинг мақсадлари нимадан иборат деб ўйлайсиз?*

Тренер тақдимоти

ГЗ жабрланувчиларига тақдим қилинадиган ижтимоий-психологик хизматларнинг **умумий мақсади** — ГЗ жабрланувчисига ижтимоий-маиший ва психологик муаммолар ҳамда зўравонлик оқибатларини бартараф этишда ёрдам бериш, жабрланувчини ҳаётга қайта киритиш/реинтеграция қилиш, ўз-ўзини ҳурмат қилиш, ўз ҳаётини назорат қилиш, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга кўмаклашиш ҳисобланади.

Ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш азоб-уқубатларни камайтириш, жабрланувчини ёлғизлатмаслик, унинг руҳий саломатлигини яхшилаш, жамиятга ва оилага ижтимоий реинтеграцияни кучайтириш (зўравонлик ҳолатларининг такрорланмаслиги кафолати остида) ва ҳуқуқий ёки ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олиши мумкин.

Ижтимоий-психологик хизматлар тақдим қилиш алгоритми

Умумий муҳокама

 *Савол: Ижтимоий-психологик хизматлар қандай кетма-кетликда бажарилиши лозим? Нима учун айнан шундай кетма-кетликда?*

 **Тренер диққатига!** Саволларнинг муҳокамаси иштирокчилар СОТлар асосида ҳаракатлар кетма-кетлиги қай даражада ўзлаштирилганини, тиббий хизматларни тақдим этишда ушбу

алгоритм асосида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни қандай тушунганликларини мониторинг қилиш ва кейинги мавзуга ўтиш имконини беради.

И Иштирокчилардан қуйидаги жавоб олиниши кутилади:

Ижтимоий-психологик хизматларни тақдим қилиш жараёни ҳам босқичма-босқич иш тартиблари турига қараб гуруҳланган ва қуйидаги жараёнларда алоҳида қайд этилган: *ГЗ жабрланувчисини аниқлаш (идентификация қилиш); ГЗ ҳодисасини баҳолаш; хизматлар тақдим этиш; ГЗ ҳодисасини ҳужжатлаштириш; қайта йўналтириш; шу жумладан, ишни бошқаришни мувофиқлаштириш.*

Зўравонлик жабрланувчисига кўрсатиладиган ҳар қандай ёрдам *ГЗ жабрланувчисини аниқлашдан бошланади*. Ҳар бир ижтимоий-психологик хизматларни тақдим этувчи муассаса ёки ташкилотнинг низоми ва ҳуқуқий кўрсатмаларига, ташкилотда қабул қилинган хизмат стандартларига мувофиқ хизматларни ташкил этиши ва амалга ошириши мумкин. Агар мурожаат қилувчи ёрдам/хизмат тақдим этишни сўраб мурожаат қилганида ГЗнинг қандайдир бир шаклига дуч келаётганига далил ёки шубҳа бўлса, унда хизмат тақдим этувчи керакли бўлган барча ёрдамни олишига кўмаклашиши керак.

Зўравонлик белгилари ёки ҳолатлари аниқланганида (юзага чиққанида), ижтимоий-психологик хизмат тақдим этувчи жабрланувчига аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган хизматларни (масалан, мутахассислар томонидан бепул маслаҳат бериш, бошпаналарда вақтинча яшаб туриш, нафақа ва бошқалар) тақдим қилиши керак.

Муҳим! *ГЗ жабрланувчисига ёрдам беришдан олдин, ҳар бир мутахассис ўзининг барча шахсий стереотиплари, бошидан кечирган ГЗ ҳолатлари, инсон ногиронлигига бўлган муносабати ёки бошқа ички тўсиқларни бартараф қилингани ва ҳал этилганига, йўқлигига ишонч ҳосил қилиши бу каби вазиятга нисбатан бетараф қолиши ва жабрланувчига талаб қилинадиган ёрдамни сифатли кўрсатиши лозим.*

ГЗ ни аниқлаш ва идентификация қилиш

ГЗ ходисасини аниқлаш турли усуллар билан амалга оширилиши мумкин:

- ГЗ жабрланувчисининг мурожаатига кўра;
- кўп ҳолларда НБХ/Қ тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкони бўлмаганлиги учун, турли хил ижтимоий хизматлар ходимларининг уйма уй ташрифлари давомида мурожаат қилиш мумкин;
- бошқа ташкилотлар, муассасалар ёки жисмоний шахслардан (масалан, қўни-қўшнилардан, яқинларидан ва ш.к.) олинган маълумотлар орқали;
- ГЗ профилактикасини олиб боровчи ва жавоб чораларини амалга оширувчи бошқа субъектлар тақдим этган маълумотлардан;
- ижтимоий тармоқлардаги хабарлар/мурожаатлардан аниқланиши мумкин

НБХ/Қлар кўп ҳолларда ўзларига нисбатан содир этиладиган камситувчи, шавқатсиз хатти-ҳаракатларни зўравонлик деб эмас, балки ҳаёт меъёри сифатида қабул қиладилар ёки ошкор қилишдан қўрқишади. НБХ/Қнинг зўравонликни ошкор қилишдан чўчиш сабаблари қуйидагилар киради:

- Институционализация бўлиш (яқинлари ва/ёки васийлари махсус ногиронлар интернатларига жойлаштириши)дан қўрқиш.
- Зўравонлик содир этаётган шахсга НБХ/Қнинг эмоционал, молиявий ёки жисмоний қарамлиги.
- Зўравонликдан жабрланган НБХ/Қлар учун мослаштирилган махсус шароитларга эга бошпаналар, реабилитация марказларининг йўқлиги.
- НБХ/Қлар кўп ҳолларда зўравонлик жабрланувчиси сифатида тан олинмаслигини билиши.
- НБХ/Қлар ўзи қарам бўлган шахсга (ота-онаси, эри, қариндоши, васий) хабар беришса уни тарк этишдан қўрқишади. Чунки улар ноқулай муҳит, иш ва таълим даражасининг пастлиги ва

НБХ/Қларга нисбатан кўпроқ камситиш натижасида келиб чиқадиган ҳиссий, молиявий ёки жисмоний қарамликда.

Сенсор муаммолари бўлган хотин-қизларга сурдотаржимон орқали, когнитив функцияларида нуқсонлари бўлган хотин-қизларга турли усуллар (масалан, расмларни намойиш қилиш ва уларнинг ушбу расмларга реакцияси) орқали аниқлаш мумкин.

Шунинг учун зўравонлик вазиятини аниқлашда махсус белгиларга асосланиш ва 4.1. иловада берилган саволномадан фойдаланиш тавсия этилади.

Қўлланма билан ишлаш

Тренинг иштирокчиларига 4.1. иловани диққат билан ўрганиб чиқиш топшириғи берилади.

👉 *Зарурат туғилса иштирокчиларнинг саволларига жавоб беринг.*

🔔 **Тақдимот** (давоми)

ГЗ жабрланувчисининг ҳаёти ёки саломатлигига хавф туғдирадиган ҳолатлар билан боғлиқ муаммолар бўйича шошилинч тиббий ёрдам тақдим этувчининг хизматлари устувор ҳаракатларидан бири бўлиши керак. Ҳар қандай ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдан аввал, оғир ва ҳаёти учун хавфли аҳволга тушиб қолган жабрланувчи шошилинч тиббий ёрдам олиши учун дарҳол тиббий муассасага юборилиши лозим.

Жабрланувчининг мустақиллигини ҳурмат қилиш ва сир сақлаш унинг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради. Ушбу қадам, ўз навбатида, зарурат бўлганида вазиятга оид кейс-менежмент хизматларидан фойдаланиш ёки бошқа хизмат кўрсатувчи муассасаларга юбориш учун жабрланувчидан англанилган розилик олиш масалаларини ҳам қамраб олиши мумкин.

1) ГЗ ҳодисасини баҳолаш

ГЗ жабрланувчиси аниқланганидан сўнг, хизмат тақдим этувчи томонидан зўравонлик оқибатларига қарши самарали курашиш учун ресурслар, кўникмалар ва ўз ваколатларига мувофиқ келгусида амалга ошириладиган ишлар бўйича (қўллаб-қувватлаш/ёрдам, факт ва далилларни тўплаш, ГЗ ҳодисасини ҳужжатлаштириш ва бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш) қарор қабул қилиши керак.

Баҳолаш жараёни жабрланувчининг руҳий ва жисмоний соғлиғининг ҳолати, унинг иқтисодий аҳволи, ижтимоий ҳаётга ва атроф-муҳитга бўлган муносабати тўғрисидаги маълумотларни олиш ва уларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Ушбу маълумотларнинг барчаси хизмат тақдим этувчига ГЗ жабрланувчисининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳам жабрланувчининг, ҳам ГЗ ка жавобан идоралараро ҳамкорлик доирасида масъул ташкилотларнинг мавжуд манбаларига мувофиқ энг мос режани ишлаб чиқишда қўл келади. Ушбу баҳолаш жараёнини 4.2. иловада келтирилган шакл асосида ўтказилади.

Хизмат тақдим этувчи ГЗ ҳодисасини баҳолаш босқичида бир-бирига ўзаро боғлиқ ва мувофиқлаштирилган бир нечта ҳаракатларни амалга ошириши керак. Сифатли хизматларни тақдим этиш учун шароит яратиш:

- Жабрланувчидан тақдим қилинадиган хизматлар учун розилигини олинг. Агар жабрланувчи мустақил ўқиш ва ёзиш қобилиятига эга бўлмаса, жабрланувчининг номидан розилик баённомаси тузилиб, унга ўқиб берилади ва онгли равишда оғзаки розилиги олинади (ушбу ҳолат хабардор қилинганлик тўғрисида англанилган розилик хатида ёки бошқа шаклда акс эттирилади).
- Жабрланувчига унинг чекланган розиликни тақдим қилиши ҳуқуқини тушунтириш. Яъни, қайси маълумотларини ошкор қилиши, қайсиларини сир сақлашини ўзи танлаши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиш.

- Англиланган розилик учун тўлиқ тегишли маълумотларни тақдим қилиш. Бошқа хизмат тақдим қилувчилар/муассасалар билан маълумот алмашишнинг оқибатлари ҳақида жабрланувчини хабардор қилиш.
- Кўрсатиладиган ёрдам эмпатия, ҳамдардлик асосида, тушунарли, холис ва бефараз тақдим қилинишига ва бунинг учун барча имкониятлар ишга солинишига жабрланувчини ишонтиринг.

2) Хизмат тақдим этиш

Ижтимоий-психологик хизматларни тақдим этиш жараёни бир неча хизматлар мажмуасини ўз ичига олади. Булар инқироз юзасидан маслаҳат; хавфсиз бошпана; узоқ муддатли ижтимоий қўллаб-қувватлаш/ёрдам, психологик қўллаб-қувватлаш (психологик консультация, психотерапия, психологик тренинг, “ўзаро ёрдам гуруҳлари”, “ишонч телефони”), ижтимоий-ҳуқуқий маслаҳат ва бошқа қўшимча хизматлар; хавфларни баҳолаш ва бошқариш хизматларини ўз ичига олади.

Ижтимоий ёрдам хизмати томонидан кўрсатиладиган реабилитация хизматлари

Мини маъруза

ГЗдан жабрланганларнинг зўравонликдан озод бўлиш ҳуқуқига кенг қамровли реабилитация хизматларини олиш киради. Керакли реабилитация дастурлари тиббиёт мутахассислари томонидан "индивидуал реабилитация картаси"да акс эттирилади, аммо ГЗни бошдан кечирган НБХ/Қ қўшимча реабилитация дастурларига муҳтож. ГЗ жабрланганлар учун ташкил этилган реабилитация тизимлари ГЗ жабрланганларнинг такрорий ҳолатларини олдини олади. Ногиронлиги бўлган ГЗдан жабрланганлар учун реабилитация хизматларига қуйидагилар киради:

1. Сифатли тиббий хизмат, даволаниш, спорт ва соғломлаштириш секциялари, таълим олиш ва ишга жойлашиш.
2. ГЗдан жабрланган НБХ/Қлар ўзларини хавфсиз ҳис қиладиган ва қўллаб-қувватлайдиган қулай шароитларда маълумот ва реабилитация хизматларини олишлари мумкин бўлган универсал маконни яратиш.
3. ГЗдан жабрланган НБХ/Қларига мулоқот қилиш, билим олиш, тажриба алмашиш, кўникмалар бериш имконини берадиган маҳаллий ногиронлар жамоаларини яратиш. Ушбу омиллар муваффақиятли реабилитация ва ижтимоийлашувга олиб келади.
4. Оила аъзолари ва жамият билан мулоқот қилиш кўникмаларини яхшилаш жараёнини Ногиронлар жамияти билан биргаликда ташкил этиш, ижтимоий хизматлар, НБХ/Қлар учун самарали алоқа ўрнатиш, ҳиссиётларни бошқариш, низоларни ҳал қилиш бўйича тренинглар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг оила аъзоларини мулоқот қобилиятлари ва стрессга чидамлилигига ўргатиш. ГЗдан жабрланган НБХ/Қларига ва уларнинг оила аъзоларига бепул ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий, ижтимоий-тиббий ёрдам кўрсатиш.
5. ГЗдан жабрланган НБХ/Қлари кўпчилигининг турмуш даражаси паст. Чекланган иш имкониятлари ва муносиб иш ҳақи билан улар асосан олган пуллари (нафақалар, пенсиялар) билан яшайдилар. Кўпинча, бу маблағлар уларнинг оилалари учун ягона тирикчилик манбаи бўлиб, НБХ/Қларнинг эҳтиёжларини қондирмайди. Моддий хавфсизликнинг паст даражаси НБХ/Қларнинг асосий муаммоси ва оиладаги низолар ва зўравонликларнинг асосий сабабидир. Шу муносабат билан НБХ/Қлар ва уларнинг оила аъзолари учун иш шароитларини яратиш зарур. Уй-жой ва яшаш шароитлари ҳам яхшиланишни талаб қилади. Хусусан, пандусларнинг етишмаслиги, зинапоялар ва лифтларнинг номувофиқлиги НБХ/Қларнинг ҳаракатида қийинчиликларга олиб келади. НБХ/Қларнинг эҳтиёжларига мослаштирилган ижтимоий уй-жойлар қурилишини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.
6. Тегишли ижтимоий реинтеграция. Жисмоний саломатликни яхшилаш бўйича ташкилотлар учун зарур тавсиялар. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни тиклаш ёки алмаштиришга ёрдам бериш. Иқтисодий мустақиллик, тикланиш ва мустақилликка эришишга кўмаклашиш.

7. НБХ/Қларнинг репродуктив ҳуқуқлари ва соғлиғини ҳимоя қилиш, репродуктив ҳуқуқлар, жинсий ва репродуктив саломатлик хизматлари тўғрисидаги маълумотларга тушунарли шаклда қабул қилинишигни яхшилаш, айниқса кўриш, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган шахслар учун, жинсий ва репродуктив саломатлик ва оилани режалаштириш хизматларидан фойдаланиш, ёрдам ва саломатликни сақлаш хизматларини олиш учун янги технологияларни жорий этиш.

Зўравонликка учраган НБХ/Қларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш қоидалари

Тренер тақдимоти

1. Ижтимоий хизматлар ходимлари (ижтимоий ишчилар, инқироз марказлари ва ишонч телефонлари ходимлари) ўқитилиши ва ГЗ ҳақида маълумот олиш учун қулай форматларда ва ГЗ соҳасидаги хизматлар ҳақида НБХ/Қларга маълумот бериш кўникмаларига эга бўлиши керак.

2. ГЗдан жабрланган НБХ/Қлар вақтинча бошпана /инқироз/реабилитация марказларига юборилган тақдирда, эҳтиёжлар учун хоналар ва махсус эҳтиёжлар билан боғлиқ қурилмалар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш керак: мебел, ошхона иншоотлари; телефонлар ва ҳаммомлар; шахсий гигиена хизматлари тўплами; ногиронлиги бўлган шахслар учун қурилмалар; зўравонликдан қочиш пайтида йўқолган ёрдамчи қурилмаларни алмаштириш (бепул) имконияти.

3. НБХ/Қнинг танлови ва афзалликлари ҳурмат қилиниши керак. Мурожаат қилган шахснинг розилиги билан у билан бирга бўлган оила аъзоси ёки васийси билан эмас, балки ГЗ жабрланувчиси билан бевосита гаплашиш.

4. НБХ/Қнинг Маҳфийлигини кафолатлаш керак. Инқироз марказининг манзилини ошкор қилманг, у ерда мурожаат қилган шахс мурожаат қилган тақдирда, агар унинг розилиги олинмаган бўлса, унинг уй манзили ва телефон рақамига хабар юборманг.

5. Агар керак бўлса, бошқа хизматларни олиш учун шахсий маълумотларни узатиш учун жабрлангандан рухсат олишингиз керак.

6. ГЗ ҳақида жабрланувчи учун қулай ва тушунарли бир шаклда маълумот беради: ишонч телефони; инқироз маркази; вақтинчалик уй-жой ва бошқа хавфсиз уй-жой; моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиш имконияти.

7. Зўравонлик билан боғлиқ ҳар қандай савол, асоратлар мавжуд бўлса, зўравонликдан жабрланган НБХ/Қ телефон орқали мурожаат қилиш ёки исталган вақтда ижтимоий ҳимоя хизмати муассасасига келиш имконияти тўғрисида хабар бериш керак.

8. Маслаҳат учун алоҳида бўлиши керак.

9. Тўлиқ алоқа ва хизматларни самарали тақдим этиш учун, агар керак бўлса, қуйидаги мавжуд форматлардан фойдаланиш керак: Брайл алифбоси; йирик шрифт; мнемосардс; афзал жинсдаги таржимон билан имо-ишора тили; соддалаштирилган шакллар; визуал қўлланмалар.

10. Оила аъзоси ёки васийидан ГЗдан жабрланган НБХ/Қнинг розилигисиз таржимон сифатида фойдаланманг.

11. Ўқитилган ижтимоий ишчилар қуйидаги манбаларга эга бўлиши керак:

- ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчилари билан уларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда қандай мулоқот қилиш бўйича кўрсатмалар;
- хизмат кўрсатишда имо-ишора тили таржимонлари учун асосий саволлар ва кўрсатмалар рўйхати;
- ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчисига ногиронлик турига қараб ёрдам олишда ҳамроҳлик қилиш бўйича кўрсатмалар;
- қўлланма – НБХ/Қлар учун алоқа маълумотлари ва оиладаги зўравонлик соҳасидаги хизматларнинг тавсифи бўлган каталог.

Инқироз бўйича маслаҳат

“Инқироз бўйича маслаҳат” хизматини тақдим қилиш ГЗ жабрланувчисининг хавфсизлигини зудлик билан таъминлашга ва унинг нималарни бошдан кечирганларини англаб етишига, ўз

ҳуқуқларини тушунишга ҳамда айбдорлик ҳисси ва қайғу-аламларини енгиллаштиришга қаратилган. Мазкур хизматлар турли хил усулларда ва кўринишда, жумладан, юзма-юз мулоқот, стационар ёки мобиль телефон орқали суҳбат, электрон почта, ижтимоий тармоқ, шунингдек, турли хавфсиз жойлар ва хавфсиз шароитларда тақдим этилиши мумкин.

“Инқироз бўйича маслаҳат” босқичида ижтимоий хизмат кўрсатувчи учун тавсиялар:

- ГЗ жабланувчиси ва фарзандларининг асосий эҳтиёжларини (очлик, ташналик, уйқусизлик) қондириш;
 - ГЗ жабрланувчисининг барча психологик эҳтиёжларини қондириш учун унга психологик ёрдам хизматидан фойдаланишни таклиф қилиш ва психологга йўналтириш;
 - ГЗ жабрланувчисидан ўзининг шахсий ғоялари, оғир вазиятдан чиқиш йўллари ва бунинг учун мавжуд бўлган ресурслари ҳақида айтиб беришини сўранг. ГЗ жабрланувчиси билан вазиятни ўзгартиришнинг барча усулларини бирга таҳлил қилиш;
 - ГЗ жабрланувчисига инқироз давридаги қўшимча хизматлар ҳақида маълумот беринг ва улардан фойдаланишни таклиф қилиш:
- а) хавфсиз бошпанадан бевосита фойдаланиш;
- б) шошилиш тиббий хизматдан фойдаланиш;
- в) ҳар қандай вазият ва шароитларда ҳам ГЗ жабрланувчисига хизмат тақдим қилувчиларга қайта мурожаат қилиш имконияти.
- ГЗ жабрланувчиси билан унга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан Ҳимоя ордери (агар лозим бўлса) олиш имкониятини биргаликда кўриб чиқинг;
 - ГЗ жабрланувчисига агар лозим бўлса, ўзи ва фарзандларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шахсий хавфсизлик режасини тузишга кўмаклашинг;
 - ГЗ жабрланувчисига узоқ муддатли мажмуавий индивидуал ёрдам бериш режасини тушунтириб беринг ва келишиб олинг;
 - ГЗ жабрланувчисининг инқироз босқичида бошқа хизмат тақдим қилувчилар билан боғланиши ва уларга мурожаат қилиши учун батафсил алоқа маълумотларини унга, унинг алоқа маълумотларини бошқа ташкилот ва муассасаларнинг ходимларига тақдим этинг.

Хавфсиз бошпана

Аксарият ҳолларда ГЗ жабрланувчилари ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида яшаб турган уйини дарҳол вақтинчалик тарк этиши ҳамда шелтер/бошпана, аёллар бошпанаси ёхуд бошқа хавфсиз жойларга жойлашиш ҳуқуқига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий-психологик хизмат тақдим қилувчиларга тавсиялар:

- ГЗ жабрланувчисини таҳдид бартараф этилганига қадар зудлик билан хавфсиз бошпана ёки уй-жойга йўналтириш;
- барча хавфсизлик чораларига риоя қилинганлигига, жумладан, жабрланувчи жойлаштирилган бошпананинг Маҳфийлигига (агар иложи бўлса), хавфсизликни таъминловчи ходимларнинг борлигига ва етарли даражадаги хавфсизлик тизимлари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш;
- ГЗ жабрланувчиси учун афзалликлар ва унинг эҳтиёжларига мувофиқ бошқа махсус ва зарурий қўшимча хизматлар кўрсатилишини таъминланг: психологик ёрдам/маслаҳат, тиббий хизматлар, ҳуқуқий ёрдам/маслаҳат, ижтимоий реинтеграцияни қўллаб-қувватлаш ва ҳоказо;
- жабрланувчига ҳамроҳ бўлган болаларнинг хавфсизлиги ва асосий эҳтиёжлари қондирилишини таъминланг;
- жабрланувчининг яқин қариндошларига (унинг илтимосига биноан ёхуд зарурат туғилганида) жабрланувчининг хавфсиз жойда вақтинча яшаб туриши ҳақида бошпана ёки инқироз марказининг манзилини маълум қилмаган ҳолда хабар беринг;
- агар ижтимоий ёрдам/хизматлар тақдим қилишни вояга етмаган болалар сўраб мурожаат

қилиш пайтида уларнинг қонуний васийлари йўқлиги аниқланса, бу тўғрисида вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини хабардор қилинг.

Узоқ муддатли мажмуавий ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маслаҳат бериш ва бошқа қўшимча хизматлар

Бирламчи тиббий ёрдам кўрсатилганидан сўнг, кўп холларда, ГЗ жабрланувчиси қўшимча хизматлар кўринишида узоқ муддатли ижтимоий қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

Ижтимоий хизмат тақдим қилувчиларга тавсиялар:

- Жабрланувчига зарурат бўлганида қуйидаги моддий ва молиявий ёрдам кўрсатилиши мумкин: шошилиш транспорт, овқатлантириш, хавфсиз турар жой/бошпана, шахсий ва тиббий эҳтиёжлар учун воситалар, айрим харажатлар учун пул маблағлари (масалан, суд-тиббий гувоҳномаси учун тўловга, манзилигача ва манзилдан бориш учун таксига ва бошқа хизматларга).
- Жабрланувчига шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш, тиклаш ёки алмаштириш масалаларида ёрдам бериш керак.
- Жабрланувчининг ўз муаммолари тўғрисида ҳуқуқий маслаҳат/маълумот олиши учун ҳуқуқий хизмат тақдим этувчиларга (юристлар, адвокатлар)га йўналтириш. Агар ҳуқуқий хизмат тақдим этувчилардан хизмат олиш имкони мавжуд бўлмаса, жабрланувчига ажрашиш/никоҳни бекор қилиш, васийлик, болани васийликка олиш, чеклаш/ҳимояланиш чоралари каби мавжуд ечимлар ҳақида батафсил тушунтириш лозим.
- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартлар/ҳужжатлар ва миллий қонунчиликка мувофиқ, болалар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда улар тушунадиган содда тилда болалар учун хизматларни тақдим этиш ёки ёрдам кўрсатишни сўраб тегишли муассасаларга мурожаат қилиш. Жабрланувчи бошпанада узоқ муддатли хизматлардан фойдаланиши жараёнида эса, бошқа хизмат тақдим этувчилар билан биргаликда зўравонликдан жабрланган болаларнинг асосий ҳуқуқларини (масалан, эмлаш, таълим олиш ва бошқалар) таъминлаш.
- Жабрланувчига кунига 24 соат, ҳафтасига 7 кун, ҳеч бўлмаганда кунига камида 4 соат, шу жумладан, байрамлар ва дам олиш кунларида ҳам уяли алоқа, шунингдек, бепул стационар телефон алоқасидан ёки ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятини яратиш.

Хизмат тақдим этувчига ижтимоий хизмат кўрсатишда кейс-менежмент ёндашувларидан фойдаланишга доир маслаҳатлар:

- жабрланувчи бошқа хизмат кўрсатувчиларга йўналтирилганидан кейин унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдаги ижобий ўзгаришларни мунтазам равишда мониторинг қилиб боринг, шунингдек, унинг реинтеграцияси ҳамда яна ўзига келишида асосий эҳтиёжларини қондириш учун имконият ва ресурслар етарли эканига ишонч ҳосил қилинг. Айниқса ногиронлиги даражасини эътиборга олган ҳолда;
- жабрланувчининг шахсий эҳтиёжларини, фикр-мулоҳазалари ва нуқтаи назарини ҳисобга олган ҳолда, режалар ва ҳаракат дастурларини ишлаб чиқинг. Жабрланувчига ўз танловини амалга оширишига шароит яратинг: ҳеч қандай чоралар кўрмаслик ва ҳамма нарсани ўз ҳолига қолдириш имкониятини ҳам атрофлича кўриб чиқинг. Уни ҳам режани ишлаб чиқишга жалб қилинг. ГЗдан жабрланганларга ўз шахсий танловини амалга оширишга имкон беринг;
- жабрланувчи билан муҳокама қиладиган бошқа мавзулар бор ёки йўқлигини ундан доимий равишда сўраб туринг/билиб олинг. Иш режасини тузишда қандай ҳаракатлар келишилганини ва жабрланувчи қандай ҳаракатларни бажариши кераклигини қисқача тушунтиринг;
- жабрланувчига келгусидаги ҳаракат режасини тушунтиринг ва кейинги фаолиятлар учун

батафсил алоқа маълумотлар билан алмашинг;

- кейинги хизматларни тақдим этиш жараёнларида жабрланувчининг ҳолатидаги ўзгаришларни ўрганинг, зўравонликка қарши кураш стратегиясининг самарадорлигини ва жабрланувчи томонидан амалга оширилган ҳар қандай ҳаракатларнинг натижаларини баҳоланг;
- кейинги мурожаатларида юзага келган қийинчиликларни кўриб чиқинг ва жабрланувчига уларни енгишда ёрдам беринг, агар лозим бўлса, муаммолар, келгусидаги ҳаракатлар ва режани қайтадан кўриб чиқинг.

Психологик хизматлар

Гендер зўравонлик жабрланувчилари учун инқирозли психологик маслаҳат беришда қуйидагилар муҳим:

- ўзини борича (тўлиғича) қабул қилишини таъминлаш;
- зўравонлик билан боғлиқ вазиятларда аниқ ҳаракатлар режасини тузишда ёрдам бериш;
- асосий муаммоларни аниқлашга ёрдам бериш;
- қўллаб-қувватлаш тизимларини сафарбар этишга ёрдам бериш;
- содир бўлган воқеаларнинг жиддийлигини тушунишга ёрдам бериш;
- соғайиш (руҳий саломатлиги тикланиши) учун вақт кераклигини тушунишга ёрдам бериш;
- жабрланувчи шахсиятининг кучли томонларини аниқлаш ва мустаҳкамлаш.

Узоқ муддатли мажмуавий психологик қўллаб-қувватлаш

Эмоционал реакциядан сўнг, аста-секин зўравонлик ҳолатини акс эттирадиган **хулқ-атвор одатларининг** моделлари ва механизмларини ўрганишга қаратилган ишларга ўтиш мумкин.

Ишнинг ушбу босқичининг мақсади — шахслараро муносабатлар тизимини тиклаш (репарация)дир. Мазкур босқич узоқ, ҳатто бир неча йил давом этиши мумкин.

ГЗ жабрланувчисини даволашга эътибор қаратган психолог ҳеч қандай изоҳ бермасдан фактларни аниқлайди.

Маслаҳат беришнинг асосий усули тинглашдир ва ўзаро муомалани “минимал рағбатлантириш” усули билан ифодалаш мумкин. Миждознинг интенсив фикрлаш жараёнига ёрдам берадиган танаффуслар катта аҳамиятга (Репарация - лот. тилида reparatio — тиклаш) эга.

Муҳим! Ушбу босқичда психолог ўзининг ички дунёсига қулоқ солиши, ҳис-туйғуларини ва фикрларини идрок қилиши, уларни қабул қилишни ва бошқаришни ўрганиши жуда муҳимдир. Ўзининг ҳис-туйғуларини ушлаб туриш (бошқариш) қобилияти психологга шахс зўравонлик жабрланувчиси бўлиб чиққанида вазиятни хотиржам ва холис баҳолашга, унга хизматлар тўғрисидаги маълумотлар ва мустақил қарор қабул қилишида ёрдам беради, бу ўз навбатида, психологнинг ўзига бўлган ишончи ва кучи мустаҳкамланишига имкон беради.

Инқирозли ҳолатга аралашар экан, психолог жабрланувчи зўравонлик оқибатида олган жароҳатини самарали даволашда ёрдам бериши керак. Бунинг учун маслаҳат бериш жараёнида психолог ёрдами билан **учта вазифа** қўйилади:

- нима бўлганлиги тўғрисида етарли ва аниқ-равшан тасаввурга эга бўлиш;
- ҳиссиёт ва реакцияларни бошқариш, таъсирни енгиш;
- психологик жароҳат оқибатларини енгиш учун хулқ-атвор моделларини шакллантириш.

Психологик ёрдам турлари ва шакллари

Психологик кузатиб бориш

- ГЗ жабрланувчилари ва уларнинг оилалари вазиятини мунтазам равишда мониторинг қилиб бориш асосида психологик ёрдам;

- руҳий безовталиқ, шахсият (шахсият доирасидаги) ёки шахслараро можаро ва ГЗ жабрланувчиларининг оғир ҳаётий вазиятини янада ёмонлаштириши мумкин бўлган бошқа салбий вазиятларни ўз вақтида аниқлаш;
- ўз вақтида зарур психологик ёрдам кўрсатиб бориш.

Психологик маслаҳат, психотерапия

Психологик маслаҳат ГЗ жабрланувчисидан унинг муаммолари тўғрисида маълумот олиш, жабрланувчи учун ички ресурсларни очиш ва сафарбар қилиш ва кейинчалик ижтимоий-психологик муаммоларни ҳал қилиш мақсадида у билан ушбу муаммоларни муҳокама қилишни ўз ичига олади.

Психологик маслаҳат қўйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- шошилинч психологик ёрдам: зўравонлик жабрланувчиларини инқироздан ёки стрессли вазиятлардан халос қилиш, психоэмоционал ҳолатни меъёрлаштириш, уларнинг жисмоний, маънавий, шахсий, интеллектуал ресурсларини инқироз ҳолатини енгиб ўтишга, юзага келган муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишга, ўзига бўлган ишончни кучайтиришга сафарбар этиш. Шошилинч психологик ёрдам “Ишонч телефони” орқали ҳам бўлиши мумкин;
- индивидуал психологик маслаҳат;
- “шерик маслаҳати.”

Индивидуал психологик маслаҳат ГЗ жабрланувчилари билан босқичма-босқич психологик машғулотларни олиб бориш учун шахсий режа тузиш учун.

Психологик тренинглар

Психологик тренинглар оғир ва ноқулай вазиятдан чиқишга ёрдам бериш, руҳий саломатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, стрессга чидамликни ошириш, биринчи навбатда, шахслараро муносабатлар, низоларни ҳал қилиш ва мулоқот соҳасида психологик маданият даражасини яхшилаш мақсадида ўтказилади.

“Ишонч телефони” ва “Телефон орқали тез ёрдам хизмати”

“Ишонч телефони” / “Телефон орқали тез ёрдам хизмати” (“горячая линия”) учун қўйидагилар зарур: тегишли тайёргарлик, билим, кўникма ва тажрибага эга бўлган қўнғироқларга жавоб берувчи ходимлар; ГЗ жабрланувчиси бўлган хотин-қизларнинг индивидуал ҳолатларига муносабат билдириш учун ёрдам телефонларида уларни бошқа ижтимоий ва тиббий хизматлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан боғлайдиган келишувлар/протоколлар мавжуд бўлиши керак.

Қўллаб-қувватлаш гуруҳлари

ГЗ жабрланувчиси қўллаб-қувватлаш гуруҳларига мурожаат қилиши мумкин. Бундай гуруҳларга мурожаат қилиш қўйидагиларни англатади: билимларни ошириш; муносабатларнинг ўзгариши (ишончнинг кучайиши); хулқ-атворнинг ўзгариши.

Асосий вазифа — бу эмоционал (ҳиссий) қўллаб-қувватлаш, “тиқинни очиш”, муаммони хавфсиз муҳитда муҳокама қилиш ва гуруҳ ёрдами билан ечимини топиш ва қарор қабул қилиш қобилияти.

Қўллаб-қувватлаш гуруҳларини икки турга ажратиш мумкин:

- муайян мавзуга оид;
- муайян мавзуга оид бўлмаган (мулоқот клуби).

📖 Хавфларни бошқариш ва баҳолаш

Амалий машқ. Кичик гуруҳларда кейс бўйича ишлаш

☞ Топшириқ: кейсни ўрганиб чиқинг, келтирилган фактларга асосланиб, жадвални тўлдириш орқали зўравонлик хавфлари даражасини аниқланг.

Саида ва Эркиннинг иши

Саида ва Эркин турмуш қурганига ўн йил бўлди. Эркин меҳмонхонада ҳисобчи бўлиб ишлайди, Саида эса уй бекаси. Саиданинг олдинги турмушидан фарзанди бор, Эркин билан бирга икки фарзанди бор. Эркин собиқ хотинига ҳужум қилгани учун қўшнилари яхши танилган. Эркиннинг ўй-рўзғор қоидалари жуда қаттиқ бўлиб, иши йўқлиги учун Саида ҳамма уй юмушларини бажаришини талаб қилади. Эркин Саидага илк бор ҳомиладорлигида қўлини кўтарган: юзига урган. Шундан сўнг у узр сўраган, лекин ўшандан кейин ҳам Саида бир неча бор тепиб, калтаклаган. Бир марта Эркин унинг бошига чинни лаганни отган.

Саида ҳамма нарсани Эркин хоҳлагандек қилса, Саиданинг қанчалик ҳаракат қилишини кўрса, унинг феъл-атвори ўзгаради деб умид қилади. У тез-тез Эркинни ҳаракатларини оқлайди ва агар ўзини яхши тутса, Эркин ундан жаҳли чиқмасди, деб ўйлайди. Аммо баъзида у жаҳл устида ғазаби тўхтамаслигидан ва бундан ҳам ёмонроқ нарсага қодир бўлишидан қўрқади. Саида бир муддат холасиникига кетишни режалаштирган, чунки унга ёлғиз қолиш фойда келтириши мумкинлигини тушунади, лекин бунга Эркиннинг муносабатидан хавотирда. Саиданинг дўст/дугоналари кам ва у ота-онаси томонидан қўллаб-қувватланмайди - улар унинг Эркин билан муносабатларини маъқуллашмайди.

	Зўравонлик тарихи	Зўравонлик тури ва шакллари	Ҳуқуқбузар билан боғлиқ хавф омиллари	Жабрланувчи томонидан хавфни идрок этиш	Оғирлаштирувчи омиллар
Кўринадиган хавф омиллари					
Профессионал хулосаларга асосланган хавотирлар					
Хавфни камайтириш бўйича ҳаракатлар	Саидага қаратилган	Эркинга қаратилган		Фарзандларига қаратилган	

Гуруҳлар тақдимоти

Ҳар бир соҳа мутахассисларининг фикрлари асосида касбий хулосаларни муҳокама қилиш.

Ҳавфсизлик режаси

Умумий муҳокама

☞ Саволлар: *Зўравонлик жабрланувчиси юқори хавф даражаси бўлган ҳолатда ҳам зўравонлик содир этган шахс билан бир жойда яшашага қарор қилса, бошпанада қолишни, ҳимоя ордери олишни, умуман унинг ёки яқинларининг ёрдам сўраб мурожаат қилгани зўравонга ошкор бўлишини истамаса нима қилиш керак?*

☞ *Хавфсизлик режаси ўзи нима? У қандай маълумотни ўз ичига олиши керак?*

Тренер тақдимоти ва қўлланма билан ишлаш

Хавфсизлик режаси келажакдаги зўравонлик ҳодисаларининг олдини олиш ёки уларнинг авж

олиши ҳамда бу борада экстремал ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқиладиган ГЗга қарши кенг қамровли таъсир чорасининг бир қисмидир. ГЗга учраган жабрланувчи ўз яшаш ҳудуди ёки ўша атрофга қайтишга мажбур бўлганида хавфсизлик режаси ишлаб чиқилади ва бажарилиши таъминланади. Ушбу режада жабрланувчи, унинг фарзандлари ва оиланинг бошқа заиф аъзоларини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мажбурий равишдаги чоратadbирлар акс этирилиши керак (4.6. илова).

Қўлланма билан ишлаш.

Тренинг иштирокчиларига 4.6.иловани диққат билан ўрганиб чиқиш топшириғи берилади.

 *Зарурат туғилса иштирокчиларнинг саволларига жавоб беринг*

Тренер тақдимоти (давоми)

Хавфсизлик режаси хавф омилларини ва мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Самарали хавфсизлик режасини ишлаб чиқиш учун нохуш ҳодисани такрорлаш ва зўравонликни кучайтиришга қаратилган мавжуд хавф омилларини тушуниш керак. ГЗ билан боғлиқ қанча кўп хавф омиллари аниқланса, жабрланувчиларнинг ҳам хавфга дуч келиш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Хавфсизлик режасини ишлаб чиқиш учун хизмат тақдим қилувчи томонидан қуйидаги маълумотлар тўпланиши мумкин:

- ГЗ жабрланувчиси, унинг фарзандлари ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатлари содир этилган олдинги воқеалар. Таъқиб қилиш, тазйиқ ва зўравонликнинг аввал ишлатилган шакллари ва воситалари, олдинги жиноятлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига берилган аризалар, совуқ қуролдан фойдаланиш фактлари хавфни баҳолаш кўрсаткичларидир;
- оила ташқарисидаги тажовузкор хатти-ҳаракатлар;
- риштани узиш ва ажрашиш хавфнинг ошиш даври ҳисобланади;
- зўравонлик содир этган шахс билан бошқа оила аъзоларининг бирлашиши;
- қонуний ёки ноқонуний равишда совуқ қуролга эгалик қилиш ва/ёки қурол ишлатиш билан таҳдид қилиш/қурол ишлатиш;
- спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд воситалар истеъмол қилиш хулқ-атвори сусайтириб, зўравонликнинг кучайишига сабаб бўлади;
- турли таҳдидлар, хусусан, ўлим таҳдиди жиддий қабул қилиниши керак;
- рашқ ва худбинлик (хўжайинлик қилиш)нинг ҳаддан ташқари шакли;
- жабрланувчининг ҳолатини зўравон билан тенглаштирилмаганлиги зўравонлик ҳолатини жамиятдаги мавжуд урф-одат ва анъаналар билан боғлаб изоҳланиши. Зўравонликни содир этган шахсдан жабрланувчи томонидан уларга сўзсиз риоя этишини талаб қилиш;
- зўравонликни содир этган шахс томонидан жабрланувчининг хулқ-атворини зўравонликнинг турли шакллари (руҳий, жисмоний, жинсий, иқтисодий)дан фойдаланган ҳолда назорат қилиниши;
- жабрланувчига нисбатан амалга оширилиши мумкин бўлган зўравонлик ҳаракатларидан ҳимояловчи вақтинчалик Ҳимоя ордери ёки суд қарорларнинг талабларига риоя этмаслик;
- зўравонликнинг кескин кучайишига олиб келиши мумкин бўлган сабаблар (муносабатлардаги салбий ўзгаришлар).

Хавфсизлик режаси ишлаб чиқилиши ва зарур бўлганида, ГЗ жабрланувчисининг кундалик турмуш тарзига зарар етказмаган ҳолда хавфсиз тарзда амалга оширилиши керак.

2.2.4. ГЗга идоралараро жавоб чораларининг бир қисми сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг хизматлари

Тақдимот

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими билан дастлабки алоқанинг ижобий тажрибаси ГЗ жабрланувчилари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Дастлабки алоқа ГЗ жабрланувчига одил судлов тизими, хусусан, ички ишлар органи унинг хавфсизлигидан манфаатдор эканлигини, унинг шикоятини жиддий қабул қилаётганлигини ва одил судлов хизматлари тақдим қилиш вақтида унга сифатли кўмак берилаётганлигига ишонч ҳосил қилмоқчи эканлигини кўрсатиши керак. Бундан ташқари, ГЗ ҳодисалари бўйича суриштирув олиб борилишини, далиллар тўплаш ва суриштирувни олиб боришнинг сифат талабларига мувофиқ ўз вақтида ва профессионал тарзда бошлаш зарур.

Иш тартиблари амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатлар турига қараб гуруҳлаштирилган ва улар: ГЗни аниқлаш/идентификация, ГЗ ҳодисасини баҳолаш, хизматлар тақдим этиш/аралашув, ГЗ ҳодисасини ҳужжатлаштириш ва бошқа хизмат тақдим қилувчиларга қайта йўналтириш каби бўлимлардан иборат.

ГЗ жабрланувчисини аниқлаш/идентификация

ГЗ жабрланувчисини аниқлаш ҳар хил усулда амалга ошириш мумкин:

- жабрланувчи ўзини ўзи ошкор этиши;
- зўравонлик содир этган жабрланувчининг ўз айбини тан олган ҳолда келиши;
- бошқа хизмат тақдим этувчи томонидан хабар қилиш;
- режали тиббий кўрик, диспансеризация ва шу каби чоралар яқунлари бўйича тиббиёт муассасасидан олинадиган ахборот;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларининг ўзлари томонидан аниқлаш (эгаллаб турган лавозими тўғрисида ички ишлар органи ходимларининг ҳуқуқий ҳаракатлари натижасида);
- ижтимоий тармоқлардаги хабарлар/эълонлар;
- бошқа шахсларнинг мурожаатлари.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жабрланувчини биринчи маротаба муассасаларнинг хоналарида ёки зўравонлик воқеаси содир этилган жойда, фавқулодда вазиятларда (ГЗ жабрланувчиси ёки бошқа шахсларнинг телефон қўнғироғидан сўнг) учратиши мумкин.

Ички ишлар органи ходимига шошилиш телефон қўнғироғидан кейин аралашув бўйича тавсиялар:

- хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш учун жабрланувчи билан имкон қадар тезроқ боғланиш;
- ГЗ жабрланувчисини зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахсдан ажратиш олинган (изоляцияланган);
- у ерда бўлган барча шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қўл остида бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай қуролни, шунингдек, жароҳат етказишда фойдаланиш мумкин бўлган кесувчи, тигли нарсаларни аниқланган ва олиб қўйинган;
- зарурат юзага келса, тез тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилинган;
- ҳаётига таҳдид солиб жисмоний зўравонлик ёки жинсий зўравонлик ҳолатида жиноят белгилари йўқотилмаслиги, ўзгартирилмаслиги ёки ифлослантирилмаслиги учун жиноят содир этилган жойни хавфсизлигини таъминланган;
- зарурат бўлса, бошқа мутахассисларни (масалан, техник мутахассисларни, психологларни, криминалистларни) чақиринган;
- зўравонлик ҳаракатларини содир этган шахсни (агар у ўша ерда бўлса) яққаланган, тинтув қилинган ва ушланган ҳамда уни жиноят содир этилган жойдан олиб чиқинган.

ГЗдан жабрланган НБХ/Қ бевосита ички ишлар органи бўлимларида ёки бошқа муассасалар/хизматлар, ташкилотларда ёрдам сўраганда ички ишлар органлари ходимлари учун тавсиялар

Аввалам бор, биринчи модулда тавсия этилган мулоқот қоидаларига риоя қилган ҳолда:

- ёрдам сўраб мурожаат қилган ГЗга учраган шахс танг/инқирозли аҳволда бўлиши мумкин, уни хушмуомалалик билан кутиб олинг, уни айблашдан ва эътиборсизликдан тийилинг;
- ўзингизни таништиринг ва муассасанинг ҳуқуқий меъёрлари/хизматлари ҳақида қисқача сўзлаб беринг ёки кўрсатинг;
- шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш устувор ҳаракатлар бўлиши керак. Ҳаёти хавф остида бўлган ГЗга учраган жабрланувчини дарҳол шошилиш даволаш учун юборинг;
- жабрланувчига айна ўзининг жинсидаги ички ишлар органи ходими томонидан қўллаб-қувватланишини таъминланг (айниқса жинсий зўравонлик ҳодисаларида);
- жабрланувчига у муҳим деб ҳисоблайдиган барча нарса ҳақида савол бериш имконини беринг;
- суриштирув ва ҳуқуқбузарни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида зарур маълумотнинг аниқлиги ва сифатини ошириш учун жабрланувчи билан ишончли муносабатга киришинг;
- Махфий ва унга ҳамдарад вазият яратинг, жабрланувчини фаол эшитинг, кузатинг ва вазиятга аниқлик киритиш учун саволлар беринг;
- ГЗга учраган жабрланувчи мулоқот қилиши мумкин бўлган одамлар сонини чегараланг;
- бошқа кишилар суҳбатни эшитиб қолиши мумкин бўлган вазиятда гендер зўравонлик ҳақида саволлар беришдан тийилинг;
- ГЗга учраган жабрланувчини, айнақса у ўзига тан жароҳати етказишига гумон қилсангиз ёки бундай хавф мавжуд бўлса, ёлғиз қолдирманг.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мутахассиси ҳар доим ГЗ жабрланувчиси ва бошқа жиноятлар ўртасидаги боғлиқликнинг эҳтимоли борлигини билиши керак. Масалан, ўз жонига қасд қилиш ва “оилавий можаро сабабли қотиллик” ўртасида потенциал боғлиқлик бўлиши мумкин. Йўқолган шахс оилавий жанжал сабабли юзага келган қотиллик қурбони бўлиши мумкин. Бола оилада содир бўладиган зўравонлик ёки шафқатсиз муомаланинг бошқа шаклларида (бола ёшидаги никоҳлар) қутулиш учун уйдан қочиш кетган бўлиши мумкин.

Ички ишлар ходими томонидан ГЗ ходисасини баҳолаш

ГЗ жабрланувчиси аниқлангач, ички ишлар органи ходими кейинги қадамлар (ҳуқуқий ёрдам/суриштирув, далиллар тўплаш, гендер зўравонликни ҳужжатлаштириш, қайта йўналтириш) ҳақида қарор қабул қилиши керак. Бунда ГЗ жабрланувчиси нисбатан самарали чоралар кўриш учун мавжуд ресурслар, малака ва ваколатлар доирасида иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

ГЗни бошидан кечирган жабрланувчининг эҳтиёжлари ва имкониятлари баҳоланиши керак, чунки бу суриштирув ва ҳуқуқий ёрдамни кўрсатишни кейинги қадамларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчилари қуйидагиларга амал қилиши зарур:

- тақдим этилган хизматлар учун розилик олиш. Агар жабрланувчи ўқишни ва ёзишни билмаса, анланган розилик тўғрисида ариза жабрланувчига ўқиб берилади ва оғзаки розилик олинади (бу факт анланган розилик тўғрисидаги шаклда ёки тиббиёт қайдномаларида қайд этилади);
- анланган розилик учун тегишли ахборот тақдим этиш. Бошқа муассасалар/хизмат тақдим этувчилар билан ахборот алмашиш оқибатлари ҳақида жабрланувчига хабар қилиш;
- жабрланувчига зўравонлик ҳодисаси бўйича маълумотлар алмашувига оид чекланган розилик бериш ҳуқуқини ва қайси маълумот ошкор этилишини, қайси маълумотлар эса сир сақланишини танлашини тушунтириш;
- ГЗга учраган жабрланувчидан нима содир бўлганини ўз сўзлари билан айтиб беришини, зўравонлик содир этган шахс, зўравонлик турлари ҳақида сўзлаб беришини сўраш.

Жабрланувчидан аниқроқ бўлишни ва ўз шахсий ҳикоясини айтиб беришни сўраш;

- калтакланган жойларни, тажовуз даражасини аниқлаш учун видеоёзувдан, расм ва видео материаллардан (схемалардан) имкон қадар кўпроқ фойдаланиш;
- жабрланувчи ўз ҳикоясини қайта айтиб беришга тўғри келадиган ҳолатлар сонини имкон қадар камайтириш;
- ГЗга учраган жабрланувчи холисона, дарди тушунилган ҳолда ёрдам олганлигига ва барчаси унга ёрдам беришга қаратилганлигига ишонч ҳосил қилиш;
- ГЗга учраган жабрланувчи у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятдан нима кутаётганлигини ифодалаб беришини сўраш;
- ГЗ жабрланувчисини ҳимоя қилиш учун унинг эҳтиёжлари ва умидларини тўлақонли ҳисобга олувчи ва буни таъминлаш учун зарур бўлган ёрдам/қўллаб-қувватлашни ўйлаб кўриш.

Хавфларни баҳолаш ва бошқариш

Ички ишлар органи ходими ГЗ ҳодисасига жавобан чоралар кўрганда зўравонликнинг такрорланишига олиб келиши мумкин бўлган хавф омилларини ўрганиши лозим. Улар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Жабрланувчи, болалар ёки оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ГЗнинг аввалги ҳодисалари/воқеалари ҳақидаги малумотлар. Шилқимликлар, зўравонликни содир этганда фойдаланилган шакллар ва воситалар, аввалги жиноятлар ва ички ишлар органига берилган аризалар, қуролдан фойдаланганлик ҳақида маълумотлар хавфни баҳолаш кўрсаткичи ҳисобланади. Бундан ташқари:

- оиладан ташқари тажовузкор хатти-ҳаракатлар;
- айрилиқ ва ажрашиш хавф ошган даврлар ҳисобланади;
- бошқа оила аъзоларининг зўравонлик содир этган шахс билан тил бириктириши;
- қуролга қонуний ёки ноқонуний эгалик ва/ёки ундан фойдаланиш ёхуд қурол қўллаш билан таҳдид солиш;
- алкоголь ичимликлар ёки гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш хулқ-атворни бузиши ва зўравонликнинг кучайишига олиб келиши мумкин;
- таҳдидлар, жумладан, ўлдириш билан таҳдид қилиш жиддий қабул қилиниши керак;
- ҳаддан ортиқ рашк ва хўжайинчилик қилиш;
- муносабатларда ҳаддан ортиқ стереотипли (хурофий) тушунчалар;
- тазйиқ ўтказиш ва психологик тажовузкорлик;
- судлар ёки ички ишлар органи томонидан берилган тақиқловчи буйруқларга риоя этмаслик;
- зўравонлик бирдан кучайишига олиб келиши мумкин бўлган сабаблар (муносабатлардаги ўзгаришлар).

Хизмат тақдим этиш

Суриштирув олиб бориш ва далил-исботлар тўплаш ГЗ ҳолларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. ГЗнинг кўпчилик шакллари “ёпиқ эшиклар” ортида содир этилиши ва улар ҳақида камдан-кам ҳолларда хабар берилиши туфайли ГЗга учраган жабрланувчининг кўрсатмалари баъзида зўравонликни содир этган шахс хулқ-атворининг ягона далили ҳисобланади. Тўғри ва тўлиқ суриштирув ГЗга учраган жабрланувчининг кўрсатмаларини қўллаб-қувватловчи қўшимча далил-исботларни аниқлаш имконини бериши мумкин.

ГЗ жабрланувчининг хавфсизлигига устувор аҳамият бериш билан бир вақтда ички ишлар органи ходимлари гумон қилинувчига айбловлар қўйиш ва ГЗга учраган жабрланувчи тайёрлигига асосланиб, ўз саъй-ҳаракатларининг айблов хулосасини тузиш учун далиллар тўплашга ва тегишли ҳуқуқий тартиб-таомилларни давом эттириш ҳақидаги кейинги қарорларга қаратиши керак. Ички ишлар органи ходимлари ГЗ жабрланувчининг баёнотиغا, агар бу фикрлар суриштирув вақтида

олинган бошқа холис далил-исботларга зид бўлса, тўлиқ ишона олмайди.

МФЙларда зўравонликка қарши курашни мувофиқлаштириш учун тегишли гуруҳлар тузиш тавсия этилади. Бу гуруҳ таркибига профилактика инспектори, маҳалла вакиллари, масжид имомлари, ўқитувчилар, психологлар, соғлиқни сақлаш тизимлари, жамоат ташкилотлари вакиллари киритиш мақсадга мувофиқдир. Имкон қадар, мунтазам равишда, ойига камида бир марта, ушбу гуруҳ вакиллари учрашувини ташкил қилиш керак бўлади. Ҳар бир профилактика инспектори *мувофиқлаштириш гуруҳининг* барча аъзолари учун алоқа рақамлари рўйхатига эга бўлиши зарур.

- Воқеа жойига чақирилиб, зўравонлик турини аниқлашда, жабрланувчи билан дастлабки суҳбат ўтказишда, имкон даражасида жабрланувчи ишонч билдираётган шахсни ҳам суҳбатга таклиф қилиш;
- ГЗ жабрланувчисига малакали юридик ёрдам олишга, шу жумладан, аниқ ҳолларда бепул юридик ёрдам олишга доир қонуний ҳуқуқини ва уни амалга ошириш усуллари тушунтириш;
- жабрланувчига воқеалар ривожининг мумкин бўлган вариантлари ҳақида маслаҳат ва ёрдам бериш, шунингдек, у қарор қабул қила олиши учун зарур ёки фойдали бўлиши мумкин бўладиган барча маълумотни тақдим этиш;
- ГЗ жабрланувчининг шикоятларини жиноятларни/ҳуқуқбузарликларни рўйхатга олиш китобида қайд этиш/маълумот базасига киритиш;
- маълумотларнинг/далилларнинг Маҳфийлиги ҳақида жабрланувчини такроран хабардор қилиш;
- жабрланувчидан нима бўлганини ўз сўзлари билан таърифлашини, зўравонлик содир этган шахс, зўравонлик турлари ва уларнинг оғирлиги ҳақида сўзлаб беришини сўраш. Бошқа хизмат тақдим этувчилар ҳисобот бериши ҳисобга олинса, айрим маълумотлардан фойдаланиш имконияти бўлади.
- жабрланувчи тушган вазиятга таъсир кўрсатадиган ижтимоий, оилавий ва шахсий жиҳатларни тушуниш учун эҳтиёжлар ҳамда ресурсларни баҳолаш;
- жабрланувчига ҳимоя ордери ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёрдамида ўтказилиши мумкин бўлган ҳаракатлар/аралашув ҳақида хабардор қилиш;
- мажбурий юридик ҳаракатлардан иборат хизматларни тақдим этиш (масалан, айрим жиноятлар учун одил судлов ишини тақдим этиш ГЗ ҳақида ариза ёки хабар берилганлигидан қатъи назар мажбурий ҳисобланади);
- ГЗ жабрланувчининг бевосита руҳий эҳтиёжларига таъсир кўрсатиш учун психологик қўллаб-қувватлашни таклиф қилиш (энг зарурларини). Агар бунинг имкони бўлмаса, ихтисослашган хизматга ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки у ерга жабрланувчини қайта йўналтириш;
- зарурат бўлса ёки жабрланувчининг илтимоси билан ижтимоий кўмак сўраб мурожаат қилиш;
- жабрланувчининг ўзи ва фарзандларининг хавфсизлигини ошириш учун хавфсизликни режалаштиришда жабрланувчига ёрдам бериш;
- агар зарур бўлса, тиббий ёрдам бериш;
- жабрланувчи ўз сўзлари билан нимани ошкор қилаётганлигини қайд этиш;
- барча ёзувларни хавфсиз ва Маҳфий жойда сақлаш;
- жабрланувчига ёзувлардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида хабардор қилиш;
- зўравонлик ҳаракатини содир этган шахс билан жанжаллашишдан тийилиш.

Вояга етмаган, ногиронлиги бўлган жабрланувчилар билан ўтказиладиган суриштирув ҳаракатлари жараёнида ўқитувчи, васийлик ва ҳомийлик органларининг қонуний вакили, агар керак бўлса, психолог иштирок этиши шарт; алоҳида ҳолларда стенография, видеокузатув, шунингдек, аудио ва видео ёзувлар тизимлари билан жиҳозланган махсус хоналарда сўроқ қилиш тартиби суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан белгиланади. Зарурат туғилганда, адвокат, вояга етмаган жабрланувчининг қонуний вакили, ўқитувчи ёки психолог саволларнинг моҳиятини ўзгартирмасдан қайта тузиш ҳуқуқига эга.

Далиллар тўплаш

Ички ишлар органи ходимлари далиллар бутунлигини сақлайдилар ва ашёвий далилларни топшириш жараёнида уларни тўғри белгилайдилар, ўрайдилар (упаковка), тўпланган далилларга ёрликларни бириктирадилар ва қўриқлайдилар, шу жумладан, қуйида келтирилган далилларни ҳам:

- зўравонлик хусусиятига эга ҳаракатлар вақтида кийилган ва шундан кейин, айниқса жинсий зўравонлик содир этилганидан кейин, эгнида бўлган кийимларни;
- ГЗ жабрланувчини жароҳатларининг (агар мавжуд бўлса), гумон қилинаётган шахс жароҳатларининг (агар мавжуд бўлса) ва жиноят жойларининг фотосуратларини ва/ёки видеоёзувларини. Жабрланувчи танасидаги жароҳатларни суратга олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими жабрланувчи билан бир жинсда бўлиши тавсия этилади;
- воқеа юз берган жойни схемаси, жароҳатлар етказилган жойнинг жойлашганлигини аниқлаш учун бошқа кўргазмали материаллар (схемалар);
- ёзувлар, SMS-хабарлар, диктофондаги ёзувлар, телефон суҳбатлари.

ДНК-далиллар жинсий жиноятларни текширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. ГЗ жабрланувчининг ва гумон қилинаётган шахснинг танаси ҳамда кийимига қўшимча равишда қон, тер, сўлак, соч ва сийдик каби биологик далилларни сақловчи презервативлар, чойшаб, кўрпа, ёстиқ, бутилка сингари жиноят белгиларининг кўплаб бошқа потенциал манбалари мавжуд. ДНК далилларини тўғри тўплаш учун ички ишлар органи ходимлари ички стандарт операциялар тартиб-таомилларга мувофиқ фаолият олиб боради. Ички ишлар органи ходими гендер зўравонлик жабрланувчисига далиллар тўплаш жараёнини, хусусан:

- жабрланувчига далилларни сақлаш/йўқ қилиб юбормаслик учун нима қилиш кераклигини ва нимадан тийилишни (масалан, ювинмасликни, кийимни алмаштирмасликни);
- тўпланган далиллар нима учун муҳим/фойдали бўлиши мумкинлигини тушунтириш.

Гендер зўравонликнинг такрорланмаслиги учун ҳуқуқий ёрдам

Профилактика инспектори МФЙда, мактабгача таълим ва умумтаълим муассасалари, бошқа ташкилотлар ва муассасалар вакиллари билан яқин ҳамкорликда ишлаши муҳим. Чунки МФЙда қўшма тадбирларни ўтказиш ва нотинч оилалар билан ишлаш ГЗ ҳодисалари мавжудлигини аниқлаш ва олдини олиш имкониятини беради;

- агар ГЗ ва тазйиқ ҳолатлари аниқланса, ҳимоя ордери бериш чоралари кўрилади. Зарурат туғилганда, жабрланувчи хавфсиз вақтинчалик яшаш жойига (шелтер/бошпана) жойлаштирилади;
- зўравонлик содир этган шахсни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш, қонунчиликка мувофиқ уларга нисбатан жазо / жарималарни қўллаш масаласини ҳал қилиш;
- ГЗ ҳодисаси қайтарилишининг олдини олиш учун медиаторлик хизмати вакиллари, оилавий психологлар жалб қилиш тавсия этилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими томонидан ГЗ жабрланувчисига ҳимоя ордери, жиноят/ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга эса ҳимоя ордери нусхаси берилиб, бу ҳақда уларнинг имзолари олинади, ушбу ҳужжатнинг тартиби бузилган тақдирда, бунинг ҳуқуқий оқибатлари қандай бўлиши тушунтирилади. Агар ГЗ жабрланувчиси вояга етмаган шахс бўлса, у ҳолда вояга етмаган шахсга нисбатан зўравонлик ҳолати ёки вояга етмаган шахс томонидан зўравонлик содир этилганлиги тўғрисидаги сигнал олиниши билан шу воқеа ҳақидаги хабар олиниши заҳоти профилактика инспектори ва вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор гендер зўравонлик содир бўлган жойга дарҳол етиб келишлари шарт.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор зўравонлик фактини тасдиқлашда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга юбориш учун керакли материалларни тўплайди, бу ерда боланинг келгуси тақдири масаласи ҳал қилиниши керак бўлади. Вояга етмаган шахслар баъзи

ҳолларда, суд қарори асосида, вояга етмаган шахслар учун мўлжалланган ИИБ ҳузуридаги ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига юборилади, бундай муассасаларда уларга педагогик, психологик, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади, қизларга эса аёл тарбиячилар ёрдам берадилар.

ГЗдан жабрланган шахслар билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш учун ички ишлар ходимлари учун маслаҳатлар

- Барча олинган маълумотлар аҳамиятини пасайтирмасдан жабрланувчининг ишини кўриб чиқиш тавсия этилади.
- Ҳамдардлик ва профессионалликни кўрсатиб, жиддий тинглаш тавсия этилади.
- Жабрланувчилар ўзларига ишончини ҳис қилишларини таъминлаш керак.
- Жабрланган одам танлаши мумкин бўлган танлов ҳақида батафсил маълумот бериш керак.
- Жуда кўп маслаҳатлардан қочиш ва жабрланувчига босим ўтказмаслик тавсия этилади.
- Жабрланувчининг қарор қабул қилиш ҳуқуқи ҳурмат қилиниши ва маълум бир танловни ўрнатишга уринмаслиги керак.
- Агар жабрланувчининг ишончини қозонмасангиз, сиз у билан самарали мулоқот қила олмайсиз!

Коммуникация тўсиқларини аниқлаш бўйича кичик гуруҳларда иш

 **Топшириқ:** кейси ўқиб ўрганиб чиқинг ва юқорида келтирилган маълумотлар асосида мулоқот тўсиқларини белгиланг ва санаб ўтинг.

Кейс

Ногиронлиги бўлган аёл эрига қарши берган шикоят юзасидан сўроқ қилиниши учун ички ишлар бўлимига таклиф қилинди. У келини билан терговчи томонидан тайинланган кун ва вақтда келди. Терговчига жабрланувчи ўз келини билан келгани ғалати туюлди, лекин у бу ҳақда ҳеч нарса демади. У икки аёлни катта хонага таклиф қилди. Хонада бошқа терговчилар ишлайдиган бир нечта стол бор эди. Терговчи жабрланувчини сўроқ қила бошлади ва у энди ҳамкорлик қилмаслигини пайқади. Ўша пайтда у келинининг борлиги жабрланувчи унинг саволларига жавоб беришга журъат этмаганига сабаб бўлганини тушунди. У ҳамкасбидан келинни бошқа қаватдаги бошқа хонага таклиф қилишни сўради. Кейин у самарали мулоқот қила бошлагандек туюлган жабрланувчини сўроқ қилишга киришди. Терговчи жабрланувчидан тажовуз ҳолати қандай содир бўлганлигини сўраганда, у қизариб, уяла бошлади ва ҳужум тафсилотларидан уяла бошлади. Бироқ, терговчи тафсилотларни олишни талаб қилди ва жабрланувчи дастлаб хабар берган жинсий тажовуз ҳақида саволлар бериб, жабрланувчидан эрини масхара (провокация) қилганми ёки йўқлигини сўради. Айни пайтда хонадаги бошқа бир нечта ходимлар ўз ишларини тўхтатдилар ва мумкин бўлган сирли (нозик) тафсилотларни тинглаб, жабрланувчига қараб юзланишди. Шунда жабрланувчи иқдорликни давом эттиришдан бош тортди, у, эридан хафа бўлганини, лекин энди шикоят қилишни хоҳламаслигини айтди. Аёл ўрнидан турди ва ички ишлар бўлимини тарк этди. Кейинги кунларда у шикоятини қайтариб олди.

Икки ҳафта ўтгач, тезкор хизмат жабрланувчига эри томонидан содир этилган шафқатсиз ҳужум ҳақида хабар олди ва жабрланувчи (ногирон аёл) оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

Умумий муҳокама учун саволлар:

- Сўроқ қандай ташкил этилгани ва ўтказилгани ҳақида нима деб ўйлайсиз?
- Терговчи хато қилдими? Мулоқотдаги қандай хатоларни англадингиз?
- Сиз нима қилган бўлардингиз?
- Охирги тажовузнинг олдини олиш мумкинмиди? Қандай қилиб?
- Алоқа тўсиқларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун ечимларни таклиф қилинг.

Ўз фикрингизни билдиринг ва сўроқ қилувчиларнинг тўғри муносабатини тавсифланг.

ГЗдан жабрланувчи билан мулоқот самарадорлигини ошириш бўйича маслаҳатлар

Тренер тақдимоти.

- Зўравонликдан жабрланганларни қайта жабрланишини олдини олиш керак.
- Зўравонликдан жабрланганлар эътибор ва ёрдамга муҳтождир.
- Хонада бошқа одамларсиз конфиденциал/бирма-бир гаплашиш имкониятини яратиш зарур.
- Мулоқот қилинадиган хона тинч, қулай бўлиши, жабрланганнинг хавфсизлиги ва Маҳфийлигини таъминлаш керак.
- Тинч овоз билан гапириш тавсия этилади.
- Зўравонликдан жабрланган аёл ва қизларга жавоб бериш учун етарли вақт берилиши керак.

ГЗдан жабрланган шахслар билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш учун ички ишлар ходимлари учун маслаҳатлар

- Барча олинган маълумотлар аҳамиятини пасайтирмасдан зўравонликдан жабрланганларнинг ишини кўриб чиқиш тавсия этилади.
- Ҳамдардлик ва профессионаллиқни кўрсатиб, жиддий тинглаш тавсия этилади.
- Жабрланган хотин-қизлар ўзларига ишончини ҳис қилишларини таъминлаш керак.
- Жабрланган хотин-қизлар танлаши мумкин бўлган танлов ҳақида батафсил маълумот бериш керак.
- Жуда кўп маслаҳатлардан қочиш ва жабрланган хотин-қизларга босим ўтказмаслик тавсия этилади.
- Жабрланган хотин-қизларнинг қарор қабул қилиш ҳуқуқи ҳурмат қилиниши ва маълум бир танловни ўрнатишга уринмаслик керак.

Агар жабрланувчининг ишончини қозонмасангиз, сиз у билан самарали мулоқот қила олмайсиз!

Иккинчи модулни якунлаш.

Мавзулар бўйича асосий хулосалар.



3. Учинчи модуль: ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш ва ГЗ нинг олдини олиш

Ўқув модулига ажратилган вақт: 7 соат	
Ўқув модули якунида билиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • ГЗ содир этилганидан сўнг идоралараро мувофиқлаштирилган хизматлар тақдим этиш тамойиллари • Қайта йўналтириш тизими ва тартиби • Кейс-менеджмент асослари • Идоралараро ишлаш тамойиллари • Ҳужжатлар тўпламларини йиғиш.
Ўқув модули якунида тингловчи бажара олиши лозим:	<ul style="list-style-type: none"> • ГЗга учраган НБХ/Қлар билан ишлашда идоралараро ҳамкорлик асослари • Оила билан ишлаш • Ногиронлиги бўлган болаларнинг ота-оналари, НБХ/Қнинг яқин оила аъзоларининг ижтимоий-психологик муаммоларини аниқлаш

	<ul style="list-style-type: none"> • Ота-оналар ва бошқа яқин қариндошлар ҳамда васийлар билан ҳамкорликда зўравонлик такрорланишининг олдини олиш • ГЗнинг олдини олиш бўйича иш режасини тузиш • Хужжатлаштириш ва зарур ҳужжатларни юритиш.
--	---

Учинчи модуль мавзуларининг тавсифи

Иккинчи модуль бўйича савол-жавоб (блиц-сўров).		15 ақиқа
3.1. ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этиш жараёнини мувофиқлаштириш Умумий вақт: 1 соат 30 дақиқа		
Вазифалар	3.1.1. Қайта йўналтириш тизими. <ul style="list-style-type: none"> ▪ Идоралараро ҳамкорлик ва қайта йўналтириш тартибини муҳокама қилиш. • Хужжатлаштириш бўйича тавсиялар бериш.. 	
Вазифалар	3.1.2. Кейс-менеджмент асослари <ul style="list-style-type: none"> • Кейс-менеджмент тушунчасини муҳокама қилиш. • Кейс-менеджмент босқичларини ўрганиш.. 	
Усуллар	<ul style="list-style-type: none"> • Умумий муҳокама • Тақдимот • Кичик гуруҳларда ишлаш. 	

3.1.1. Қайта йўналтириш тизими

 **Умумий муҳокама.**

 *Топшириқ: Қайта йўналтириш тизимини тасвирланг.*

 *Тренер диққатига. Иштирокчилар таклиф қилган органиграммани таҳлил қилинг.*

Тақдимот

НБХ/Қга нисбатан ГЗга қарши курашиш бўйича идоралараро ҳамкорликни таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилади:

- Ихтисослашган хизматлар ва ваколатли орган учун НБХ/Қга нисбатан зўравонлик бўйича **интеграциялашган маълумотлар базаси** яратилмоқда, у тегишли хизматлар ҳисоботлари, ногиронлиги бўлган шахслар ўртасида ўтказиладиган аноним анкеталар, аноним сўровлар асосидаги статистик маълумотлар билан мунтазам равишда (ойлик, чораклик) янгиланади.
- Идоралараро ҳамкорлик иштирокчилари ўртасида меморандум (ёки бошқа шаклдаги келишув шартномаси) тузилади. ГЗ жабрланувчиларига (тиббий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ижтимоий, психологик) хизматлар кўрсатишга ваколатли барча ташкилотларда ГЗдан жабрланган НБХ/Қни

ҳимоя қилиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларининг маълумотлар базаси бўлиши керак.

- Муаммоли оилалар аниқланганда, НБХ/Қларга нисбатан ГЗ хавфи аниқлангандан сўнг, маълумотлар МФЙнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори ва аёллар билан ишлайдиган МФЙ ходими ёки ГЗдан жабрланган НБХ/Қларни қўллаб-қувватловчи ННТга ва/ёки ГЗдан жабрланган НБХ/Қларни қўллаб-қувватловчи реабилитация марказига юборилади.
- МФЙда хотин-қизлар билан ишлайдиган ходим ГЗга дучор бўлаётган НБХ/Қ бўлган оиладаги ижтимоий вазиятни соҳалараро баҳолашни ташкил қилади. Бундан ташқари, оила билан биргаликда ишлашнинг индивидуал режаси ишлаб чиқилади.
- Ногиронлиги бўлган ГЗдан жабр кўрганлар ва уларнинг оила аъзоларини биргаликда мониторинг қилиш ва қўллаб-қувватлаш амалга оширилади.
- Зарур ҳолларда юзага келган оғир ҳаётий вазиятларни (молиявий, уй-жой, юридик, тиббий ёки ҳулқ-атвор) енгиш бўйича хизматлар кўламини кенгайтириш, хизматларни мувофиқлаштириш мақсадида бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларига кейинги йўлланмалар амалга оширилади; хизматлар тугагандан сўнг кўрсатилган хизматлар мониторинг қилинади ва баҳоланади.

📖 Қайта йўналтириш (бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш)

Қайта йўналтириш — ГЗ жабрланувчисининг ўз иши хусусида индивидуал мутахассис ёки муассаса билан алоқага қилиш жараёни, ҳамда мутахассислар ёки муассасаларнинг жабрланувчини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида биргаликда мулоқот қилиш ва биргаликда ишлаш жараёни саналади. Қайта йўналтириш тармоғидаги ҳамкорлар одатда турли давлат идоралари, хотин-қизлар ташкилотлари, жамоат ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқаларни ўз ичига олади (ЮНФПА 2010).

Қайта йўналтириш тизими — ГЗни бошидан кечирган жабрланувчиларнинг химоясини таъминлаш ва ёрдам бериш, уларнинг тўлиқ тикланишида ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришда, ГЗ олдини олиш ва зўравонликни содир этган шахсни таъқиб қилиниши каби умумий мақсадларга эга бўлган, ҳамкорлик тармоғида пухта аниқлаштирилган ва аниқ белгиланган (айрим ҳолларда бир-бирини ўрнини тўлдирувчи) қайд этилган мажбуриятлар ва ваколатларга эга бўлган турли объектларни бирлаштирадиган мажмуавий институционал база. Қайта йўналтириш механизмлари самарали ўзаро алоқалар асосида ишлайди ҳамда аниқ ва оддий изчил қадамлардан иборат аниқ белгиланган йўллар ва иш тартибларни ўрнатадилар. (ЮНФПА 2010).

Бошқа хизмат кўрсатувчиларга (қайта) йўналтириш тизимининг мақсади ГЗ жабрланувчисига яхши муомала ва ғамхўрлик қилиш, жабрланувчини парвариш қилиш ва даволаш, шунингдек, ижтимоий-психологик ва бошқа афзал кўрилган хизматларни олиш, унинг шошилини ва кўп сонли эҳтиёжларини қондириш бўйича ҳисобот беришнинг энг хавфсиз ва энг самарали усулини таъминлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, бошқа хизмат тақдим қилувчиларга йўналтириш хизматларини тақдим қилишда келишилган ёндашувга эътибор қаратилиши зарур. Барча хизмат тақдим этувчилар, жабрланувчи билан биринчи алоқа нуқтаси бўлишларидан қатъий назар, ушбу тизимдан хабардор ҳамда бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш қобилятига эга бўлишлари керак.

Агар муассасалар/ташкилотлар, аниқ хизмат тақдим этувчилар (мутахассислар) ҳақидаги ахборотлар/маълумотлар ҳамда, уларнинг алоқа маълумотлари тизимлаштирилган бўлиб, тегишли муассасаларга ўтказиб берилса, бошқа хизмат кўрсатувчиларга қайта йўналтириш тизими самарали ишлайди. Ижтимоий-психологик, тиббий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бўйича хизмат тақдим этувчилар қуйидагиларни амалга ошириши керак:

- Жабрланувчининг эҳтиёжи ва истакларини баҳолаш натижаларига асосан у учун қандай бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш манфаатли бўлиши мумкинлигини аниқлаш.

- Жабрланувчини у сўраган ва/ёки лозим деб топилганда, уни бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтирилиши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилиш.
- Бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш бўйича кейинги босқич учун жабрланувчининг олдиндан англандан розилигини олиш.
- Жабрланувчи билан бошқа хизматларни тақдим этувчиларга қандай маълумотларни беришни ва қандай маълумотларни сир сақлашни келишиб олиш. Жабрланувчига зўравонлик ҳодисаси тўғрисидаги маълумотларга нисбатан ҳар қандай ҳуқуқий тартибга солиш/чекловларнинг мавжудлигини тушунтириш.
- Қуйидаги мезонлар асосида ГЗ жабрланувчисига хизматларни тақдим этувчилар ҳақидаги аниқ ва тўлиқ маълумотларни тақдим этиш:

КИМ — ГЗни бошидан кечирган жабрланувчиларга қандай хизмат тақдим этувчи муассаса/ташкилот бор? Ушбу хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш учун масъул шахснинг алоқа маълумотлари (исм-фамилияси, лавозими, манзили ва телефон рақами)ни келтириш.

НИМА — жабрланувчилар маълум бир хизматларни тақдим этувчилардан қандай ёрдамларни кути-шлари мумкин? Шунингдек, ушбу хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги маълумотлар.

ҚАЕРДА — хизматларни тақдим этувчининг жойлашган жойи/аниқ манзили.

- ГЗ жабрланувчисининг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истагига мувофиқ, уни бошқа хизмат тақдим этувчига йўналтириш. Жабрланувчиларга муҳим ёрдамларни тақдим этишда етакчи хизмат тақдим этувчилар қуйидагилар ҳисобланади:
 - ✓ факт ва далилларни тўплашда жабрланувчига ёрдам берадиган энг яқин муассаса;
 - ✓ зўравонлик ҳаракати тўғрисида ариза билан мурожаат этиш учун ички ишлар органлари;
 - ✓ тиббий, шу жумладан, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт муассасаси;
 - ✓ ижтимоий ва психологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун реабилитация (инқироз) марказлари бошпаналар.
- Бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш ишларини қисқа ёзма ҳисобот ва қабул қилиб олаётган хизмат тақдим этувчининг вакили билан телефон орқали суҳбат билан якунлаш. Бу жабрланувчи бошидан кечирган зўравонлик ҳодисасининг яна такроран айтиб бермаслигини ва кўпгина суриштирув жараёнларида берилган бир хил саволларга жавоб бериш вазиятни юзага келтирмаслик, ГЗ ҳодисаси билан боғлиқ такроран психологик жароҳатдан ўтишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Жабрланувчига уни бошқа хизмат тақдим этувчига қайта йўналтириш имкониятини яратиб бериб, шу орқали унинг мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини рағбатлантириш. Агар лозим бўлса, жабрланувчини бошқа хизмат тақдим қилувчига қайта йўналтириш жараёнида уни бирга кўзатиб бориш.

- Тўпланган далиллар нима учун муҳимлигини ва фойдали эканини тушунтиринг. Жабрланувчидан зўравонлик ҳолатини исботловчи далилларни йиғишни хоҳлайдими-йўқми, сўранг. Далилларни муайян ҳолатларда (масалан, жинсий зўравонлик ҳодисасида) имкон қадар тезроқ тўплаш лозимлигини эслатинг. Далилларни сақлаб қолиш ёки йўқ қилиб юборишга йўл қўймаслик учун нималар қилиш ва нималардан қочиш (мисол учун кийимни ювмаслик, либосни алмаштирмаслик) зарурлигини тушунтириш.
- ГЗ жабрланувчиларига хизмат тақдим этувчи муассасалар/ташкилотлар рўйхатини мунтазам равишда янгиланган туринг. Рўйхат (каталог)да муассаса номи, масъул шахси, манзили, телефон рақамлари ва бошқа алоқа маълумотлари ҳамда тақдим қилинадиган хизматлар рўйхати акс эттирилиши лозим.
- Тегишли хизматларни тақдим қилувчи муассасалар/ташкилотлар билан бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш жараёнлари ҳамда ҳар бир хизматнинг аниқ вазифалари бўйича

келишувлар тузиш, меморандум/протоколлар имзолаш.

- Хизмат тақдим қилувчилар/муассасалар билан ахборот-маълумот алмашиш ва бошқа хизмат тақдим этувчиларга йўналтириш жараёнлари келишилганига ва тегишли ходимларга етказилганига ишонч ҳосил қилинг.

Хизмат тақдим этувчилар томонидан ГЗ ҳодисасини ҳужжатлаштириш

Умумий муҳокама.

-  **Савол:** *ГЗ фактлари бўйича қандай ҳужжатлар юритасиз? Қандай ҳужжатлар юритилиши лозимва нима учун?*

ГЗ ҳақидаги ҳар бир ҳодиса хизматларни етказиб берувчи томонидан албатта ҳужжатлаштирилиши шарт. Зўравонлик ҳолатларини ҳужжатлаштириш стандарт шакллар, қўл билан ёзувлар, диаграммалар, фотосуратлар, рўйхат дафтарлари, кўрсаткичлар ва бошқа воститалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

ГЗнинг ҳар бир ҳолати бўйича тегишли маълумотларни тўплаш ва уларни маълумотлар базасига киритиш:

- зўравонлик ҳолатларининг ривожланишини кузатиш ва баҳолаш учун керакли маълумотлар базасини яратади;
- маълум бир ҳудудда юз берган ва ошкор бўлган ҳолатлар тўғрисида аниқ тасаввур беради;
- ГЗ бўйича идоралараро кўрилган чоралар фаолиятини баҳолашга ёрдам беради.

-  **Савол:** *Хизматларни тақдим этувчи ГЗ жабрланувчиси ҳақида қандай маълумотларни тўплаш керак?*

Кутилаётган жавоб:

1. Жабрланувчи ҳақидаги умумий маълумотлар (ёши, маълумоти, яшаш жойи ва яшаш шароитлари, фарзандлари сони ва бошқалар), хизмат кўрсатиш учун олинган розилик, тиббий тарих (яъни умумий тиббий ва гинекологик тарих), воқеалар тўғрисидаги ҳисобот, кўрик натижалари, тадқиқотлар ва уларнинг натижалари, даволаниш режаси, маълумотлар ёки буюрилган дорилар, жабрланувчилар ҳақидаги ва тақдим қилинган бошқа маълумотлар.

 **Тренер диққатига.** *СОТларда биринчи иловада келтирилган дастлабки скрининг жадвали билан иштирокчиларни таништиринг.*

2. Жабрланувчи ҳақидаги тўлиқ маълумотларни йиғиш ва қайд этиш, шу жумладан:

- ГЗни тасдиқловчи далиллар;
- бошқа нохуш ҳодисалар тарихи, шу жумладан, аввалги шериклари билан;
- жабрланувчи ва жабрловчининг ўзаро муносабатлари;
- зўравонликнинг тури;
- қурол ишлатилганми (ишлатилган бўлса қайси турдаги ва қандай ишлатилган);
- ҳодиса пайтидаги гувоҳлар, шу жумладан, болалар ҳам.

3. Зўравонликнинг таъсири/оқибатларини (жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий) батафсил тасвирланг.

4. Хавф ва ҳимоя омилларини (шахсий ва ижтимоий/умумий) тавсифланг.

5. Зўравонлик ҳолатини бартараф этиш учун режалаштирилган ёки амалга оширилган ишларни ёзинг.

6. Бу ишда режалаштирилган хавфсизлик ва мавзулар мажмуини тавсифланг.

7. Кейинги учрашувларда мазкур ишнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тўпланг.

8. Жабрланувчи ҳодиса ҳақида сўзлаб берганида нималарни фош қилганига эътибор қаратинг.
9. Ўзингизнинг шубҳа-гумонларингиз ва уларни тасдиқловчи далилларни ҳужжатлаштиринг.
10. Жабрланувчининг ёзма маълумотларидан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида уни огоҳлантиринг ва розилигини олинг.
11. Барча маълумот ва ҳужжатларни хавфсиз ва Махфий жойда сақланг. Ҳар бир мамлакатда амалга киритилган етакчи кўрсатмалар маълумотларнинг қанчалик кенг қамровли бўлишини белгилайди.
12. Уларни маълумот йиғиш тизимига киритиш учун етарли вақт ажратинг.

3.1.2. Кейс-менеджмент асослари

Тақдимот

Кейс-менежмент (ёки вазият бўйича ишлаш)* – ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг тан олинган усули бўлиб, бунда инсон (мижоз) – айна вазиятдаги муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин бўлган ижтимоий хизматларнинг эътибори марказига қўйилади.

Кейс-менежментнинг ижтимоий хизматлар ходими ва мижоз билан ҳамкорликда амалга ошириладиган қуйидаги босқичлари кетма-кетлигига қатъи риоя қилиш мажбурий талаблардан бири ҳисобланади:

- мижоз эҳтиёжларини баҳолаш,
- хизматларни режалаштириш,
- хизматларнинг кўрсатилиши ва
- олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш,
- эришилган натижаларни баҳолаш.

**Манба: кейс-менежмент амалиёти стандартлари. ижтимоий хизматларга муҳтож инсонлар ва оилалар билан ишлаш юзасидан қўлланма.*

Кейс-менежмент босқичлари



Тавсиялар:

- Ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдаги ўзгаришни мунтазам мониторинги, режалар ва ҳаракат дастурларини ишлаб чиқинг.
- Бошқа мавзулар бор ёки йўқлигини ундан доимий равишда сўраб туринг/билиб олинг.
- Узоқ муддатли зўравонликдан чиқиш режани тушунтиринг.
- Кейинги жараёнларида жабрланувчининг ҳолатидаги ўзгаришларни ўрганинг.
- Зўравонликдан чиқиш стратегиясининг самарадорлигини ва ҳаракатларнинг натижаларини баҳоланг.
- Юзага келган қийинчиликларни кўриб чиқинг ва уларни енгишда ёрдам беринг.
- Келгусидаги ҳаракатлар ва режани қайтадан кўриб чиқинг.

 **Умумий муҳокама ва мавзуну яқунлаш**

 Савол: *Ўтилган мавзу фойдали бўлдими? Нима учун? Кейс менеджмент босқичларининг аҳамияти нимадан иборат?*

<p>3.2. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ ҳолатларининг олдини олиш. Умумий вақт: 2 соат</p>	
<p>Вазифалар</p>	<p>3.2.1. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ содир этувчи шахслар тавсифи.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ногиронлиги бўлган фарзандларни ота-оналарининг ижтимоий-психологик муаммоларини таҳлил қилиш ва ечимларини муҳокама қилиш. <p>3.2.2. ГЗнинг олдини олиш учун НБХ/Қнинг ота-оналари ҳамда яқин қариндошлари билан ишлаш.</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ота-оналар ва бошқа яқин қариндошлар ҳамда васийлар билан ҳамкорликда зўравонлик такрорланишининг олдини олиш бўйича чора тадбирларни муҳокама қилиш. • ГЗнинг олдини олиш мақсадида НБХ/Қнинг ота-оналари ва яқинлари учун ҳуқуқий таълимнинг самарали усулларини кўриб чиқиш, бундан ташқари, ногиронларлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва уларга ота-оналари ҳамда яқинлари томонидан номуносиб хатти-ҳаракатлар учун маъмурий ва жиноий жазо чоралари мавжудлиги ҳақида маълумотларни етказиш бўйича чора-тадбирларни муҳокама қилиш. • НБХ/Қга нисбатан ГЗнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар мажмуини тузиш бўйича амалий машқ бажариш.
<p>Усуллар</p>	<ul style="list-style-type: none"> • Умумий мунозара. • Кичик гуруҳларда кейс бўйича амалий машқ. • Тақдимот. • Қўлланма билан ишлаш.

3.2.1. Ногиронлиги бўлган хотин-қизларга нисбатан ГЗ содир этувчи шахслар тавсифи

 **Ногиронлиги бўлган фарзандларни ота-оналарининг ижтимоий-психологик муаммолари.**

 **Умумий муҳокама.**

 **Савол:** НБХ/Қларга нисбатан кимлар зўравонлик содир этиши мумкин? Нима учун зўравонлик одир этишади?

 **Кичик гуруҳларда кейс бўйича амалий машқ**

 **Топшириқ:** Кейсни ўрганиб чиқинг ва онанинг муаммоларини аниқланг.

Кейс

Мен 30 ёшдаман, турмуш қурганман, 1,6 ёш ва 4 ёшли иккита фарзандим бор, каттаси аутизмга чалинган.

Яқинда биз яшаш жойимизни ўзгартдик, шунинг учун мен ҳали ишламаяпман, мен болалар ва кундалик ҳаёт билан деярли дам олмасдан шуғулланаман. Эрим жуда кўп меҳнат қилиши ва уйдан ташқарида бошқа нарсаларни ҳал қилиши керак, шунда биз умуман яшай оламиз.

Сўнгги пайтларда бу каби яшаш мен учун чидаб бўлмас бўлиб қолди, мен болаларга қарайман. Мен кўпинча фарзандларимга бақираман, улар менга тегмасликлари учун бошқа нарса қилишга ҳаракат қиламан. Энг муҳими, мен болани кескин туртиб олишим ёки қўлларига уришим мумкинлигидан хавотирдаман. Менимча, бу мақбул эмас, лекин ҳозир мен ўзимни тўхтата олмайман.

Мен болалигимда калтакланган эмасман, лекин тез-тез психологик зўравонлик бўларди, чунки отам ичкиликка берилган эди. Шунинг учун мен ота-онадан қўрқиш нима эканлигини биламан.

Мен ҳам фарзандларим учун қўрқувни келтириб чиқарадиган инсонга айланишимдан қўрқаман.

Албатта, бундай хатти-ҳаракатларимдан кейин, мен йиғлайман, улардан кечирим сўрайман ва ҳар сафар ўзимга бу охириги марта эканлигини айтаман, лекин ҳамма нарса қайта-қайта такрорланади.

Бу вазиятдан қандай чиқиш керак?

Ҳозирги ҳолатимизда энага ёллаш ёки болалардан бирини болалар боғчасига юборишнинг иложи йўқ. Кичиги жуда қиммат, лекин каттасига мен қила олмайман, чунки биз унинг ташхисини янги мамлакатда тан олиш билан шуғулланаяпмиз. Бу ҳам кўп ҳаракат талаб қилади.

Мен ўзимни йиртқич ҳайвон каби ҳис қиляпман, баъзида менсиз болалар яхши бўларди деб ўйлайман. Бундай шафқатсиз усуллардан фойдаланишни тўхтатиш учун ўзимга қандай ёрдам бера оламан? Ва уларнинг инжиқликларига қандай қилиб бошқача муносабатда бўлиш керак? Ўзига хос хусусиятларга эга бўлган катта бола жуда оғриқли муносабатда бўлади, у ўткир товушлар ва ҳаракатлардан қўрқади.

 **Кичик гуруҳлар ишланмаларининг тақдими ва уларнинг муҳокамаси**

 **Савол:** Инсоннинг бундай ҳолати нима деб аталади? Буни ўзгартриш учун нималар қилиш лозим ва нима учун?

 **Тренер диққати:** Ишланмаларни умумлаштиринг ва қуйида келтирилган маълумотларни тақдим этинг.

 **Тренер тақдими**

 **Ногиронлиги бор болаларни тарбиялаётган оилаларда зўравонликка олиб келувчи асосий муаммолар**

Ногиронлиги бор болаларни тарбияловчи ота-оналар кундалик ҳаётида бир қатор ҳал қилиниши қийин бўлган ҳаётий муаммоларга дуч келади, уларнинг орасида қуйидаги асосий муаммоларни ажратиш мумкин:

Моддий-маиший:

Ногиронлиги бор болали оилаларда ногиронлиги йўқ болали оилаларга нисбатан моддий таъминланганлик даражаси пастроқ бўлиши эҳтимоли кўпроқ. Иқтисодий муаммолар қуйидаги сабабларга боғлиқ:

- уй-жойнинг ногиронлиги бор боланинг ўзига хос жиҳатларига мослаштирилмаганлиги;
- оиланинг даромади, одатда, отанинг иш ҳақи ва боланинг ногиронлик нафақасидан ташкил топади, оналар эса бола билан шўғулланар экан, ишлаш имкониятига эга бўлмайди, ёки қисқартирилган иш кунини расмийлаштиришга мажбур;
- болани даволашга мунтазам сарф-харажатлар (қимматбаҳо дорилар, тиббий муолажалар, зарур мосламалар ва аппаратлар, ўқитиш);
- кўпинча ногиронлиги бор бола туғилганлиги сабабли оилалар ажрашиб кетади, аммо бунда бола, одатда, онаси билан қолади.

Психологик муаммолар:

- боланинг ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари томонидан қабул қилинмаслиги;
- ижтимоий стигматизация, ажралиб қолиш;
- боларнинг тақдири учун қайғуриш, келажагидан ташвишланиш;
- оиладаги психологик муҳитнинг ёмонлашуви, тиғизлик, низолар;
- ота-оналар ўзларни айблаши;
- турли-туман маиший муаммоларни ҳал қилиш зарурлиги туфайли ўзаро муносабатлардаги кескинлик;
- ота-онанинг биронтасининг оиладан кетиши.

Тиббий муаммолар:

- бола учун сифатли, ўз вақтида ва комплекс тиббий ёрдам ва бола учун реабилитация олиш имкониятининг йўқлиги.

Ижтимоий-касбий муаммолар ва чекловлар:

- профессионал режаларни амалга оширишдан, таълимдан воз кечиш;
- ногиронлиги бор болани даволаш даври ва уни парваришлашни таъминлаш учун ишдаги мажбурий танаффуслар;
- ногиронлиги бор боланинг манфаатларини ҳисобга олиб, ота-она ишининг характерини ўзгартириш;
- боланинг манфаатларига бўйсундирилган турмуш тарзини шакллантириш;
- боланинг дам олишни ўтказиш билан боғлиқ қийинчиликлар.

Ота-онанинг **психологик, тиббий ва педагогик билимларининг етишмаслиги** билан боғлиқ муаммо шулар жумласидандир. Аксарият ҳолларда, ногиронлиги бор болаларнинг ота-онаси касалликка катта баҳо беради ёки етарли даражада баҳолай олмайди.

Ногиронлиги бор болаларнинг жамиятнинг турмуш шароитларига **ижтимоий-маиший мослашувига** оид мураккабликлар:

- ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, ҳаракатланиш, қўшимча техник воситалардан, жамоат транспортдан фойдаланиш кўникмаларини, мустақилликни ривожлантириш;

Бу борада марказий муаммолар сифатида, айниқса, ногиронлиги бор болаларни тарбияловчи оилаларда, болага **таълим бериш ва уни ишга жойлаштириш** билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келишини қайд этиш мумкин.

Санаб ўтилган муаммолар жиддий руҳий юклама бўлиб, уларни енгиб ўтиш бутун оила учун кучли стрессни келтириб чиқаради, ота-оналик туйғуларига бўзғунчи таъсир кўрсатади. Ота-оналар, ўзлари шунини тушунмагани ҳолда: алам, уялиш, асабийлашиш туйғуларини ҳис қилиши мумкин. Кўпинча ушбу туйғулар англамайди ёки бостирилади, ва бу асаб тизимининг таранглашувига ва

емирилишига олиб келади, қўрқув туйғусини, депрессив ҳолатни, ёлғизлик, ўзлигини йўқотиш туйғуларини келтириб чиқаради, демак, **эмоционал куйишга** сабаб бўлади.

Кўриб чиқилган муаммоларнинг аксариятини оилалар мустақил равишда ҳал қила олмайди ва доимий ижтимоий ҳимояга, ёрдамга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади.

Ота-оналарнинг эмоционал толиқиш синдроми

Ота-оналарнинг эмоционал толиқиши — бу сурункали ота-оналик стрессининг давомли таъсири остида юзага келадиган ўзига хос синдром. Ушбу ҳолат ота-оналик вазифаси билан боғлиқ енгиб бўлмас куйиш, ўз фарзандларидан эмоционал узоқлашиш ва ота-оналик муваффақиятсизлиги билан тавсифланади.

Ота-онанинг эмоционал куйиши уларнинг ўзлари учун ҳам, оила аъзолари учун ҳам бир қатор салбий оқибатларни келтириб чиқаради: соғлиққа таъсир кўрсатади (уйқу билан боғлиқ муаммолар, қарамликларнинг вужудга келиши, психосоматик касалликлар), оиланинг ички муаммолари (эр-хотин жуфтликларининг низолари ва жуфтликларнинг узоқлашуви), шунингдек, ўз болаларига беписандлик ва зўравонлик ҳаракатларини содир этиш хавфини оширади.

Айниқса, ногиронлиги бор болани тарбияловчи ота-онанинг эмоционал толиқиши муаммоси айниқса, долзарб аҳамиятга эга. Ушбу муаммодан, айниқса улар кўпроқ азият чекади.

Бунда, ота-оналар толиқишининг гендер жиҳатини алоҳида қайд этиш керак. Аксарият ҳолларда, ногиронлиги бор боланинг онаси юқори даражада асабий-руҳий кескинликни ҳис қилади, чунки айнан у бола билан доимий ва энг яқин ўзаро ҳамкорликда бўлиб, уни парваришlash бўйича асосий юклама унинг зиммасига тушади.

Ногиронлиги бор болани парваришlashни, одатда, онанинг касбий бандлиги билан бирга олиб боришнинг имкони йўқ, у бола ва оиланинг эҳтиёжларига мослашгани ҳолда ишини ташлашга ёки кам ҳақ тўланадиган ва жадвали мос келадиган иш билан чекланишга мажбур бўлади.

Бола билан содир бўлаётган ўзгаришлар, унинг ривожланиши, хатти-ҳаракатлари, ижтимоий мослашувидаги мураккабликлар, онанинг бўш вақти йўқлиги, оқибат натижада аёлни ижтимоий яққаланиб қолишга, қариндошлари, дўстлари ва танишларидан узоқланишишига олиб келади. Аста-секин унинг қизиқишлари доираси тораёди, атрофдагилар билан мулоқот қилиш суръати пасаяди, оила ичидаги алоқалар издан чиқади. Бу эса, ўз навбатда ҳар қандай инсон учун муҳим бўлган - дам олиш, мулоқот қилиш, шахсий ҳаётга оид эҳтиёжларнинг қониқтирилмаслигига сабаб бўлади ва сурункали стресс учун омилларни вужудга келтиради, кейинчалик эса касаллик ҳолатларининг ривожланишига сабаб бўлади.

Умумий муҳокама

 Юқорида келтирилган маълумот фойдали бўлдимиз? Ушбу маълумотни амалиётда қандай қўллайсиз?

 Ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналари билан қандай ишлаш керак?

 **Тренер диққатига.** Иштирокчиларнинг барча фикрлари флипчартга ёзид олиш зарур.

3.2.2. ГЗнинг олдини олиш учун ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг ота-оналари ҳамда яқин қариндошлари билан ишлаш

 **Ногиронлиги бор болаларнинг ота-оналари билан ишлаш тамойиллари**

 **Тренер тақдими**

Ногиронлиги бор болани тарбияловчи оилаларда ота-оналар толиқишининг олдини олиш тамойиллари

Ота-оналар толиқишининг олдини олиш ногиронлиги бор болаларга нисбатан беписандлик билан муносабатда бўлиш ва зўравонликнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайди.

Ишларнинг самарадорлигини таъминлаш учун оилалар ва болалар билан ишловчи барча ташкилот ва идораларнинг, шунингдек, оиладаги зўравонликка қарши курашга ва профилактика ишларига жалб қилинган барча мутахассислар (ижтимоий соҳа ходимлари, психологлар, педагоглар, ҳуқуқ тартибот органлари ходимлари ва б.) биргаликда, комплекс иш олиб бориши зарур.

Кўмаклашувчи ташкилотлар мутахассислари томонидан олиб бориладиган ишлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган бўлиши керак:

- ота ёки она ижтимоий ролининг муносиб ўз-ўзини баҳоланишини шакллантириш;
- боланинг ривожланиши бўйича конструктив қарашларни шакллантириш. Ота-она болани (боланинг касаллигини) қабул қилишга ўрганиши, унга ривожланиш ва жамиятда ижтимоийлашувини қамраб олувчи саводли парваришни таъминлаши муҳим;
- мақбул оилавий муҳитни яратиш ва болада мустақилликни ривожлантириш учун оилавий тарбия услубини ўзгартириш (*болага кам ва ортиқча ғамхўрлик қилиш элементларини истисно қилиш*);
- ота-оналарни ўзаро тўғри ҳамкорлик қилиш ва бола билан мулоқот қилиш усулларига ўргатиш;
- ота-оналарни бола касаллиги кечишининг ўзига хосликлари, даволаш ва терапия, ўқитиш ва ижтимоийлашув усуллари тўғрисида хабардор қилиш;
- ота-оналарни болага нисбатан зўравонлик ва унинг оқибатлари ҳақида хабардор қилиш;
- оилада зўравонликнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш;
- ота-оналарни релаксация усулларига ўргатиш;
- ногиронлиги бор болани парваришловчи оналарда ва бошқа яқин қариндошларда эмоционал бузилишларга тузатиш киритиш;
- оила аъзолари билан соғлом психологик муҳитни ҳамда оилавий муносабатларни сақлаш бўйича конструктив қарашларни шакллантиришга йўналтирилган ишларни олиб бориш.

📖 Ногиронлиги бўлган аёллар ва қизларга нисбатан ГЗнинг олдини олиш

- Хавф гуруҳида бўлган оилаларни маҳаллаларда аниқлаш (ГЗ бўйича). Ушбу вазифа турли мутахассислар, ГЗга жавоб бериш учун ваколатли органлар томонидан амалга оширилади:
 - бирламчи тиббий-санитария ёрдами доирасидаги тиббиёт ходимлари, патронаж ҳамширалар, оилавий шифокорлар;
 - ҳудудий аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлинмаларининг ижтимоий ишчилари, маҳалла аёл фаоллари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари ва мактаб психологлари ўзларининг функционал вазифалари доирасида маҳаллада махсус тадбирлар ўтказиши доирасида.
- Маҳалладаги аёллар фаоллари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлинмаларининг ижтимоий ишчилари, психолог ва оила шифокори билан биргаликда муаммоли оилаларнинг оилавий ижтимоий-психологик портретини тузадилар.
- Маҳалла хотин-қизлар фаоли, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлинмаларининг ижтимоий ишчилари, оила шифокори, психолог ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори биргаликда ижтимоий-психологик портрет асосида оилани ривожлантиришнинг индивидуал режасини (ОРИР) ишлаб чиқади. Оиланинг ҳар бир аъзоси, айниқса зўравонлик содир этган шахс билан иш олиб борилади.

Ишнинг йўналиши: мулоқот кўникмаларни яратиш ва ривожлантириш, соғлом турмуш тарзи, ҳаётнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатлари, психотерапия, низоли вазиятларни ҳал қилишда оила аъзоларига

маслаҳат бериш. Шунингдек,, ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчисининг ўзи оилани ривожлантиришнинг индивидуал режасини ишлаб чиқишда иштирок этади.

- Ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтиёжлари ва тиббий, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш муҳимлиги тўғрисида хабардорликни ошириш мақсадида кенг кўламли ахборот кампаниялари, акциялар, тренинглар ўтказиш. Кампаниялар ногиронлиги бўлган кишиларга, уларнинг оилаларига, ҳамкорларига, ғамхўрлик қилувчиларга, тиббиёт ходимларига ва бошқа жамоат хизматларини кўрсатувчиларга қаратилган бўлиши керак. Жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга, хусусан, аёллар ва қизларга нисбатан ГЗ муаммоси ва жинсий зўравонлик ҳолатларида кўриладиган чора-тадбирлар, жинсий ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш. Ногиронлиги бўлган шахслар, хусусан, аёллар ва қизлар учун тиббий, соғломлаштириш ва реабилитация, ижтимоий-психологик ва ҳуқуқий ёрдамнинг мавжудлигини таъминлаш.
- Ногиронлиги бўлган ГЗ жабрланувчилари учун қулай ишонч телефонларини, матнли фавқулодда хизматларни; инклюзив таълим дастурларини яратиш. Бепул ёки субсидияланган транспортни таъминлаш.
- Ногиронлиги бўлган шахсларга хизмат кўрсатувчи тиббий-ижтимоий ва реабилитация муассасаларига, шунингдек,, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига эшитиш қобилияти чекланган аёллар ва қизлар билан самарали мулоқот қилиш учун сурдо тили мутахассисларини (сурдо-таржимонларни) жалб этиш.
- ГЗ, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва тажовузкорнинг жавобгарлиги, зўравонлик ва шафқатсиз муносабат ҳақида хабар бериш бўйича ўқув дастурларини яратиш. Ўқув дастурлари ва ўқув материаллари ногиронлиги бўлган шахслар, хусусан, қизлар ва аёллар учун минтақавий маданий ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда мослаштирилиши керак.
- Интеллектуал НБХ/Қни ГЗга дучор бўлган тақдирда нима қилиш кераклиги ҳақида хабардор қилиш учун осон ўқишлиши мумкин бўлган кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва нашр қилиш. Масалан: "Кимдир сизни хафа қилса ёки сизга ёмонлик қилса нима қилиш керак", "Ногиронлиги бўлган аёллар ва қизлар учун гендер зўравонлик ҳақида маълумот".
- НБХ/Қ оила аъзолари, ҳамкорлари, уларга ғамхўрлик қилувчилар учун ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашни яхшилайдиган таълим дастурларини яратиш. Масалан, ғамхўрлик қилувчиларни тайёрлаш, парвариш бўйича маслаҳатлар каби ёрдам дастурлари.

Кичик гуруҳларда ишлаш

Иштирокчиларни 4 та кичик гуруҳга бирлаштиринг ва қуйида келтирилган топшириқни беринг.

 **Топшириқ:** НБХ/Қни тазйиқ зўравонликдан ҳимоя қилиш ва зўравонлик содир этган шахс билан ишлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқинг.

Кичик гуруҳларда иш натижаларининг тақдимоти.

Мавзу бўйича тренер хулосалари.

Ўқув дастурини яқунлаш

- Саволлар ва жавоблар
- Ўқув дастурининг якуний тестини тўлдириш.

III. ҚўЛЛанилган адабиёт ва манбалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145>

2. “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция. (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь). <https://lex.uz/docs/5501227>
Мазкур Конвенция Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 7 июндаги ЎРҚ-695-сонли Қонуни билан ратификация қилинган.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 25.07.2022 йилдаги ПФ-175-сон «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА». <https://lex.uz/uz/docs/6130265>
4. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги (ЎРҚ-562-сон). <https://lex.uz/docs/4494849>
6. “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизим янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (11.04.2023, ЎРҚ-829-сон) Қонун. <https://lex.uz/ru/docs/6430272>
7. “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. <https://lex.uz/ru/docs/5049511>
8. Межведомственное реагирование на гендерное насилие. Пакет ресурсов. ЮНФПА и ВИРЗ (Восточно-европейский институт репродуктивного здоровья), 2020 год.
9. ЮНФПА «Женщины и молодые люди с ограниченными возможностями». Руководство по предоставлению услуг с учетом прав человека и гендерного фактора для решения проблемы гендерного насилия и сексуального и репродуктивного здоровья и прав, 2018.
10. Стандарт операцион иш тартиблари:
 - Стандарт операцион иш тартиблари. Психологик хизмат тақдим этувчилари учун. <https://uzbekistan.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/5505f804-8a57-400b-a3ad-f14c3a99a9cd.pdf>
 - Стандарт операцион иш тартиблари. Ижтимоий хизмат тақдим этувчилари учун. https://uzbekistan.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/social_uzb.pdf
 - Стандарт операцион иш тартиблари. Идоралараро жавоб қайтариш. https://uzbekistan.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/mejved_uzb.pdf
 - Стандарт операцион иш тартиблари. Тиббий хизмат тақдим этувчилари учун. <https://uzbekistan.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/uzb.pdf>
 - Стандарт операцион иш тартиблари. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматларини тақдим этувчилари учун. https://uzbekistan.unfpa.org/sites/default/files/pub-pdf/law_enforce_uzb.pdf
11. "Гендер ва зўравонлик" муаммога амалий ёндашув: соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари ва менежерлари учун дастурий қўлланма. UNFPA. 2010.
12. Гендерные аспекты в инвалидности и аспект инвалидности в положении женщин и девочек-инвалидов. https://www.un.org/ru/rights/disabilities/background_4.shtml
13. О стратегии социальной защиты. https://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/utverjdena_strategiya_socialnoy_zashchity_naseleniy_a?ysclid=I9yl2co1m7407027580
14. И.С. Клецина, Е. В. Иоффе. Ераклар ва аёллар ўртасидаги яқин муносабатларда зўравонлик сабабларини таҳлил қилишда гендер ёндашуви. Гендер психологияси. Россия жамиятидаги аёл, 2015 йил, 1-сон, 4-17 п.

15. "Шарқий Европа ва Марказий Осиёда gender зўравонлигига қарши курашда соғлиқни сақлаш тизимининг ролини кучайтириш" тренинги учун тарқатма материаллар тўплами. Тўлқин тармоғи ва UNFPA 2014. Материаллар тўплами. р. 369

IV. ИЛОВАЛАР

4.1. ГЗ жабрланувчисини сўроқ қилиш ва кўриқдан ўтказиш қоидалари

1. Ўзингизни таништиринг ва ташкилотингиз хизматлари ҳақида қисқача гапиринг (ҳар бир хизмат кўрсатувчи ҳам ўз ташкилотининг хизматлари, ҳам бошқа хизмат кўрсатувчининг хизматлари ҳақида гапиради).
2. ГЗдан жабрланувчи ва унга ҳамроҳ бўлганлардан ўзларини таништиришларини сўранг.
3. Сўхбат давомида жабрланувчи ва унинг оиласи билан ишончли муносабатлар ўрнатинг.
4. ГЗ жабрланувчиси ва унинг оиласига ишонч, эътибор, меҳр билан муносабатда бўлинг, қўллаб-қувватланг ва зарур ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигингизни кўрсатинг.
5. Дўстона муносабат, эмпатик (ҳамдардлик) тушунишни кўрсатинг, хотиржам оҳангда гапиринг, секин, жабрланувчининг кўзларига қаранг (ушбу ҳамжамиятда бу мақбул бўлса).
6. Жабрланувчини ва унга ҳамроҳ бўлган одамни фаол тингланг.
7. Сўхбат давомида ёдда тутинг:
 - мутахассиснинг қандай тинглаши муносабатларни ўрнатиш учун муҳим;
 - сўхбат давомида жабрланувчини ҳиссий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур;
 - тананинг эркин, бўшашган ҳолати ҳақида (бу жабрланувчига гапиришни бошлашга ёрдам беради);
 - жабрланувчининг нутқини кераксиз бўлманг;
 - аниқлаштирадиган саволлар жабрланувчи ўз ҳикоясини тугатгандан кейингина берилиш керак;
 - содир бўлган воқеанинг жиддийлиги тан олиншини ҳамдардлик билан кўрсатиш керак.
8. Жабрланувчидан содир бўлган воқеа тафсилотларини сўраманг.
9. Ҳеч қандай ҳолатда уни содир бўлган воқеа учун айблманг, қораламанг.
10. Жабрланувчи ва унга ҳамроҳ бўлган одамнинг хатти-ҳаракатларини кузатинг, кўрган нарсанингизни таҳлил қилинг.
11. Сўров давомида олинган жавобларни объектив текширув маълумотлари (тиббиёт ходимлари учун) ва жабрланувчи, ва унга ҳамроҳ бўлган шахснинг хатти-ҳаракатларини кузатиш натижалари билан солиштиринг.
12. Ахборотнинг Маҳфийлигини таъминланиши ҳақида маълумот беринг.
13. Учинчи томон сўхбатни эшитиши мумкин бўлган **пардалар ортида** (айниқса, соғлиқни сақлаш муассасаларида) зўравонлик ҳақида саволлар беришдан эҳтиёт бўлинг. Сўхбат ёпиқ эшиклар ортидаги танҳо хонада ўтказилиши керак.
14. Жабрланувчига ва унга ҳамроҳ бўлган шахсга ўзлари муҳим деб ҳисоблаган ва тушунмайдиган ҳамма нарсга ҳақида савол бериш имкониятини беринг.
15. Жабрланувчидан унинг зўравонликка дучор бўлганлиги ҳақида унга ҳамроҳ бўлган шахс иштирокида сўраш мақсадга мувофиқми ёки йўқлигини ҳал қилинг.

Ёдда тутингки, ҳамроҳлик қилувчи шахснинг ўзи зўравонлик қилиши мумкин, зўравонлик ҳақидаги саволлар жабрланувчини хавфли вазиятга солиб қўйиши мумкин.

16. ***Жабрланувчининг руҳий муаммолари бўлмаса***, унга ҳозир нима кераклигини унинг ўрнига ҳал қилманг (у ҳақиқат ўз устидан назоратни йўқотмаганлигини ҳис қилиши керак).

Ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсга нисбатан зўравонлик ҳаракати мавжудлигини аниқлайдиган саволларга мисоллар (беморларга тушунарли форматлардан фойдаланган ҳолда)

1. Сизга имкон қадар энг яхши тарзда хизматни тақдим этишим учун Сиз ҳақингизда билишим керак бўлган бирор нарса борми?
2. Оилангиз томонидан шахсий мустақиллигингиз ва автономиянгизга нисбатан қуйидаги чекловларга дуч келябсизми:
 - бошқа одамлар билан мулоқот қилиш,
 - уйдан чиқиш,
 - оилавий тадбирларда иштирок этиш (тўйлар, байрамлар ва ҳоказо),
 - бошқа одамлар билан учрашиш,
 - қарама-қарши жинсдаги шахслар билан учрашувлар.
3. Сиз мустақил бўлишингиз учун керак бўлган бирор нарсани кимдир олганми ёки бузганми? Масалан, ҳасса, ходунук, ногиронлар аравачаси?
4. Мажбурий ўйда ушлаб туриш ва етарлича парвариш қилмаслик ҳолатлари бўлганми?
5. Кимдир сизнинг даромад ва харажатларингизни назорат қиладими? Сизнинг эҳтиёжларингиздан қатъи назар, бошқа одамлар ногиронлик нафақасини олган ва пулни ишлатиб юборган ҳолатлар бўлганми? Агар сиз уларнинг қарорларига рози бўлмасангиз нима бўлади?
6. Соғлик ва жисмоний қобилятларга оид ҳақорат ва ёмон сўзларни, камситувчи ва ҳақоратли сўзларни эшитганмисиз?
7. Сизнинг ночор ҳолатингиздан фойдаланган ҳолда жинсий алоқа қилиш ёки жинсий характердаги бошқа ҳаракатлар, таҳдид билан жинсий ҳаракатларга мажбурлаш ҳолатлари бўлганми?
8. Бошқа шахслар томонидан калтаклаш, бўғиш, туртиш ва зарба бериш ҳолатлари бўлганми?

4.2. Зўравонлик ҳолати мавжудлигини баҳолаш усули

№	ГЗ ҳолати мавжудлигини баҳолаш мезонлари рўйхати	ГЗ мавжудлиги кўрсаткичлари
1.	Жисмоний зўравонлик	
1.1.	Жисмоний оғриқни келтириб чиқарадиган калтаклаш ёки бошқа зўравонлик ҳаракатлари.	
1.2.	Ахлоқсиз хатти-ҳаракатлар, ҳақоратли тазйиқ, таҳқирлаш, ўй-рўзғор буюмларига зарар етказиш ва ҳуқуқбузар билан оилавий муносабатда бўлган шахсларга нисбатан, уларнинг шахсий хотиржамлигини бузадиган, шахсий турар жой биноси ёки квартирасида содир этилган фуқароларга	

	ҳурматсизликни билдирувчи бошқа хатти-ҳаракатлар.	
1.3.	Доимий калтаклаш ёки бошқа зўравонлик хатти-ҳаракатлари туфайли жисмоний ёки руҳий азобларни келтириб чиқариш.	
1.4.	Инсон ҳаёти учун унча хавfli бўлмаган ва соғлиғига ўртача зарар етказадиган, оқибатларга олиб келмайдиган, аммо узоқ муддатли соғлиққа зарар етказадиган қасддан қилинган хатти-ҳаракат.	
1.5.	Инсон ҳаёти учун хавfli бўлган, соғлиққа зарар етказадиган ва кўриш, нутқ, эшитиш ёки бирон бир аъзонинг қобиляти йўқолишига, ёки бирон бир орган томонидан унинг функцияларининг йўқолишига олиб келадиган ёки инсоннинг номутаносиб носоғломлигида ифодаланган танага қасддан оғир шикаст етказиш.	
1.6.	Инсон ҳаёти учун хавф ёки жиддий хавф туғдирадиган ёки соғлиғининг бузилишига олиб келадиган, ёки ҳомиладорлик, руҳий касалликлар, гиёҳвандлик ва токсикоз касаллигига олиб келадиган баданга қасддан оғир тан жароҳати етказиш.	
2.	Психологик зўравонлик	
2.1.	Қўполлик қилиш, калтаклаш, ҳақоратлаш, таҳдид қилиш, шантаж, таъқиб қилиш ва инсоннинг салбий ҳиссий реакциясини ва юрак хуружини келтириб чиқарадиган бошқа ҳаракатлар (ҳаракатсизлик).	
2.2.	Бирор шахсни ўз жонига қасд қилишгача олиб бориш ёки жонига қасд қилиш билан таҳдид қилиш, шафқатсиз муносабатда бўлиш ёки жабрланувчининг инсоний қадр-қимматини мунтазам равишда камситиш.	
2.3.	Одам ўлдириш ёки оғир тан жароҳати етказиш таҳдиди, шунингдек, инсонга нисбатан бошқа оғир турдаги зўравонлик.	
2.4.	Ёқиб юбориш, портлатиш ёки бошқа хавfli усул билан мулкни йўқ қилиш, агар ушбу таҳдиднинг амалга оширилишидан қўрқиш учун етарли сабаб бўлса.	
3	Иқтисодий зўравонлик	
3.1.	Инсоннинг мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишдан маҳрум қилиш.	
3.2.	Инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган пул маблағларидан маҳрум қилиш.	
3.3.	Шахсни турар жойидан маҳрум қилиш.	
3.4.	Инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан маҳрум қилиш.	
3.5.	Инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган кийим-кечакларидан маҳрум қилиш.	
4.	Жинсий зўравонлик	

4.1.	Зўрлаш, яъни жабрланувчига ёки бошқа шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки уни ишлатиш таҳдиди билан ёки жабрланувчининг ночор ҳолатидан фойдаланган ҳолда жинсий алоқада бўлиш.	
4.2.	Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўравонлик ишлатмасдан бузуқ хатти-ҳаракатлар содир қилиш.	
4.3.	Бирон шахсни жинсий алоқада бўлишга, баччабозликка, лесбиянкаликка ёки бошқа жинсий характердаги хатти-ҳаракатларни қилишга мажбурлаш.	

*(баҳоланувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса)
 ГЗ хатти-ҳаракатлари натижасида ГЗ жабрланувчиси (жабрланувчилари) сифатида тан олинган.*

*(баҳоланувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса)
 ГЗ хатти-ҳаракатлари натижасида ГЗ жабрланувчиси (жабрланувчилари) сифатида тан олинмаган. Баҳоловчилар _____*

(имзо) (Фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса).

4.3. ГЗ ҳолатларида хавфни баҳолаш юзасидан саволнома

Эслатма: Саволларни жабрланувчига ўзи ҳақидаги маълумотларни тақдим этганидан ва зўравонлик шакли аниқланганидан кейин бериш тавсия этилади.

Жабрланувчига савол: Сиз зўравонликнинг қандай шакллари ва турларига дуч келдингиз?

№	Ҳа	Йўқ	Билмайман	Саволлар
1.				У тажовузкор бўлганми ёки хавfli?
2.				У сизга тиббий ёрдамга мурожаат қилишингизга мажбур этган жиддий тан жароҳати етказдими?
3.				У сизни қачондир бўғганми?
4.				Сиз жинсий зўравонликка учраганмисиз?
5.				У қурол ишлатганми, ёки қурол ишлатиш билан таҳдид қилганми? Агар шундай ҳолат бўлган бўлса, қачон?
6.				У сизнинг қаерда эканлигингизни текшириб кўриш учун таъқиб қилганми, сизда патологик рашкни синаб кўрганми?
7.				У сизга нисбатан зўравонлик ҳолатларини кўпайтирганми?
8.				У ўз жонига қасд қилиш билан таҳдид қилганми? У томонидан ўз жонига қасд қилишга уриниш бўлганми?
9.				Сиз ҳомиладорлик даврингизда зўравонликка учраганмисиз?
10.				Охириги бир йил ичида сиз уни тарк этиб кетдингизми ёки ундан кетишга ҳаракат қилдингизми?
11.				Сиз ундан қочиб ИИБга, бошпанага, реабилитация марказига борганмисиз?
12.				Сиз ўзингизни ёрдамчи манбалар (автомобиль, телефон, оила, дўстлар, яқинлар ва ҳоказо)дан холи деб ҳис қиласизми?
13.				Охириги бир йил ичида у стресс ҳолатини (ишини йўқотиш, яқин

			кишисини йўқотиш, молиявий қийинчиликка тушиб қолиш) бошидан ўтказганми?
14.			У спиртли ичимликлар истеъмол қиладими?
15.			У алкоголь/гиёҳванд моддаларга қарамликдан даволанганми?
16.			У қурол ишлатиш ҳуқуқига эгами?
17.			Нима деб ўйлайсиз, у сизга жиддий зарар/ жароҳат етказиши мумкинми?
18.			Сиз қачондир уни жавобгарликдан ҳимоя қилишга (ИИБдан аризангизни қайтариб олиш, уни кафилликка олиш ва бошқалар) уринганмисиз?
19.			У фарзандларингизга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлганми?
20.			У онасига нисбатан жисмоний зўравонлик ҳодисасига гувоҳ бўлганми?
21.			У содир этган зўравонлигидан кейин афсусланадими/тавба қиладими?
22.			У зўравонлик ҳолати билан боғлиқ бўлмаган бошқа турдаги жиноят содир этганми?
23.			У оила аъзоси бўлмаган бошқа шахсларга нисбатан ҳам зўравонлик содир этганми?
24.			У гиёҳванд моддалар истеъмол қиладими?
25.			У қачондир уй ҳайвонларини жароҳатлаганми/яралаганми/ўлдирганми?

4.4. Зўравонлик ҳолати ҳақидаги тахмин қилинган/гумон қилинаётган ҳодисалар ҳақида сигнал варақаси

ЮБОРУВЧИ:			
Тиббий ташкилот:	Маҳаллий жой:	Кетиш санаси ва вақти:	Жўнатмани/сигнал варақани рақами:
ОЛУВЧИ: бирламчи тиббий-санитария ёрдам ташкилотининг ходими			
Исми, фамилияси			
ЗЎРАВОНЛИК ТАҲМИН ҚИЛИНГАН ЖАБРАНУВЧИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ			
Исм фамилияси	Ёши	Жинси: <input type="checkbox"/> А <input type="checkbox"/> Э	
Манзили:	Алоқа телефон рақами:	Сигнал вақтида аёл/қизнинг жойлашуви:	
ОТАСИ-ОНАСИ / ВАСИЙСИ (ЛАРИ) ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР			
<input type="checkbox"/> ота ёки она; <input type="checkbox"/> васий	Исм фамилияси		
Манзили:	Алоқа телефон рақами:		
ТАҲМИН/ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ЗЎРАВОНЛИК ҲОЛАТИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР			
Сана, вақти	Воқеа ҳодиса жойи:		

Кузатилган вазиятнинг қисқача тавсифи:			
ТАҲМИН/ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ЗЎРАВОН(ЛАР) ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР			
Тахмин қилинган жабрланувчига муносабат: <input type="checkbox"/> ота-она <input type="checkbox"/> қариндош <input type="checkbox"/> ходим/мутахассис <input type="checkbox"/> жамият резиденти <input type="checkbox"/> бошқа бола <input type="checkbox"/> номаълум	Зўравоннинг жабрланувчига яқинлашиш имконияти: <input type="checkbox"/> доимий <input type="checkbox"/> қисман / вазиятга қараб <input type="checkbox"/> яқинлашиш имкониятига эга эмас		
ҲОДИСАНИ ТУРИ			
ЗЎРАВОНЛИК		ЭЪТИБОРСИЗЛИК	
<input type="checkbox"/> жисмоний	<input type="checkbox"/> тарбиявий		
<input type="checkbox"/> жинсий	<input type="checkbox"/> хавфсизликни таъминлаш борасида		
<input type="checkbox"/> психологик	<input type="checkbox"/> озиқлантиришда		
<input type="checkbox"/> иқтисодий	<input type="checkbox"/> гигиенани таъминлашда		
		<input type="checkbox"/> кийинишда	
ИНДИКАТОРЛАР / МЕЗОНЛАР			
ЖИСМОНИЙ		РУҲИЙ-ХУЛҚ-АТВОР	
<input type="checkbox"/> синиш	<input type="checkbox"/> кўқаришлар	<input type="checkbox"/> катталардан қўрқиш	<input type="checkbox"/> уйдан қочиш
<input type="checkbox"/> куйишлар	<input type="checkbox"/> кесиш	<input type="checkbox"/> ташвишланиш	<input type="checkbox"/> сексуаллашган хулқ-атвор
<input type="checkbox"/> энурез	<input type="checkbox"/> жинсий йўл билан юқадиган касалликлар	<input type="checkbox"/> тажовуз	<input type="checkbox"/> ўз жонига қасд қилишга уринишлар
<input type="checkbox"/> бош оғриғи	<input type="checkbox"/> жинсий аъзолар / анус жароҳатлари	<input type="checkbox"/> депрессия	<input type="checkbox"/> рад этувчи / девиант хулқ
<input type="checkbox"/> жисмоний кам ривожланганлик	<input type="checkbox"/> ҳомиладорлик	<input type="checkbox"/> мактабда ёмон ўқиш	<input type="checkbox"/> бошқа мезонлар
<input type="checkbox"/> фаслга мос келмайдиган ифлос кийимлар	<input type="checkbox"/> бошқа мезонлар		
<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>	<input type="checkbox"/>

Сигнал варағини тўлдирган мутахассис/соғлиқни сақлаш ходимининг исми <hr style="border: 0; border-top: 1px solid black; margin: 5px 0;"/> Имзо _____ Ф.И.О.	Сигнал варағини қабул қилган ва рўйхатдан ўтказган мутахассис/ишчининг исми <hr style="border: 0; border-top: 1px solid black; margin: 5px 0;"/> Болага нисбатан зўравонлик ёки бепарволик ҳолатлари ҳақидаги сигналларни рўйхатга олиш ва қайд этиш журналидаги ёзув рақами <hr style="border: 0; border-top: 1px solid black; margin: 5px 0;"/> Имзо /Ф.И.О./
---	---

4.5. ЖССТ тавсияларига мувофиқ тиббий кўрикнинг (бошдан оёқ) умумий тамойиллари

1. Кўрикнинг ўзи ГЗдан жабрланган (тиббиёт муассасида – бемор) учун навбатдаги травма бўлиб қолмаслиги учун тиббий кўрик нима эканлигини, нима учун ва қандай қилиб ўтказилишини тушунтириш керак. Беморга савол бериш имконияти ҳам берилиши керак.
2. Жабрлангандан уни аёл шифокор текширишини хоҳлашини ёки хоҳламаслигини сўранг (айниқса жинсий зўравонлик ҳолатларида).
3. Беморни ёлғиз қолдирманг (масалан, у кўрикни қутаётганда), айтиқса ўз-ўзига зарар етказишга шубҳа бўлса ёки шунга ўхшаш хавф мавжуд бўлса.
4. Бемордан тўлиқ ечинишни ва касалхона ҳалатини кийишни илтимос қилинг. Шу тарзда сиз яширин шикастланишларни кўришингиз мумкин.
5. Айтиқса, кийим ва сочлар остида яширинган жойларни диққат билан текширинг.
6. Нафақат жинсий органлар ва қоринни, балки бутун танани текшириш керак.
7. Жиддий ва аҳамиятсиз жароҳатларни ҳам кўздан кечирилинг.
8. Шу билан бирга, эмоционал ва психологик аломатларга ҳам эътибор бериш керак.
9. Бутун кўрик давомида беморни ўз ҳаракатларингиз ҳақида хабардор қилинг ва ундан рухсат сўранг.
10. Ҳар доим беморга кейин нима қилишингизни ва тананинг қайси қисмларига тегишингизни айтинг. Асбобларингизни кўрсатинг, уларни нима учун қўлланилишини тушунтирилинг.
11. Беморлар тўлиқ кўрик процедурасидан ёки унинг баъзи таркибий қисмларидан воз кечиши мумкин ва уларнинг қарорини ҳурмат қилиш керак. Беморнинг кўрик жараёнини маълум даражада назорат қила олиш қобилияти шифонинг муҳим элементиدير.

4.5. Гендер зўравонлик жабрланувчисининг шахсий хавфсизлик режаси

(зўравонлик содир этилган ёки такрорий зўравонлик хавфи мавжуд бўлган жойга/муҳитга қайтиш зарурати туғилганида гендер зўравонлик жабрланувчиси билан биргаликда ишлаб чиқилади)

Жабрланувчи	<hr style="border: 0; border-top: 1px solid black;"/>	Хизматларни тақдим этувчи (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи/тиббий/ижтимоий/психологик) фамилияси, исми, лавозими	<hr style="border: 0; border-top: 1px solid black;"/>
Сана	<hr style="border: 0; border-top: 1px solid black;"/>	Қайта баҳолаш (саналар)	<hr style="border: 0; border-top: 1px solid black;"/>

1. Агар менинг шахсий хавфсизлигим ёки менинг фарзандларим хавфсизлигига таҳдид туғилса, мен _____га ёки _____га мурожаат қилишим мумкин (жабрланувчи зўравонлик такрорланишини кутмаган тақдирда ҳам ўз қарорини кўрсатиши керак).
2. Қариндошларим, яқинларим ёки дўстларимдан кимга ишонишим мумкин ва фавқулодда вазият ҳолати юзага келганида фарзандларим билан кимникида бир неча кун хотиржам яшашим мумкин?
3. Зўравонлик ёки таҳдидли вазиятда мен: _____дан (масалан, қайси эшиклар, дераза, лифт, зинапоялар ёки аварияда чиқиш жойлари) хавфсиз чиқиш учун фойдаланишим мумкин.
4. Агар менга нисбатан тазйиқ ёки зўравонлик муқаррар бўлса, мен буни осон тарқ этиш имкони бўлган хонада ёки бинода қарши олишга ҳаракат қиламан. Мен қурол ишлатилишига қулай бўлиши мумкин бўлган жойдан қочишга ҳаракат қиламан.
5. Мен ўзимга нисбатан зўравонлик содир этилиши мумкинлиги тўғрисида қуйидаги шахсларни огоҳлан- тириб қўйишим ва хонадонимда шубҳали шовқин-сурон эшитилса ИИБга хабар беришларини сўрашим мумкин: _____.
6. Мен фарзандларим ёки дўстларимдан қийин вазиятга тушиб қолганимда менга ёрдам сўрашлари учун Маҳфий ишора сифатида (масалан, белги, сўз) _____дан фойдаланишим мумкин.
7. Агар зўравонликни содир этган шахс бошқа мен билан яшамаётган бўлса, мен уйимда ўз хавфсизлигимни таъминлаш чораларини кўришим мумкин (қулф-калит, сигнализация ва бошқалар). _____.
8. Мен хавфсизлик сумкасини сақлашим мумкин (уйда/дўстимнинг уйида): _____
9. Хавф туғилганда уйдан тезда чиқиб кетишим учун менга қуйидагилар керак бўлади (хавфсизлик сумкаси- нинг таркиби):
 - пул / нақд пул;
 - уй ва автомобилнинг қўшимча калитлари;
 - қўшимча кийим-кечаклар;
 - шахсий гигиена воситалари;
 - уяли телефон, муҳим телефон рақамлари, телефон карталари;
 - тиббий маълумотномалар;
 - керакли ҳужжатлар (паспорт/шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат, тиббий карта ва маълумотномалар, фарзандларнинг ҳужжатлари ва бошқалар);
 - болаларимнинг сеvimли ўйинчоқлари;
 - бошқалар _____

Хизмат тақдим этувчи менга қуйидагиларни маълум қилди:

- Мен зўравонликни содир этган шахсни тажовузкор хатти-ҳаракатига жавобгар эмасман, лекин ўзим ва болаларимнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўра оламан.
- Мен бундан яшироғига муносибман: мен ва менинг фарзандларим осойишта ва хавфсиз ҳаёт кечи- ришга ҳақлимиз.
- Зўравонлик жиноят ҳисобланади, мен бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қили- шим мумкин.
- Вақтинчалик ҳимоя ордерларни олиш тартиби мавжуд, мен уни қандай олишни биламан.
 - Мен ёрдам олишим мумкин бўлган жойлар бор: _____
 - Хизмат тақдим этувчи менга қуйидаги ёрдам кўрсатувчи муассасалар билан муаммони ҳал этиш бўйича ҳамкорликда иш олиб боришни давом эттириш таклифини берди, мен рози бўлдим: _____

4.7. Атамалар луғати

Гендер зўравонлик ҳодисалари ҳақида ҳисобдорлик — бир хизматлар тақдим этувчи томонидан бошқа хизматлар тақдим этувчиларга гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчини ошкор этиш; қайта йўналтириш жараёнида гендер зўравонлик ҳодисаси ҳақидаги маълумотни бошқа муассаса/ташкilot билан алмашинуви. Гендер зўравонликни бошидан кечирган жабрланувчи розилик ва алмашинув учун маълумотлар кўламини белгилаб бергандагина ҳисобдорлик амалга оширилиши мумкин.

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

Рухий саломатлик — бу инсоннинг ўз қобилиятларини намоён эта олиши, оддий ҳаётий қийинчиликларга қарши курашиши, самарали ишлаб, ўзи яшаётган жамиятга ўз ҳиссасини қўша оладиган хотиржамлик ҳолатидир. Ушбу ижобий маънода психологик саломатлик инсон хотиржамлиги ва жамиятнинг самарали фаолиятининг асосидир.

Посттравматик синдром (ЖКС, жароҳатдан кейинги стресс ҳолати — ЖКСХ) — ташқи омиллар натижасида ўта кучли шикастланидиган оғир руҳий касаллик. Рухий касалликларнинг клиник белгилари зўравонлик ҳаракатлари, марказий асаб тизими фаолиятининг бузилиши, камситилиш, яқин инсонларнинг ҳаёти учун қўрқув натижасида пайдо бўлади;

Суд-тиббий далиллар — ЖССТ таърифига кўра суд-тиббий далиллардан “фақат судда фойдаланиш мақсадида ҳужжатлаштирилган қўшимча ва аногенитал жароҳатлар ҳамда эмоционал ҳолат, шунингдек, жабрланувчи шахснинг танаси ёки кийимидан олинган намуна” сифатида фойдаланилади. “Бундай далиллар сўлак, маний, соч толаси, қов супчасида ўсадиган юнг, қон, сийдик, тола, бегона ашё ва тупроқдан иборат бўлади”;

Виктимлаш (лот. victim — қурбон, жабрланувчи) — жиноий тажовузкорлик жабрланувчисига айлантириш жараёни ёки якуний натижаси. Виктимлашга жиноят содир этилган вақтда бошланадиган жараён сифатида қаралади. Юз берган воқеада “жабрланувчини айблашга” йўл қўйиш мумкин эмас;

Такрорий виктимланиш (жабрланиш) - бу бирламчи зўравонлик ҳаракатини содир этган шахс томонидан гендер зўравонлик жабрланувчисига етказилган иккиламчи зарар.

Иккиламчи виктимланиш - бевосита ижтимоий муҳит, умуман ижтимоий ҳамжамят, ижтимоий назорат органлари, воситачилар ва жабрланувчилар билан ишлайдиган ходимлар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, шифокорлар муносабати билан боғлиқ бўлган гендер зўравонлик жабрланувчисига билвосита зарар. Жабрланувчининг "айби" га нисбатан стереотипга асосланган нотўғри қараш, унга қўпол, бепарво муносабатда бўлиш ва ўзини бирор нарса билан бўлганган шахс сифатида унга салбий муносабатда бўлиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, жабрланувчининг бегоналашишига ва унинг ижтимоийлашувига ёрдам беради.

Жинсий эксплуатация - бу заифлик, ҳокимият ёки ишонч мавқеини жинсий мақсадларда суиистеъмол қилиш ёки суиистеъмол қилишга уриниш, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда, бошқа шахснинг жинсий эксплуатациясидан пул, ижтимоий ёки сиёсий фойда олиш (Бирлашган Миллатлар

Ташкилоти Бош котиби Жинсий эксплуатация ва суиистеъмолликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги бюллетен (PSEA) (ST/ SGB/2003/13).

Тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш - аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилишига ёрдам берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, жамиятда аёлларнинг зўравонликдан озод бўлиш ҳуқуқлари тўғрисида хабардорликни оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий ва бошқа чора-тадбирлар тизими.

Тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш - аёлларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун юзага келган хавфни бартараф этиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий, психологик ва бошқа характердаги шошилиш чоралар тизими, шошилиш чоралар кўришни талаб қиладиган ҳаётий ҳолатлар, шунингдек, таъқиб ва зўравонлик қурбонига нисбатан зўравонлик ва зўравонлик содир этган шахс томонидан такрорий ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш.

Стигматизация (Стигма (юнонча stigma - “белги, нуқта, белги”) - брендлаш. Брендлаш сўздан фарқли, стигматизация сўзи ижтимоий белгиларга ишора қилиши мумкин. Шу маънода, стигматизация қандайдир сифат (одатда салбий) шахс ёки кўп сонли одамлар билан ассоциациясидир. Стигматизация дискриминацияга, яъни бир гуруҳ одамларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ҳақиқий ҳаракатларга олиб келиши мумкин.